



Е. А. Бухова, О. В. Солошенко, Е. П. Шаповалова

ВАТАНШУНОСЛИК

З

КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН
МАМЛЕКЕТТИК ЖЕЛЕГИ



КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН
МАМЛЕКЕТТИК ГЕРБИ



КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН МАМЛЕКЕТТИК ГИМНИ

Сөзү: Ж. Садыков, Ш. Кулуевдики
Муз.: Н. Давлесов, К. Молдобасановдуку

Ак мөңгүлүү аска-зоолор, талаалар,
Элибиздин жаны менен барабар.
Сансыз кылым Ала-Тоосун мекендеп,
Сактап келди биздин ата-бабалар.

Кайырма: Алгалай бер, кыргыз эл,
Азаттыктын жолунда.
Өркүндөй бер, өсө бер,
Өз тагдырын колунда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,
Досторуна даяр дилин берүүгө,
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

Кайырма:

Аткарылып элдин үмүт, тилеги,
Желбиреди эркиндиктин желеги.
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,
Бийик сактап, урпактарга берели.

Кайырма:

Е. А. Бухова, О. В. Солошенко, Е. П. Шаповалова

ВАТАНШУНОСЛИК

3-синф

Умумтаълим мактаблари учун дарслик

*Қирғизистон Республикаси Таълим ва фан
вазирлиги тасдиқлаган*

Бишкек
2015

ҚТА тақризчиси *О. И. Дудкина*
Тахрир кенгаши: *Ч. С. Давлетова, Ж. Исманова,*
О. А. Шикина, А. Т. Саалиев
Илмий маслаҳатчи: *Д. А. Шевцов*

Бухова Е. А. в. б.
Б 94 Ватаншунослик. 3 синф: Умумтаълим мактаблари учун дарслик /
Е. А. Бухова, О. В. Солошенко, Е. П. Шаповалова. – Б.: Аркус нашриёти,
2015. – 200 б., расм.






ISBN 978–9967–31–408–5

Дарслик ўқув дастури талабларига жавоб беради ва ўқувчиларга Ер. Коинот,
инсон ҳақидаги билимларни эгаллашда фаол қатнашишларини кўзда тутди.

Қўлингиздаги ушбу дарслик Қирғизистондаги ўзбек мактаблари учун «Дарс-
ликлар яратиш маркази» томонидан таржима қилинди. Дарслик ҳақидаги фикр-
мулоҳазаларингизни «Марказ» маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илти-
мос қиламиз.

Бизнинг манзил: Ўш шаҳри, Г. Айтиев кўчаси, 25

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

-  – Савол ва топшириқлар
-  – Уй вазифаси
-  – Ижодий топшириқ
-  – Ўқиш учун материаллар
-  – Амалий иш

Б 4306020900–15

УДК 373.167.1
ББК 26.89 я 721

ISBN 978–9967–31–408–5

© Е. А. Бухова, О. В. Солошенко, Е. П. Шаповалова, 2015
© «Аркус нашриёти», 2015
© ҚР Таълим ва фан вазирлиги, 2015

Қадрли болалар!

Қаршингизда «Ватаншунослик» дарслиги. Уни ўқиб ўрганиб сиз гўзал Ватанимизни яхшироқ билиб оласиз. Дарсликда сиз мамлакатимизнинг табиий бойликлари, халқ ижод қилган афсоналар ҳақида маълумотлар топасиз. Қирғизистоннинг вилоят ва шаҳарлари бўйлаб ажойиб саёҳат қиласиз. Шаҳар ва аҳоли яшайдиган жойлар тарихи билан танишасиз. Маҳаллий белгилар ва компас бўйича мўлжал олишни, жой планини тузишни, харитани ўқишни билиб оласиз.

Қирғизистонни дунёга танитган жасур сайёҳлар билан бирга Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳат қиласиз. Ватанимиз ҳудудида ўтказилган тадқиқотлар ҳақида билиб оласиз. Она табиат дунёсини очасиз. Қирғизистонни севишни ва табиат бойликларини муҳофаза қилишни ўрганасиз.

Инсон организмнинг хусусиятлари ҳақида билиб оласиз. Соғликни сақлаш усулларини, соғлом турмуш тарзини олиб боришни ўрганасиз. Қизиқарли тажриба ўтказишни ва экскурсияларга таклиф қиламиз.

Дарсликдаги топшириқларни бажариб, сиз хотирангизни, тасаввурингизни ривожлантиришингиз мумкин, ўзингизнинг дунёқарашингизни, маънавий даражангизни оширишингиз, ижодий қобилиятларингизни такомиллаштиришингиз мумкин.

Муваффақият тилаймиз!

Муаллифлар



ЗАМОНАВИЙ ҚИРҒИЗИСТОН



§ 1. Қирғизистон Республикасининг рамзий белгилари

Ватан! Бу сўз кўпгина маъноларни ўз ичига олади. Ватан – бу сиз туғилган, улғайган ва яшаётган ўлка. Бу сиз ўқиган мактаб, қишлоқ ва шаҳар, болалигингиз ўтаётган жой.

Ҳар бир фуқаро ўзининг Ватанини муқаддас деб қўриқлаши ва унинг ривожланиши, гуллаб-яшнашига ўз ҳиссасини қўшиши Конституцияда ёзилган, қонунларга бўйсунуши керак.

Қирғизистон Республикаси Конституцияси 1993-йил 5-май куни қабул қилинган. Конституция – давлатнинг барча фуқаролари яшаб амал қилиши зарур бўлган асосий қонун. Конституцияни ўзгартириш фақат кўплаган давлатимиз фуқароларининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.



Бизнинг Ватанимиз – Қирғизистон. Республика Ўрта Осиёда жойлашган. Тянь-Шань тоғлари бутун давлат бўйлаб чўзилган, даралар орасидан шиддат билан тўлқинли дарёлар оқиб ўтади.

Қирғизистонда еттита вилоят бор: Боткен, Жалолобод, Иссиқкўл, Норин, Ўш, Талас, Чуй.

1991-йили 31-августда Қирғизистон «Давлат мустақиллиги ҳақидаги декларация» ни қабул қилди ва дунёдаги барча давлатлар тан олган мустақил давлат бўлди. Қирғизистон пойтахти – Бишкек шаҳри.



Қирғизистон Республикасининг харитаси



Қирғизистон Республикасининг Давлат байроғи ва герби

Республика барча суверен давлатлар каби ўзининг байроқ, герб ва мадҳиясига эга.

Қирғизистон Республикасининг Давлат байроғи қизил рангдаги матодан иборат.

Байроқнинг қизил ранги жасорат ва мардонаворлик¹ белгисидир. Олтин Қуёш – умрбоқийлик рамзи – тинчлик ва бойликни, ёруғликка, маърифатга интилишни гавдалантиради. Айланага бирлашган 40 та нур, 40 та қадимги қабиланинг Қирғизистонга бирлашиб турганини англатади.

Туйнук – туғилиб ўсган уйнинг рамзи – уйнинг, халқнинг асрий аънаналарининг мустақамлигини ифодалайди, мамлакатда яшаётган халқларнинг бирдамлигини намоён этади. Қирғизистоннинг давлат гербида оқ бургутнинг қанот ёзиб турган кўриниши тасвирланган бўлиб у, давлатнинг эркинлиги, яхшиликка интилишини ифодалайди.

Иссиққўлдаги сувнинг сокинлиги – ҳаёт манбаи, табиат гўзаллиги рамзидир. Қуёш нури билан ёритиб турилган тоғ чўққилар оқ қалпоққа ўхшайди. Пахта ва бугдой унумдорлик рамзидир.

Қирғизистон Республикаси Мадрҳиясини Жалил Содиқов ва Шабданбек Кулуев ёзган. Мусиқасини – Носир Давлесов ва Калий Молдобосанов басталаган. Қирғиз тилидан рус тилига Казат Акматов ва Михаил Рудов таржима қилган.

¹ Байроқнинг қизил ранги муруватли Манаснинг байроғидаги ранг бўлган.



Гимн Қирғизистон халқини ўз Ватанини севишга, бошқа халқлар билан дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшашга, келгуси авлодга ота-боболарнинг меросини етказишга, чегараларни ва давлат мустақиллигини қўриқлашга чақиради.

Ёдда тутинг!

- Қирғизистон – демократик мустақил давлат.
- Демократия – сиёсий тузум бўлиб олий ҳокимият халқникидир.
- Суверенитет – бу давлатнинг ички ишларида ва ташқи сиёсатни олиб боришидаги тўла мустақиллиги.

1. Қирғизистон Давлат рамзларини таърифланг ва тушунтириб беринг?
 2. Суверенитет, демократия атамаларини тушунтириб беринг.
- * Ўз оилангизнинг гербини ўйлаб топинг ва чизинг. Унда оилангиз учун қимматли бўлган нарсани кўрсатиб беринг.



Тил, миллий анъаналар, фольклор халқни ўзида мужас-самлаштиради. Оила бир-бирига энг яқин бўлган инсонларни бирлаштиради.

У қадимги даврлардаёқ пайдо бўлган ва оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоя қилиш, бир-бирларига ғамхўрлик кўрсатиш учун керак бўлган.

Инсоният жамиятини улкан бир оила деса бўлади. Инсон жамиятда ва одамлар орасида яшайди.





Қирғизистон – кўп миллатли давлат. Бизнинг мамлакатимизда 5 миллиондан ортиқ одам яшайди. Уларнинг ҳаммаси мамлакат манфаати учун меҳнат қилишади, ягона қонунга бўйсунушади ва умумий жамият – Қирғизистон халқини тuzадилар.

Ёдда тутинг!

- Жамият – бу умумий манфаатлар, бойликлар ва мақсадларни эгаллаган одамларни бирлаштириш шакли.
- Давлат – бу жамиятни тузишнинг махсус шакли бўлиб, у чегараланган жойлардагина фаолият кўрсатади. У хўжаликни бошқариш ва давлат чегарасини қўриқлашни амалга оширади.
- Фуқаро – бу эркин ва масъулиятли, ўз мамлакатини севган инсон.



- ?** 1. Расмларга қаранг ва кийимларига кўра бу одамлар қайси миллатларга мансуб эканлигини аниқланг? Улар битта давлатнинг фуқаролари бўлиши мумкин эканлигини тушунтиринг?
2. Қирғиз, рус, ўзбек миллий кийимларини таърифлаб беринг (ва бошқаларни).
3. Ўйлаб кўринг, жамиятда инсонни ҳурмат қилишлари учун у қандай фазилатларга эга бўлиши керак?



4. Расмларга қараб чиқинг. Мамлакат фуқаросининг ҳуқуқ ва бурчлари, қандай бўлиши мумкин, нима деб ўйлайсиз?
5. Мактаб ўқувчисининг ҳуқуқ ва бурчлари қандай?
- * 6. Қирғизистонда яшовчи турли миллат вакилларининг расмлари жойлашган альбом тайёрланг.



§ 2. Қирғизистон халқларининг аңъана ва урф-одатлари



Дўстлик – асосий бойлик.
Биргаликда яшаймиз.
Барча халқлар қардошлиқда,
Ватан – умум уйимиз.

Н. Варкентина

Қирғизистон ҳудудида саксонга яқин миллат вакиллари яшайди. Ҳар бир халқнинг ўз аңъана ва урф-одатлари бор. *Аңъаналар* – асрлар давомида пайдо бўлган ва авлоддан – авлодга ўтган.


Қирғизлар ўз тарихи давомида кўчманчилик турмуш тарзини бошидан кечирган. Қишловлардан ўз манзилларини водий, даралар ва тоғ устиларига кўчириб яшаган.

Қайта кўчишга доим пухта тайёрланишган. Кўчиш куни келганда ҳамма байрамона кийим ва тақинчоқларини кийганлар. Аңъанага мувофиқ, кўчиш олдидан эски жойда қур-

бонлик қилинган. Янги жойга боришганда йўл-йўлакай уларни кутиб олган бошқа овулдаги одамларни косаларда яхна ичимликлар-айрон, қимиз билан меҳмон қилишган. Болаларга ширинликлар бериб, яхши тилаклар билдиришган.

Янги жойларга биринчи бўлиб қўшнилар чиқишган, янги овулни йўқлашган. Улар ўзлари билан бирга ноз-неъматлар олиб келиб, хайрли етиб келганликларини айтишиб қўшни омон бўлсин деб дуолар қилишган.

Барча халқларнинг, айниқса шарқликларнинг энг асосий анъанаси катталарга ҳурмат кўрсатиш бўлган. Болаларга





Бўгирсоқ



Бешбармоқ

гўдакликдан хушмуомала, мулойим ва катталарга одобли муносабатда бўлишга ўргатганлар. Болалар, қўшнилари, яқинлар, кексалар учун юмшоқ, мазали: қазӣ, сариёғ, қимиз, сузма, асал тайёрлашган. Бу анъана ота-она ва кексалар ҳақида ғамхўрлик қилишнинг намунаси бўлиб хизмат қилади.

Қадим замонлардан бери меҳмондорчилик қонунлари ҳаётий қоида ва ахлоқий қонун бўлиб қолган. Сафарга кетаётган сайёҳ яқин орадаги қишлоқ аҳолиси унга албатта жой бериб, қорнини тўйғазиши ва исиниб олишини билган. Анъаналарга риоя қилмасдан меҳмонни қабул қилмаслик ёки уни кутиб олмаслик оила, овул, қавм шаънини ерга уриш деб саналган. Анъана ҳатто душманга ҳам бошпана беришни амр этган. Қадимги мақолларда: «Меҳмондўстлик мардликдан устун», деб бекорга айтилмаган.



Турли халқларнинг урф одат ва анъаналари қандай-

дир томонлари билан бир-бирига ўхшаб кетади. Уларнинг барчаси халқнинг кўп асрлик донишмандлигини ўзида мужассамлаштирган. Катталарга хурмат, яхши кўриш ва кечиришни билиш, ёқимсиз зўравонликни ҳар қандай вазиятда кечириш каби ахлоқий ғоялар бунни тасдиқлаб турибди.



Масленица

Масалан Славян халқлари, анъаналарида шундай урф-одат борки, у Кечиримли якшанба байрамидир. Бу кунда славянлар бир-биридан ўтган хафагарчиликлар учун узр сўрашади. Кечиримли якшанба славянларнинг ананавий байрами Масленицанинг охириги кунига тўғри келади.

Ҳозирги вақтда меҳмондўстлик, катталарга хурмат, ўзаро ёрдам Қирғизистонда яшовчи барча халқларнинг олижаноб ва фойдали анъаналарига айланган.

Ёдда тутинг!

- Сиз ўз оилангизда ўрганган қоидалар бўйича яшайсизми?
- Ҳар бир халқ ўзининг анъана, урф-одатларини сақлаб ва уларга амал қилиши ҳамда ўзи билан яшовчи кишиларнинг анъана ва урф-одатларини ҳам ҳурмат қилиши керак.

1. Анъана ва урф-одатлар сўзларини қандай тушунаси?

2. Ўзингиз яшаётган ўлканинг анъаналарини катталардан сўранг.

3. Ўз халқингизнинг қандай анъана ва урф-одатларини биласиз?

* Сизнинг оилангизда риоя қилинган урф-одатлар ҳақида ҳикоя тайёрланг.



Суверен Қирғизистоннинг ўз давлат байрамлари бор. Мамлакатимизда яшаётган барча халқлар уларни биргаликда нишонлайди. Бу кунлар дам олиш кунлари ҳисобланиб, тақвимда қизил ранг билан белгиланган.



Наврўз

Ҳозирги вақтда Қирғизистонда расмий равишда 10 та байрам нишонланади:

1-январь – Янги йил

7-январь – Исо Алайҳиссалом туғилган кун

23-февраль – Ватан ҳимоячилари куни

8-март – Халқаро хотин-қизлар байрами

21-март – Наврўз

1-май – Меҳнат байрами

5-май – Қирғизистон Республикаси Конституцияси куни

9-май – Ғалаба байрами

31-август – Қирғизистон Республикаси Мустақиллиги куни

7-ноябрь – Улуғ Октябрь социалистик инқилоби куни.

Мусулмонларнинг иккита байрами – Ийди рамазон ва Ийди Қурбон – ҳар йили ой тақвимига кўра аниқланади.

Ийди Рамазон байрами вақтида одамлар қариндошлари, кўшнилари билан бир-бирларига совға-салом ҳады қилиб зиёфат бериб йўқлайдилар. Халқ кўшиқлари, мусиқалари ижро этилади.

Ийди Қурбон – қурбонлик байрами бўлиб, мусулмонларнинг энг катта байрамидир.

Ғалаба куни Қирғизистонда Улуғ Ватан урушида (1941–1945-йй.) қатнашган барча давлатлар қатори нишонланади. Олис 1945-йилнинг 9-майида дунё кўрқинчли – ваҳший фашизмдан озод бўлган кун. Ҳозир эса бу кунда катта буваларингиз ва катта бувиларингиз ўз орденларини тақадилар ва ўша бахтли кунлардаги ғалаба хурсандчилигини ва ҳалок бўлган дўстларини хотирлайдилар.

Қирғизистоннинг мустақиллик кунини нишонлаш республиканинг ижодий жамоалари иштирок этган театрлаштирилган кўринишлардан бошланади. Ипподромда от ўйинлари ўтади, боғларда эса – эстрада артистлари, бадий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида концертлар бўлиб ўтади. Анъанавий байрамлар одатда от мусобақалари билан ўтказилади. Қирғизистоннинг Мустақиллик байрами мушакларнинг отилиши билан яқунланади.

Анъанавий байрамлар одатда от мусобақалари билан жүр бўлади.





Ҳар бир мактаб ўз байрамларини нишонлайди. Уларнинг кўпи анъанавий бўлиб қолган.

Биринчи сентябрь – Билимлар куни. Болалар мактабга гуллар билан боришади, уларнинг юзларида хурсандчилик порлайди. Мактаб ўқувчилари учун бу кун синфдошларнинг ёз бўйи кўрмаган

учрашуви, мактаб ҳаёти билан боғлиқ қизиқарли воқеаларни кутишдир. Мактаб линейкасига йиғилган 1-синф ўқувчилари, уларнинг ота-оналари тўлқинланадилар. Уларни мактаб директори ва ўқитувчилар илиқ кутиб оладилар.

Мактаблар учун анъанавий байрамлар «Ўқитувчилар куни» ҳисобланади. Мактаб худди ари уясига ўхшаб гўнғиллайди, байрам концертига ўқувчилар тайёргарлик кўрадилар. Юқори синф ўқувчилари учун бу кун ўзини-ўзи бошқариш кунидир. Бу кунда энг яхши ва билимли ўқувчилар ўзларини ўқитувчилар ролида синаб кўришади, ўқитувчилари эса фахрли меҳмон бўладилар.

Мактабдаги синф-бу болаларнинг кичик оиласи. Уларнинг барчаси хилма-хил: тўпори ва юмшоқ, шўх ва ювош, бироқ улар «Бу бизнинг синф!», деб фахр билан айтадилар.

Синфда худди мактабдагидек ўз анъаналари шаклланиб боради. Уларнинг энг севимлиси «Туғилган кун» ҳисобланади. Синфда қувонч ва байрам муҳити ҳукм суради.





Шарқ халқлари қадимдан янги йил бошланишини 21-март деб ҳисоблайди. Қадимда календарь бўлмаган пайтларда баҳорнинг келишини қуёш бўйича аниқлашган. Айнан шу кундан, баҳорги қуёш туришидан, табиатда янгиланиш бошланади деб ҳисоблашган: биринчи баҳорги момогулдурак, дарахтлардаги биринчи куртаклар...

Мактабда Наврӯз байрами – энг ранг-баранг байрамдир. Ўқитувчилар ва ўқувчилар миллий кийимлар кийиб, ҳамма ни шарқона ширинликлар билан меҳмон қилишади, миллий ўйинлар ўтказишади, шеър ва қўшиқлар бўйича синфлар орасида мусобақалар бўлади.

Мактаб спорт мусобақалари анъана бўлиб қолган. Унда болалар кучли ва чаққонликда мусобақалашадилар.

Ҳар йили 25-майда мактабларда охириги кўнғироқ чалиниб, болалар ёзги таътилга чиқадиладар.

1. Айтингни, қандай байрамларни биласиз?
2. Тушунтиринг, улар нима учун нишонланади?
3. Анъанавий байрамларда кўпинча от мусобақалари ўтказилади. Нима деб ўйлайсиз, бу нимага боғлиқ?
4. Мактабингизда қандай анъанавий байрамлар тўпланган?
- * 5. Синфингизда байрамлар қандай ўтиши ҳақида ҳикоя тузинг. Улардан қайси бири анъанага айланиб қолган?



§ 3. Уфқ (Горизонт). Горизонтнинг оралиқ томонлари

Инсон ўз кўзи олдида Ернинг атиги кичкина қисминигина кўра олади. Бироқ қанчалик Ер устидан юқори кўтарилгани сари, қаршимизда яна ҳам катта кенглик очилади. Бу кўзга кўринган жой УФҚ (горизонт) деб аталади. Тасаввурдаги чизиқ биз учун осмон билан ер тутшиб кетгандек туюлади, бу горизонт чизиғи деб аталади. «Горизонт» сўзи грек тилидан таржима қилганда «чекланган» деган маънони англатади.

Ер юзи аҳолиси аллақачон горизонт томонларини кўрсатган баъзи доимий ориентирларни билишган: Қуёш кўтариладиган томон – шарқ; қуёш ботадиган томон – ғарб; туш вақтидаги қуёш – жануб, Қутб юлдузи томони – шимол.

Шу тарзда дунё томонлари аниқ номларни олган: шимол, жануб, ғарб, шарқ. Дунё томонларини горизонт томонлари дейлади ва улар бош ҳарфлар билан белгиланади: шимол – Ш, жануб – Ж, ғарб – Ғ, шарқ – Шқ.



Компасда қуёш нури томонлари белгилари

Ёдда тутинг!

- Горизонтнинг асосий томонлари – бу шимол, жануб, ғарб, шарқдир.
- Қуёш шарқдан чиқиб ғарбга ботади.
- Туш вақтида Қуёш жанубда туради.
- Қутб юлдузи ҳар доим шимолни кўрсатади.



1. Қуёш чиқиш, ботиш, туш вақтларида қаерда бўлади?
2. Қутб юлдузи горизонтнинг қайси томонини кўрсатади?
3. Горизонт ва горизонт чизигининг фарқи нимада?
4. Горизонт томонлари бир-бирига қандай муносабатда жойлашган?



- * Газетадан ҳафталик об-ҳаво маълумоти ёзилган жойни қирқиб олинг ва уни дафтарга ёпиштиринг. Горизонт томонларининг номи ёзилган гапларнинг тагига чизинг.



Уфқнинг оралиқ томонлари

Уфқнинг (горизонтнинг) асосий томонларини билиш жуда муҳим. Бироқ одам кўпинча нафақат тўғри жанубга, шимол ёки шарққа қараб юриши керак. Уфқнинг оралиқ томонлари борлигини ҳам билиш зарур. Бу шимоли-шарқ, жануби-шарқ, жануби-ғарб, шимоли-ғарб. Расми кўриб чиқинг. Расмда уларнинг жойлашиши яхши кўрсатилган. Шимол ва шарқ орасидаги йўналиш шимоли-шарқ, жануб ва шарқ орасидаги йўналиш-жануби-шарқ деб аталади. Шимоли-ғарб қаршисида – шимоли-шарқ жойлашган. Бундай ифодалашда биринчи ўринда доим жануб ёки шимол ўқилади. Ғарби-жануб ёки шарқи-шимол дейиш мумкин эмас. Жануби-ғарб, шимоли-шарқ деб аташ тўғри бўлади. Оралиқ йўналишлар сўзнинг биринчи ҳарфи билан белгиланади: жануби-ғарб – ЖФ, ШШқ – шимоли-шарқ, шимоли-ғарб – ШФ, жануби-шарқ – ЖШқ. Уфқ томонларини топишни билиш – демак ўзининг жойлашиш ўрнини аниқлашни билиш, ориентир (мўлжал) олиш демакдир.

Мўлжал олиш – бу уфқ томонларини маҳаллий белгилар ёки компас бўйича топишни билиш. Аниқроғи уфқнинг барча томонлари компас ёрдамида аниқланади.



Компас хитойликлар томонидан 2000 йил олдин кашф қилинган. У даврларда компас идишдаги сув кўринишида бўлиб, унда пробка асосли магнит стрелкаси сузиб юрган. Компас аниқ йўналишни билиш керак бўлганда, денгизчилар, учувчилар, геологларнинг саёҳатлари ва бошқа ҳолларда зарур бўлади. Компаснинг магнит стрелкаси ҳар доим шимол-жанубни кўрсатади.

Компасни қачон магнит стрелкаси компас корпусидаги шимол белгиси билан мос келмагунича уни айлантириб туриш керак. Шимол йўналиши бўйича уфқнинг бошқа томонларини аниқлаш мумкин. Компас ҳатто, бизга қалин туманда ҳам йўлни топишга ёрдам беради.





Қишда



Ёзда

Соатга қараб уфқ томонларини аниқлаш

Соатга қараб қуёшли об-ҳавонинг уфқ томонларини аниқлаш мумкин. Соат стрелкаси қуёшга қараб айланади. Унда жануб қиш фаслида соат стрелкасининг (12) ўртасида ёки ёзда (1) соат стрелкаси орасида бўлади.


Ёдда тутинг!

- Шимоли-шарқ, жануби-шарқ, жануби-ғарб ва шимоли-ғарб – бу уфқнинг оралиқ томонлари.
- Уфқ томонларини компас ёрдамида аниқ топиш мумкин.

1. Планшетга компасни горизонтал ўрнатинг. Стрелканинг маҳкамланган жойини бўшатинг, унинг жим туриб қолишини кутиб туринг.
2. Компасни эҳтиёткорлик билан айлантинг, стрелканинг қора учи «С» («Ш») деган ҳарф билан мос келсин.
3. Компас шкаласининг бошқа ҳарфлари бўйича керакли томонини аниқланг.
4. Сизнинг хонангиздаги синф тахтаси қайси томондалигини аниқланг.
5. Сизнинг хонангиздаги қайси предметлар жануб, ғарб, шарқ томонда жойлашган?

1. Уфқнинг қандай оралиқ томонларини биласиз?
 2. Компас нима учун керак? Компас бўйича қандай мўлжал олиш мумкин?
 3. Компасни кашф қилишга нега зарурият пайдо бўлди?
 4. Бўшлиқда (жойда) мўлжал олишнинг яна қандай усулларини биласиз? Улар ҳақида айтиб беринг.
- * Ҳар кунги мактабга бориш маршрутини чизинг, унда уфқ томонларини белгиланг.

Табиатда магнит ҳодисаси



Ер – у ҳам магнит. Магнит қутблар орасида магнит майдони мавжуд.

Магнит иккита қутбга эга – шимолий қутб (одатда компасда у кўк ранга бўялган) ва жанубий қутб (қизил рангда). Агар иккита магнитнинг кўк учлари бир-бирининг устига қўйилса, улар бир-бирини итариб юборади. Худди шу ҳолат иккита магнитнинг жанубий қутбларини бир-бирига яқинлаштирганда рўй беради. Бир хил номдаги қутблар бир-бирини итариб туради. Агар магнитнинг шимолий қутби билан жанубий қутбини бир-бирининг устига қўйилса, улар



бир-бирини тортиб туради. Ҳар хил номдаги қутблар бир-бирини тортиб туради.

Қутбларда магнит хусусиятлари катта куч пайдо қилади. Компаснинг ишлаш тамойили магнит хоссаларига асосланади. Магнит ёрдамида йўқолган игна, болтни топса бўлади, музлатгичга қоғоз ёпиштириб қўйса бўлади. Магнитлар иш асбобларида қўлланади, шкаф эшикларига эшик очилиб кетмаслиги учун ёпиштирилади. Магнитлар ўзига металл буюмларни тортади. Магнит йўналишлари олдида магнитли хужжатларни олиб юриш мумкин эмас (масалан, банк карточкалари) сабаби ёзилган маълумотларни йўқ қилиб қўйиши мумкин.

Ёдда тутинг!

- Магнитнинг иккита қутби бор – шимолий ва жанубий.
- Бир хил номли қутблар бир-бирини итариб туради.
- Ҳар хил номли қутблар бир-бирини тортиб туради.



1. Одамлар томонидан магнитнинг қайси хоссалари қўлланилади.
2. Кундалик ҳаётда магнитлар қаерларда ишлатилади?
- * 3. Нима учун магнитни магнит деб аташган? Жавобни энциклопедиядан ёки интернетдан изланг.



Компасни яшаш мумкинми?

Қўлингизга игна олиб уни магнит бўйлаб бир неча маротаба айлантинг. У магнитланиб қолади. Ипни тугунча қилиб боғлаб, унга магнитланган игнани санчинг. Эркин осиглиқ ҳолда у айланади ва маълум ҳолатда тўхтаб қолади: игнанинг бир учи шимолга йўналади, кейингиси эса жанубга. Игна қайси учи билан шимолга қараганлигига эътибор бериб, уни бўяб қўйинг.

Қўлда қилинган компас тайёр!

§ 4. Маҳаллий белгиларга қараб мўлжал олиш. Жой плани

Маҳаллий белгиларга қараб мўлжал олиш



Дарахтларнинг жанубга қараган шохлари қалин ва узун



Туш пайтда қуёш жанубда бўлади. Демак, соя бизга шимолга бўлган йўналишини кўрсатади



Чумолилар уйларини жануб томонга қуради, чунки у томон иссиқ.



Лишайниклар совуқроқ, сояли ва нам жойларда ўсади. Шунинг учун Улар ҳар доим катта тошларнинг Шимол томонида ўсади.

? Қандай маҳаллий мўлжал олиш белгиларини биласиз?

* Дафтарингизга 1–2 та мисол чизинг.

Жой плани



Жой плани

Кўп асрлардан олдин, одамлар ўз уйларини ташлаб кетишаётганида, одамлар қайтиш йўлини эслаб қолишга ҳаракат қилишган. Қоя, тош, ғор деворлари, қайин пўстлоқларига, жониворлар териларига улар атрофдаги жойларнинг

расмларини чизишган. Кўчиб ов қиладиган жойларни белгилашган. Бу биринчи жой планлари бўлган.

Ҳозирги кунда ҳам жой планларидан кенг фойдаланилади: уй ва йўлларни қуришда, ер ҳайдашда, походларда. Жой планлари, уйларнинг плани қишлоқларнинг, шаҳарларнинг планлари мавжуд. Плансиз инсоннинг ҳеч қандай ҳўжалик фаолияти бўлиши мумкин эмас.

План – бу катта бўлмаган жой майдонининг шартли белгилар билан кўрсатилган тасвири. Пандаги ҳамма предметлар кичкина кўринишда тасвирланган. Тепадан қараганда предметларнинг кўриниши, уларнинг ўлчами ва бу ўлчамлар ўртасидаги ўзаро нисбатни аниқлаш мумкин.



Тоғ тепасидан шаҳарнинг кўриниши



Самолётдан ернинг кўриниши

Стрелка билан шимол – жануб йўналиши белгиланади. Планларда хона, уй, синфхона, шахар, катта бўлмаган жой майдони тасвирланади. Пландан яхши фойдаланиш учун унинг «алифбоси» – шартли белгиларни билиш керак.

Шартли белги – одамлар берилган предмет тасвири деб шартланиб олинган расм. Планда шартли белгилар ёрдамида бизни ўраб турган предметлар белгиланади. План белгиларни тушунтириш асосан ўнг ёки чап бурчакда кўрсатилади.

Ёдда тутинг!

- План – бу катта бўлмаган текисликдаги жойнинг шартли белгилар билан тасвирланиши.
- Планда барча предметлар юқоридан, кичрайтирилган ўлчовда, ранг ва шартли белгилар ёрдамида тасвирланади.
- Шартли белги – бу предметнинг шартли белгиси.
- Пландан предметнинг шаклини, уларнинг ўзаро нисбати, ўзаро жойлашишини аниқлаш мумкин.

Шартли белгилар



Аралаш
ўрмон



Уйлар



Ўтлоқ



Дарё ва
кўприк



Ҳовли



Дала



Тош йўл



Кўл ва
ботқоқлик



Бутазор



Мевали
боғ



Сўқмоқ йўл



1. Тасвир қаерда аниқроқ бўлади: жой планида ёки расмдами, аэрофотолаваҳдами ёки космосдан олинган расмдами?
 2. Сиз нима учун планини «ўқишни» билишингиз керак?
- * Тасаввур қилинг, сиз ҳаво шарида учиб кетаяпсиз ва юқоридан мактабингиз худудини кўряпсиз. Нимани кўриб турган бўлсангиз ҳаммасини шартли белгилар асосида чизинг.

Ўқув сафари. Жой планини тузиш

Расмга қаранг. Расмда нимани кўряпсиз? Стрелка йўналтирилган объектларнинг номларини айтинг. Диққат билан кўрсатмани ўқинг ва кейин ишни бошланг.

Жой планини тузиш бўйича кўрсатма

1. Ўқув сафарининг жойи ва муддатини белгиланг.
2. Кенг жойни танланг ва план чизадиган жой майдонининг ўртасида турунг. Ўзингиз турган жойни планшетда крест билан белгилаб қўйинг.
3. Варақнинг чап томонига шимол-жануб деган стрелка қўйинг.
4. Компас ёрдамида шимол-жануб йўналишини аниқланг, планшетни шунга мувофиқ йўналишда қўйинг.
5. Атрофга қаранг ва план чизиш керак бўлган жойни (объект) танланг.
6. Чизғич ёрдамида биринчи жойга бўлган йўналишни аниқланг: планшетни кўзингиз етадиган баландликда горизонтал қўтаринг. Чизғичнинг бир учини планда белгиланган крест устига қўйинг, иккинчи томонини объектга йўналтиринг.



Жой плани

7. Оддий қалам билан чизғич бўйлаб ингичка чизиқ чизинг.
8. Объектгача бўлган оралиқни аниқланг. Ёрдамчи чизиқ охирига шартли белгини чизиб қўйинг.
9. Шу усул билан бошқа объектларни шартли белгилар билан белгилаб қўйинг. Ёрдамчи чизиқларни ўчириб ташланг.
10. План номини белгилаб қўйинг. Шартли белгиларни шартли белгилар секторига ёзинг ва уни изоҳланг.



Ёдда тутинг!

Планшет билан ишлаётган вақтда доимо бир жойда туриш зарур, акс ҳолда план нотўғри бўлиб қолади. Агар ўрнингиздан силжишингиз зарур бўлиб қолса, турган жойингизни тош ёки таёқча билан белгилаб қўйинг. Қайтиб келганингизда планшетни уфқ томонларига нисбатан тўғри жойлаштиринг.



1. Нима учун жой планини гуруҳларда тузган яхши?

- * 2. План тузинг: «Менинг боғим». Сизнинг олдингизда ўз боғингизни планлаштириш вазифаси турибди. Ўзингизни боғбон, картограф ва дизайнер ролида синаб кўринг. Гулларингиз, дарахтлар, буталар, экин, дам олиш шийпончангиз, ҳовузча, йўлаклар қаерда бўлишини аниқланг. Ўйлаб кўринг, қандай шартли белгиларни қўллаш мумкин, қайси бирини ўйлаш ва чизиш мумкин.

§ 5. Харита ва унинг легендаси

Агар планда жой майдонининг унча катта бўлмаган, масалан, кичик шаҳарча, шаҳар ёки қишлоқ плани тасвири туширилса, харитада эса бутун дунё ёки битта давлат тасвири туширилади.

Харита – бу Ернинг устки қатламини шартли белгилар ёрдамида кичрайтирилган тасвири. Пландан фарқли равишда горизонтнинг шимолий томони хаританинг тепасида, пастда – жануб жойлашган. Чап томонда ғарб, ўнгда – шарқ жойлашган.

Планда бўлгани каби хариталарда табиатдаги барча жойлар кичрайтирилиб, юқоридан кўриниши берилади.



Ярим шарлар табиий харитаси

Харитани яратиш учун турли хил ранглар ва шартли белгилар қўлланилади. Қуруқлик яшил, сариқ ва жигарранг тусда тасвирланади. Океанлар, денгизлар ва бошқа сув ҳавзалари ҳаворанг ва кўк рангда берилади. Ранглар қанчалик тўқ тусда бўлса, шунчалик тоғлар баланд ёки денгизлар чуқур бўлади.

Дарёлар ва чегаралар чизиклар билан белгиланади. Дарёлар – ҳаворанг чизик билан, чегаралар – қизил билан белгиланади.

Шаҳар ва қишлоқлар хариталарда доиралар билан белгиланади. Шаҳар қанчалик катта бўлса, доиралар шунчалик катта бўлади. Барча шартли белгиларни эслаб қолиш шарт эмас, улар жуда кўп. Бироқ харита бўйлаб саёҳат қилиш учун, уни ўқишни билиш зарур.

Шунингдек, планга ўхшаб табиатдаги барча объектлар шартли белгилар билан белгиланади. Унга турли ранглар ва белгилар киради. Шартли белгилар – харита легендаси дейилади. Харитани ўқишни билиш – демак легендани ўқий олиш дегани. Харита легендаси – бу шартли белгиларни тунтиришдир. Одатда уни хаританинг ўнг ёки чап бурчагига жойлаштириб қўйишади.

Хариталардаги объектларни қандай қилиб тўғри кўрсатиш керак? Харитадаги объектларни кўрсатиш учун хаританинг ўнг томонига ўтиб, кўрсатаётган нарсани тўсиб олмаслик керак. Фақат кўрсаткичдан фойдаланиш керак, ёзувни эмас, балки объектни кўрсатиш зарур. Номларини аниқ ва равшан айтиш лозим.

Ёдда тутинг!

- Харита – бу жуда катта жой майдонининг шартли тасвири.
- Хаританинг юқори қисми – уфқнинг шимолий томони, пастки қисми – жанубий томони.
- Қуруқлик харитада яшил, сариқ ва жигарранг тусда тасвирланади, сув ҳавзалари ҳаворанг ва кўк.
- Шартли белгиларнинг маъноси харита легендасида кўрсатилган.

1. Нима учун харитага табиатда борки нарсани киритишмайди?
2. Автомобилда сафарга чиқсангиз, ўзингиз билан қандай хариталарни олиб кетасиз?

Қайси ҳудуд учун жой планини тузиш қулайроқ, қайси бири учун харита? Жавобингизни асослаб беринг.

«План ва харита» мавзуси бўйича тестлар

I вариант

1. Уфқ томонларининг асосий номларини ёзинг.
2. Қуёш кўтарилаётган вақтда уфқнинг қайси томонида бўлади?
3. Оддий компас расмини чизинг. Стрелкаларини кўрсатинг ва компас қисмларини ёзиб қўйинг. Магнит стрелкасини бўянг.
4. Қирғизистон табиий харитасини кўриб чиқинг. Шкаладаги тўқ жигаранг нимани англатади? Тўқ-яшилчи? Тўқ-ҳаворангчи?
5. Дарслиқда план ва хаританинг шартли белгиларини таққосланг. Айримларини танлаб, уларни жадвалга чизинг. Сиз чизган ҳар бир белгининг маъносини ёзинг.

Фақат планларда учрайдиган шартли белгилар	План ва харитада учрайдиган шартли белгилар	Фақат хариталарда учрайдиган шартли белгилар

6. Дарслиқдаги Қирғизистон харитасини кўриб чиқинг. Тўғри чизиқ бўйлаб шаҳарлар орасидаги масофани чизғич ёрдамида ўлчанг, таққосланг ва тўғри жавобни танланг:
 1. Қуйидаги шаҳарлардан қайси бири Бишкекдан узоқда жойлашган?
а) Ўш б) Норин в) Талас
 2. Қайси шаҳар Қорақўл шаҳридан энг узоқда жойлашган?
а) Норин б) Жалолобод в) Боткен

3. Қайси шаҳарлар орасидаги масофа энг узоқ?
 а) Бишкек – Ўш б) Норин – Талас в) Қорақўл – Жалолобод.

7. Туш пайтида Қуёш елкангизни қиздиради. Бундай вақтда уфқнинг қайси томони сизнинг қаршингизда бўлади? Сизнинг соянгиз қайси томонда?

II вариант


- Уфқнинг оралиқ томонлари номини ёзинг.
- Туш вақтида Қуёш уфқнинг қайси томонида жойлашади?
- Синфда мавжуд бўлган баъзи бир буюмларни кўриб чиқинг ва чизинг:

Буюмнинг номи	Олд кўриниши	Юқоридан кўриниши
телевизор		
парта		
шкаф		

4. Қирғизистоннинг табиий харитасидан чуқурлик ва баландлик шкаласини кўриб чиқинг. Савол ва жавобларни бирлаштиринг.

Шкала нимани билдиради	
тўқ жигарранг?	денгизлар, дарёлар, қўллар
тўқ яшил?	энг баланд тоғлар
тўқ ҳаворанг?	қуруқликдаги энг паст нуқта

5. План ва харитани таққосланг. Иккита айланалар кесишган жойга ўхшашлигини ёзинг. Ёнбошига фарқини ёзинг. Маъноси бўйича ўхшайдиган белгиларни танланг: *ер юзидаги кичкина майдон; пастдан кўриниши; ер юзидаги катта майдон; шартли белгилар; катталаштирилган кўринишда; юқоридан кўриниши; кичрайтирилган кўриниши; ён томондан кўриниши.*



6. Дарсликдаги Қирғизистон харитасини кўриб чиқинг. Шаҳарлар орасидаги масофани чизгич билан ўлчанг, таққосланг ва тўғри жавобнинг тагига чизинг.
1. Қуйидаги шаҳарларнинг қайси бири Чўлпон-Ота шаҳридан узоқда жойлашган?
а) Норин б) Талас в) Бишкек
 2. Қайси шаҳар Нориндан жуда узоқ масофада жойлашган?
а) Жалолобод б) Боткен в) Ўш
 3. Энг катта масофа қайси шаҳарлар оралиғида?
а) Норин – Ўш б) Талас – Боткен в) Чўлпон-Ота – Бишкек
7. Тўғрибурчакка шартли белгиларнинг намуналарини чизинг.

ЌИРЃИЗИСТОН БЎЙЛАБ САЁХАТ



§ 6. Бишкек шаҳри – Ќирғизистон Республикасининг пойтахти. Чуй вилояти



Ќирғизистондаги Чуй вилояти унумдор ва жуда чиройли, у Чуй водийсида жойлашган. Уни жануб ва шимолдан тоғлар ўраб туради. Ќиши қорли, совуқ, ёзи эса иссиқ.



Чуй водийси далаларида Қирғизистонда ўсадиган ҳар қандай сабзавот ва меваларни етиштириш мумкин. Бу ерда буғдой, қанд лавлагиси яхши ўсади.

Чуй вилоятида қурилиш материаллари (ойна, шифер, цемент) ишлаб чиқарадиган заводлар ишлайди.

Комбинатлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб ун, шакар, сут гўшт маҳсулотларини тайёрлайди. Фабрика ва цехлардаги моҳир усталар Қирғизистондан олисларга донғи кетган гиламларни тўқишади.

Вилоят худудида Қирғизистоннинг пойтахти – Бишкек шаҳри, шунингдек кичик шаҳарлар: Тўқмоқ, Қант, Қора-Болта ва кўпгина қишлоқлар жойлашган.

Бу ерда турли миллат вакиллари яшаб, меҳнат қилади: қирғиз, рус, қозоқ, ўзбек, уйғур, дунгон, корейс, озарбайджон ва бошқалар.

Бишкек – Қирғизистоннинг энг йирик шаҳри. Бугун бу муҳим иқтисодий, сиёсий, илмий, саноат, маданият ва транспорт марказларидан бири. У ўзининг замонавий бинолари, кенг майдонлари ва истироҳат боғлари билан жуда чиройли шаҳар.



Бишкекда театрлар, филармония, цирк, бир нечта йирик музейлар бор. Улғайганингизда сиз бу ердаги олий ўқув юрталари ёки коллежларга ўқишга киришингиз мумкин. Бу даргоҳларда бўлажак ўқитувчи, врач, инженер, таржимон, дизайнер ва бошқа мутахассисликлар тайёрланади.

Бишкекда Миллий фанлар академияси мавжуд. Ала-Тоо майдони шаҳар маркази ҳисобланади. Бу ерда умумхалқ байрамлари ўтказилади. Шаҳар пайдо бўлиши ҳақида афсоналар мавжуд.





Бишкек

(Афсона)

Оламудун ва Ола-Арча дарёлари орасидаги чегарага Тойчи исмли қирғиз ўз оға-инилари билан ёзги кўчиш манзилига бориш учун йиғилдилар. Унинг ўнинчи фарзандини кутаётган аёли Байчике, шу атрофда юриб, қимизни кўпчи-тиш учун йўқолган куракчаси – бишкекни изларди. Аёл айтиб йиғлар ва Оллоҳдан бишкекни топишда ёрдам беришини сўрарди: «Тўққизта қизим бор. Оллоҳим, сенга ваъда бераман, агар ўғил туғсам унга Бишкек деб исм қўяман».

Ўша куниёқ Байчикенинг кўзи ёриб, шундай паҳлавон ту-гилади, одамлар ҳайратда қоладилар. Кексалар унга Бишкек деб исм қўядилар. Гўдак улғайиб, ботир бўлади, аммо душ-манларидан унга тинчлик бўлмади. Унинг боши учун катта мукофот тайинланди, бироқ унга одамлар ёрдам беришарди. У вафот этганда, ўзи туғилган манзилга дафн этишди. Шун-дан бери Оламудун ва Ола-Арча дарёлари орасидаги чегарани Бишкек Ота деб аташади.



* «Республикамининг пойтахти-Бишкек шаҳри» мавзусида кичик ҳикоя ёзинг.

§ 7. Ўш-Қирғизистоннинг қадимий шаҳри. Ўш вилояти



Ўш вилояти Қирғизистоннинг жанубий қисмини эгаллайди. Қиш бу ерда илиқ ва қисқа, ёзи эса иссиқ ва қуруқ бўлади. Бу пахта, полиз экинлари каби иссиқсевар ўсимликларни етиштиришга имкон беради. Ўш вилояти бозорларида сабзавот ва меваларнинг сероблигини кўриш мумкин: анор, хурмо, олма, ёнғоқ, узум, хандон писта, ўрик...



Вилоят аҳолиси кўп миллатли ва жуда меҳнатсевар. Қишлоқ хўжалиги – Ўш вилояти аҳолисининг асосий машғулоти.



Ўш шаҳри – Ўш вилоятининг маъмурий маркази ва катталиги бўйича Қирғизистонда иккинчи ўринда туради. Уни ҳақли равишда Қирғизистоннинг қадимий шаҳри дейишади. Унга 3000 йил тўлди. Фарғона водийсининг шарқида Оқбура дарёси бўйида жойлашган. Ўш-аҳоли сони жиҳатидан Қирғизистонда иккинчи ўринда туради.



Мавзолей Асаф-ибн-Бурхия (XI–XVII аа.)

Ҳозир Ўш шаҳри – Фарғона водийсининг йирик саноат ва савдо маркази.

Шаҳарда енгил, озиқ-овқат ва ёғочсозлик саноати ишламоқда. Ўшда халқаро аҳамиятга эга бўлган аэропорт бор.



Вилоят худудида кўпгина қадимий ёдгорликлар сақланиб қолган.

Меҳмондўст замонавий Ўш шаҳрида Сулаймон тоғи жойлашган. Қадимдан одамлар бу тоғни Сулаймон пайғамбарнинг номи билан атаганлар. Бироқ кексалар унга Тахти – Сулаймон, яъни Сулаймоннинг тахти деб ном берганлар. Тоғ ҳақиқатан улуғвор тахтни эслатади.





Ўш шаҳри тарихи

Олимлар ҳанузгача шаҳарнинг номланиши қаердан келиб чиққанлиги ҳақидаги ягона фикрга келолмайдилар. Унинг келиб чиқишини афсоналар билан боғлайдилар. Шундай афсоналарнинг бирида Сулаймон подшоҳ ўз аскарларининг олдида иккита ҳўкизни омочи билан бирга олиб юрган экан. Ҳўкизлар машҳур тоққа етганларида у: «Ҳўш!» (тўхта) деб айтибди. Шундан шаҳарнинг номи келиб чиққан дейилади.

Қадимий Ўшдан деярли ҳеч нарса сақланмаган. Археологларнинг¹ кўрсатмасига кўра Ўшда қадимда қалъа деворлари билан ўралган, учта дарвозаси бор кўрғон², ичкарида шаҳристон³ бўлган. Марказий масжид бозорнинг ёнида Оқбура дарёси яқинида жойлашган.


Шаҳар саҳий водийда Помир, Помир-Олай тоғ этакларида жойлашган. Қадимда Ўш карвон йўлларининг Ҳиндистон

¹ Археолог – ўтмишни далилий манбалар буйича ўрганиш билан шуғулланувчи олим.


² Кўрғон – ички ҳарбий истеҳком.

³ Шаҳристон – қадимги шаҳар худуди.

ва Хитойдан Европага кесиб ўтадиган йўли бўлган. Бу ердан қадимда Буюк Ипак йўлининг тармоқларидан бири Шарқни Ғарб билан боғлаб турувчи муҳим савдо йўллари ўтган.



1. Ўш шаҳри ва Ўш вилоятларида қандай корхоналар ишламоқда.
2. Ўш ҳақида нималарни билиб олдингиз?

 * Ўш ҳақида ҳикоя тузинг.



Қирғизистоннинг яна бир қадимий шаҳарларидан бири Ўзган шаҳридир. У туркийлар томонидан 2000 йил илгари қарвон йўлида ташкил этилган. Бир пайтлар Ўзган қадимий давлат пойтахти бўлиб, бу ерда машҳур тарихий ёдгорликлар – 1000 йилликдан кўп минора ва мақбаралар жойлашган.

Замонавий Ўзган – унча катта бўлмаган шаҳар. Унинг аҳолиси – 50 мингга яқин. Бу ерда қуруқ сут заводи қурилган, у пишлоқ, сарёғ, музқаймоқ ишлаб чиқаради. Шаҳарда «Қорашоро» минерал сув қуйиш бўйича цех фаолият кўрсатади. Ўзган ўз гуручлари билан машҳур. Ундан мазали палов тайёрланади.



Ўрта аср минораси

Аждарҳо ва паҳлавон

(Афсона)

Одамларнинг айтишига қараганда, қадим замонларда Ўзган шаҳри яқинига улкан аждарҳо ўрнашиб олибди. Аҳолидан у ҳар куни битта қиз, бир йигит ва 40 та қўй келтириб беришларини талаб қилибди, акс ҳолда шаҳарни вайрон қилишини айтиб таҳдид қилибди.

Ўша замонларда Ўзганда Қилич Бурҳониддин исмли паҳлавон яшаркан. У аждарҳо қомига ўз қиз ва ўғилларини ғамқайғу билан жўнатаётган оналарни кўрибди.

Бурҳон бунга чидаёлмасдан Ўзган шаҳрини маҳлуқдан қутқариш учун қарор қилибди. У даҳшатли жангга отланибди.



Ўзган мақбараси (X–XII аа.)

Аждарҳо паҳлавонни кўрибоқ, унга ташланибди ва ютиб юборибди.

Бироқ Бурҳониддин ҳар бир қўлида қилич ушлаб олган экан. У маҳлуқнинг қорнида туриб, қилич яланғочлаб аждарҳони тенг иккига бўлиб юборибди. Бироқ унга олти челақ туянинг сутини олиб келишларини, танасидаги аждарҳонинг захрини ювиб ташлашини айтибди.

Унга қишлоқлардан фақат уч челақ сут келтиришибди. Бошқа сут топилмабди.

Уч челақ сут билан паҳлавон аждарҳо захрини юва олмабди ва ҳалок бўлибди. Ўзганликлар паҳлавонга кўп қайғурибдилар ва миннатдорлик рамзи сифатида унга баланд қояга мозор¹ қуришибди. Ҳозир ким Ўзганга келса, уни кўриб, Бурҳониддиннинг мардлик ва қаҳрамонлигига таҳсинлар айтади. Халқ орасида уни ўзганлик ботир деб ҳам аташади.



1. Ўзган нимаси билан машҳур, айтиб беринг?
2. Саёҳатчиларни Ўзган шахрига тортган нарса нима, тушунтиринг?
3. Ўзган шахри билан боғлиқ бўлган афсона бизга нимани ўргатади?

¹ Мозор – Ўрта Осиё халқлари сипинадиган муқаддас жой.

§ 8. Жалолобод-шаҳри.

Қирғизистоннинг Жалолобод вилояти



Жалолобод вилояти

Кўгарт водийсининг жанубий кенг қисмида Қирғизистонда катталиги жиҳатидан учинчи ўринда турган гўзал Жалолобод шаҳри қад кўтарган.

Жалолобод – бу Жалолобод вилоятининг маркази. Ви-лоят ўзининг фойдали қазилмалари: тош кўмири, нефть, та-бийий газ ва сурмаси билан бой.



Норин дарёсига ГЭС қурилган. Электроэнергетика – вилоятнинг муҳим саноат тармоғи.

Вилоят аҳолиси асосан қишлоқларда яшайди ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади.

Ҳозир Жалолобод атрофларида иссиқсевар ўсимликлар етиштирилади: пахта, узум, хурмо, хандон писта, қовун, тарвуз ва ёнғоқлар.



Жалолобод вилоятининг табиати гўзал ва ранг-баранг. Бу ернинг ёзи иссиқ, кузи қуёшли ва қиши илиқдир.

Вилоят ҳудудида кўркам жойлар: йирик абадий музликлар, дарёлар, шаршаралар ва гўзал кўллар – Сари-Челек ва Қорақўл жойлашган.

Жалолобод атрофларида Аюб Тоғ ёнбағирларида қадимдан минерал сувлар оқиб туради. «Тирик сув» – халқ орасида чашмаларини шундай деб аташади.



Тирик сув

(Афсона)

Қадим-қадим замонда ҳозирги Жалолобод қишлоқ деб ҳам аталмаганида, Аюб исмли одам яшаган экан. У қувноқ ва ғамсиз яшаркан. Камбағал одамларга ёрдам беришни истамас экан. Шунинг учун ҳам у жазоланган экан. Шундай бўлибдики, у бор давлатидан ажралибди ва унинг танасини касаллик қоплабди.

Аюб қирқ йил касал бўлибди. У кучдан шундай кетибдики, ҳатто тургани мажоли қолмабди. Бир кун унга бир қария келибди.

– Мен сени тирик сув билан даволайман – дебди у. Аюбни етаклаб кўркам водийга олиб борибди.

– Ўнг оёғинг билан ерни теп, – маслаҳат берибди чол Аюбга.

Аюб бор кучини тўплаб ўнг оёғи билан ерни тепибди. Бирдан қайноқ сув фаввораси отилиб чиқибди.

– Ювиниб ол.

Аюб шундай қилган экан, унда куч пайдо бўлибди.

– Энди чап оёғинг билан ерни теп – дебди яна чол.

Бутун кучини тўплаб Аюб ерни тепибди ва шу онда бу сафар муздек сув фаввора бўлиб отилиб чиқибди.

Аюб сувдан ичиши заҳоти билан танасидаги яралар худди ҳеч нарса бўлмагандек йўқолиб кетибди.

Ҳалигача ким қайноқ сувда чўмилиб, сўнгра муздек сувдан ичса ҳеч қачон оғримас экан ва уни ўз набираларига айтаркан. Ҳозир Жалолобод атрофларида бутун дунёга машҳур бўлган курорт жойлашган. Бу ерга одамлар шифобахш чашма туфайли ўз саломатликларини тиклаш учун келадилар.

Жалолобод вилоятининг кўркам жойларидан яна бири ер юзида бўлмаган машҳур серҳосил ёнғоқзор ўрмонлари ҳисобланади. Мана бу тўғрисида афсона нима дейди.

Арслонбоб

(Афсона)

Қадим замонларда Муҳаммад пайғамбар ҳузурида Арслонбоб исмли одам хизмат қилган экан. Унинг паҳлавонлар каби қомати ва жуда катта кучи бўлган. Муҳаммад уни жуда ҳурмат қилар экан.

Бир куни Муҳаммад унга ер юзи жаннатини қуриш мумкин бўлган шундай қулай ер топишни буюрибди.

Арслонбоб йўлга чиқибди ва жанубни кашф қилибди. Бу ерда у кўркам водий ва унда оқаётган тоғ дарёларини кўриб ёқтириб қолибди.

Бироқ ердаги жаннатни яратиш учун яшил дарахтлар етишмасди. Шунда Арслонбоб боғбон бўлибди. У жуда кўп дарахтларни ўтқазибди. Ёнбағирларда олмалар, зардоли ўриклар, ғайноли, бодомлар, хандон писта, ўрик, шафтолилар

гуллабди. Ҳаммасидан кўпи ёнғоқлар бўлибди. Тез орада дарахтлар шунчалик тез ўсиб кетибдики, бутун водий улкан хушбўй боққа айланибди.

Афсонага кўра бу дарахтлар одам кўли билан яратилган, аслида эса булар реликт¹ ёввойи ўрмон ҳисобланади. Кейинчалик ўрмонларни ўрганадиган Қирғизистон олимлари уларни сунъий ўтқазिश йўли билан кўпайтиришни уюштирганлар.

- ❓ 1. Нима деб ўйлайсиз, Аюб нима учун жазоланган?
2. Жалолобод вилояти нимаси билан машҳур?
3. Афсоналар нимага ўргатади?

🏠 Жалолободнинг диққатга сазовор, кўркем жойлари ҳақида гапириб беринг.



¹ Реликт ўрмонлар – қадимдан шу жойларда ўсган ўрмон ўсимликлари.

§ 9. Қирғизистоннинг Боткен вилояти




Боткен вилояти

Энди биз сизлар билан Боткен вилоятига сафар қиламиз. У 1999-йил ташкил топган. Вилоят маркази – Боткен шаҳри. Боткен вилоятида кўмир, симоб, сурма қазиб олинади.

Вилоят аҳолиси қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Зардоли ўрик, тамаки етиштирадилар, мол боқиб кўпайтирадилар.

Боткен вилоятида турли миллат вакиллари яшайди: қирғизлар, ўзбеклар, тожиклар. Маҳаллий аҳоли – уста боғбонлардир.





Ҳар йили боғлар мўл ҳосил беради. Боткен ўриклари – вилоят фаҳри. У ўзгача лаззатли, серсув ва ширин.

Бизнинг манзил Қорабулоқ қишлоғи бўлади. Охирги йилларда у бутун республикага танилди. Фақат шу ерда ҳар баҳорда гаройиб гул – ойгул очилади. Аҳоли орасида бу гул ҳақида афсона юради.



Ойгул ва Қози Улан

(Афсона)

Қадим-қадим замонда бу ўлкаларда бир бой яшаган экан. Унинг ой юзли Ойгул исмли қизи ва ўша қиз севиб қолган қўрқмас жангчи Қози Улан бўлган экан. Бироқ уларга тўй қилиш насиб этмаган экан. Ойгулнинг севиклиси Қози Улан ўзининг довюраклиги билан машҳур бўлган экан. У ўз Ватанининг ҳақиқий ҳимоячиси деб ном чиқарган экан. У Ойгулни қаттиқ севар, бироқ аскарлик бурчи ундан ҳам юксак бўлганлигидан юришларнинг бирида ҳалок бўлган экан.

Бунга чидаёлмаган Ойгул дугоналарини тўплаб жарликдан ўзини улоқтирган экан. Тез кунларда тошлардан ажойиб

гўзалликдаги гул очилиб чиққан экан. Уни халқ орасида Ойгул деб атаган эканлар. Шундан бери аҳоли камёб гулни томоша қилгани келиб туради.

Шу тоғ қаршисидаги тоғ Қози Улан деб аталади.

Шу тарзда тақдир севишганларни ўлимларидан кейин бирлаштирди.



Гулнинг илмий аталиши – «Рябчик Эдуард». Гулнинг бўйи – бир метр. Унинг бутун танаси бўйлаб ўсадиган узун яшил япроқлари бор. Гулларининг барги қизғиш-сарик тусда бўлиб кўнғироққа ўхшайди. Ойгул апрель ойида гуллайди, шунинг учун ҳар йили шу ойда Боткен вилоятида гул байрами нишонланади.

Ойгул гулининг қаламчаси фақат етти йилдан кейин ниш уради, яна етти йилдан кейин биринчи

гуллар очилади. Ҳар йили биттадан ёрқин тўқ – сариқ рангдаги гунча кўшилиб туради. Шунинг учун Ойгулни кўрибоқ унинг қанча ёшдалигини билиш мумкин. Бундан ташқари гул ажойиб чиройлидир. Ойгулдан халқ табobatiда фойдаланиш мумкин. Гул пиёзлари ошқозон, ичак ва жигар касалликларини даволашда қўлланади. Гул Қизил Китобга киритилган ва давлат томонидан кўриқланади.

1. Боткен вилоятида қандай фойдали қазилмалар қазиб олинади?
2. Боткен вилоятдан нималар етиштирилади?

- * 1. Ойгул гули афсонаси ҳақида расм чизинг.
2. Ўйлаб кўринг, Ойгул гули келгуси авлодни кувонтириши учун инсонлар нима қилишлари зарур.

§ 10. Норин шаҳри.
Қирғизистоннинг Норин вилояти





Норин шаҳри – Норин вилоятининг маданий ва иқтисодий маркази. У Норин дарёси водийсидаги тоғ этакларида жойлашган. Шаҳар 1867-йили кичик қўрғон ўрнида қад кўтарган.

Шаҳар аҳолиси – 40 минг кишини ташкил этади.

Норин вилояти Қирғизистоннинг табиати мураккаб тоғли





худуди. Бу ерда қиш узоқ, совуқ ва ёз қисқа, илиқ бўлади. Аёзли кунлар ҳатто ёз кунларида ҳам бўлиши мумкин.

Вилоятда баланд тоғлар жойлашган бўлса ҳам, одамлар бу ерда чорвачилик билан шуғулланадилар. Улар қўй, йилқи, тўпосларни боқиб кўпайтирадилар.




Норин вилоятининг ҳудуди фойдали қазилмаларга бой: темир рудаси, олтин, тош тузи, кўплаган қурилиш материаллари: гил, кум, мрамар.

Норин вилояти бой тарихга эга: Норин тоғлари ўз ичида кўплаб тарихий ёдгорликларни сақламоқда. Қўшай Қўрғон шаҳарчаси, Тош-Работ карвон саройи, Шердорбек қалъаси – ушбу ёдгорликлар бу ердан бир вақтлар карвон йўллари ўтганлигидан далолат беради.



Норин дарёсидаги Қурпсой ГЭСи

1. Норин шаҳри – қачон ташкил топган?
 2. Норин вилояти қандай фойдали қазилмаларга бой?
 3. Норин вилоятдан қайси дарё оқиб ўтади?
 4. Қурпсой ГЭСи ҳақида нималарни биласиз?
-  Режа асосида Норин вилояти ҳақида оғзаки ҳикоя тузинг:
а) табиати, б) саноати, в) вилоятнинг қишлоқ хўжалиги.



Қўчқор қишлоғи 1928-йилда ташкил топган. Моҳир усталар томонидан тўқилган кигиз гиламлари билан машхур. Бу ерда майин юнгли қўйлар боқилади.

Қўчқор қишлоғининг аталиши билан боғлиқ бўлган афсоналар бор. Мана энг романтик афсоналаридан бири.



Кет, қор!

(Афсона)

Қачонлардир – камбағал, яхши таълим олган ёш йигит яшаган экан. Саёҳатга чиққан йигит маҳаллий хон ҳузурида тўхтади. Хоннинг соҳибжамол қизи бўлган экан. Кўп йигитлар унинг илтифотига сазовор бўлишни истаганлар, бироқ беҳуда бўлган.

Йигит қизни кўриб севиб қолибди. Отасидан қизга уйланишга рухсат сўрабди.



Хон йигитнинг устидан кулиб, ўн йил давомида туя боқиб кўпайтириши кераклигини таклиф этибди. Агар шу вақт ичида туялар ҳар бошига 100 тадан кўпайса, у ҳолда маликага уйланиши мумкинлигини айтибди. Йигит қизга қаттиқ кўнгил қўйганлигидан бу шартига рози бўлибди.

Биринчи қиш жуда аёзли келибди. Қуёш тутилиб, шамол кучайиб эсибдики, йигит ҳатто кўзини оча олмабди. Охири кучларини йиғиб, йигит қичқирибди: «Қач, қар, қач қар» («Кет қор, кет қор!»).

Табиат уни эшитиб унга раҳми келибди. Шамол тўхтаб, қор ёғмай қўйибди. Шундан бери Қўчқорда қор кам ёғар экан. Йигитнинг ишлари олдига юриб, туялар подаси кўпайибди ва у гўзал маликага уйланибди. Уларнинг ўғли туғилиб, улғу жангчи бўлиб улғайибди.

? Қўчқор қишлоғига боғлиқ бўлган афсона ҳақида сўзлаб беринг.

§ 11. Талас шаҳри – Манас ватани. Қирғизистоннинг Талас вилояти



Талас вилояти

Талас шаҳри Қирғизистоннинг шимоли-ғарбидаги Талас вилоятининг маъмурий ва хўжалик маркази ҳисобланади. Шаҳар Талас дарёси соҳилларида жойлашган.

Талас вилояти – мамлакатимизнинг энг кўркем жойларидан бири. У Талас водийсида жойлашган бўлиб, ҳар томондан тоғ тизмалари билан ўралган.

Талас водийсининг аҳолиси қўй, сигир йилқилар кўпайтириш билан шуғулланади.

Вилоятда деҳқончилик ривожланган бўлиб, бу ерда бугдой, тамаки, картошка, сабзавотлар, кейинги йилларда ловия етиштирилмоқда.





Меҳмондўст Таласнинг энг кўркам, машҳур жойларидан бири Манас мақбараси¹ ҳисобланади. Талас шаҳрининг ши-моли-шарқий томони, Манас чўққиси тоғ этагида Кенг-Кўл да-рёси жойлашган.

Ривоятларга кўра кўп асрлар олдин бу ерда қирғиз эпоси-нинг афсонавий қаҳрамони Манас дафн этилган.



Манас мақбараси (XIV а.)

¹ Мақбара – айнан лой гишдан тайёрланган қубба. 2. Манас – мақбараси – Қирғизистон-даги 14 асрда қурилган архитектура ёдгорлиги. Амир Абунинг қизи Канизак-хотинга мақбара сифатида қурилган, лекин афсоналарга қараганда ботир Манас мақбараси ҳисобланади.

Манаснинг барча қилган ишлари ўз халқини бириктиришга йўналтирилган.

Бу мақсадга эришилганда қирғизларнинг юлдузи янада равшан бўлди. Манаснинг улуғворлиги унинг олижаноблиги ва мурувватлилигида. У ҳар доим халқнинг оғир кунларида ёрдам қўлини чўзган. «Қадрдон қирғиз халқим, сен учун қурбон бўламан» – бу Улуғ Манаснинг ҳаётдаги ўзини ўзи қурбон қилиш ва Ватанга бўлган муҳаббати ҳақидаги шиори бўлган.

У атрофига шундай инсонларни йиққанки, улар фақат меҳнатлари туфайли гуллаб яшнаши ва фаровонликка эришишини яхши англаганлар. Манаснинг асосий насиҳатлари – инсонийлик ва инсонпарвар бўлиш, она-табиатга бўлган нозик муомаладир.

Бизнинг аجدодларимиз қудратли ва гуллаб яшнаган давлатни қуришган. Бугунги кунда ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз – давлатимизни сақлаш.

Манас васиятлари

1. Миллатнинг ягоналиги ва бирдамлиги.
2. Миллатлараро ҳамжиҳатлик, дўстлик ва ҳамкорлик.
3. Миллий ғурур ва ватанпарварлик.
4. Машаққатли, толмас меҳнат ва билим орқали гуллаб яшнаш ва фаровонлик сари.
5. Инсонпарварлик, мурувватлилик, сабрлилик.
6. Табиат билан уйғунлик.
7. Қирғиз давлатчилигини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш.



1. Талас шаҳри ёнидан ўтган дарё номи нима?
2. Талас вилояти аҳолиси нима билан шугулланади?
3. Манас мақбараси қаерда жойлашган?
4. Манаснинг барча фаолияти нимага йўналтирилган, тушунтиринг?
5. Манас васиятларини қандай тушунасиз?



Манас васиятларини ёдланг.



Сағимбой Орозбаков



Сағимбой Орозбаков
(1867–1930)

«Манас» эпоси – Қирғизистон фахри, унинг буюк маънавий мероси. Дунёда эпоснинг ҳажми бўйича ўхшаган эпос йўқ. У миллиондан ортиқ сатрни ўз ичига олган. Минг йиллардан буён Манас ҳақидаги ривоятлар авлоддан-авлодга ўтиб келади. Манасчилар эпос ривоятларини ижро этишади.

«Манас» эпоси биринчи бўлиб бутунлай сўзма-сўз манасчи Сағимбой Орозбаков томонидан ёзиб олинган.

Сағимбой Орозбаков 1867-йилда Иссиққўлнинг жанубий қирғоқларидан бирида туғилган. Унинг отаси таниқли сурнайчи бўлган. Сағимбой болалигидан ўзининг тенгдошлари орасида шоирлик истеъдоди билан ажралиб турган. У кичик ҳазил ашулалар ёзиб, уларни ёшларнинг ўйинларида катта муваффақият билан ижро этиб берган. 15 ёшидан «Манас» эпосини ижро эта бошлади ва бахшиликнинг юқори маҳоратига эришган.

Сағимбой Орозбаков эпосни тўлиқ ижро этиб шуҳратини дунёга таратган.



Саякбай Каралаев

Саякбай Каралаев 1894-йили Иссиқкўл яқинидаги Жети-Огуз туманида туғилган. Унинг отаси камбағал чорвадор бўлган ва бургут боққан.

Саякбай Каралаев – Чоюкенинг шоғирди бўлиб, у XX-асрнинг энг йирик манасчиси бўлган. Ўсмир Каралаев кичик ашулалар ёзган. Манасчи сифатида биринчи марта 23-ёшида кўпчилик олдиға чиққан.

«Манас» эпосининг Саякбай Каралаевға тегишли бўлган вариантлари, ҳозирги эпос нашриға асос бўлган. Таниқли манасчилар – бу истеъдодли шоир-импровизаторлардир. «Манас»ни ижро этишдан олдин ўзлари шу қаҳрамонлар тимсолиға ва эпик ҳолатиға киришган, улар ўзлари шу воқеаларнинг қатнашчилариға айланишган.




Саякбай Каралаев
(1894–1971)



1. Манасчилардан бирини айтиб беринг.

* 2. Манаснинг болалик йиллари ҳақида гапирилган «Манас» эпосидан парча ўқинг.

§ 12. Қирғизистон. Иссиққўл вилояти



Иссиққўл вилояти

Иссиққўл вилояти Қирғизистоннинг шарқий қисмида жойлашган. Бу саҳоватли, роҳатбахш ер, гўзал табиати билан машҳурдир. Иссиққўл вилояти ҳудуди ранг-баранг ва бой ўсимликлар, ҳайвонот дунёсига эга.





Иссиқкўлнинг жануби-ғарбий қисмида учиб кетадиган қушлар қишлайди: ўрдак, ғоз ва гўзал оққушлар; ўрмонларда олмахон, буғу, силовсин, бўрсуқлар; тоғларда – архар, бўри, суғур, тулкилар яшайди.

Иссиқкўл вилоятининг асосий бойлиги – бу Иссиқкўлнинг кўриқхона курорт зоналари. Кўл бўйларида пансионатлар, курортлар, дам олиш уйлари жойлашган.

Ёзда дам олгани ва даволангани республикамизнинг кўп бурчаклари ва бошқа давлатлардан меҳмонлар келишади. Тоғларнинг гўзаллиги, илиқ сув ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Иссиқкўл вилоятида турли миллат вакиллари яшайди. Улар қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадилар: буғдой, мева, сабзавотлар етиштирадилар, қўй, сигир, йилқи боқадилар. Вилоятда олтин, кўмир, мис, қалай, руда ва бошқа фойдали қазилмалар қазиб олинади.

Азалдан қирғоқ бўйларида одамлар жойлашиб келган, шунинг учун Иссиқкўл вилояти тарихий маданий ёдгорликларга бой.

Иссиқкўл вилояти шаҳарлари



Балиқчи шаҳри

Боом тоғ оралиғидан чиқиб, сиз Балиқчи шаҳрига келиб қоласиз. Балиқчи шаҳри-Қирғизистоннинг асосий порт шаҳри. Бу баланд тоғли портда кемачилик қишда ҳам тўхтамайди.

Балиқчи шаҳри йўл айрилишида жойлашган: биринчи йўл Иссиқкўлнинг шимолий қирғоғи бўйлаб, иккинчиси – жанубий қирғоғидан ўтади. Шаҳар аҳолиси 42 мингдан кўп



кишини ташкил этади. Шаҳар Иссиққўл ёқалаб 6 км га чўзилиб боради. Бу ернинг саҳий табиати ҳукмига кўра ердан юқори ҳосил оладилар, дарахтлар серҳосил мева беради, балиқлар кўлда кўп, чорвачилик ҳайвонлари боқилади.

Бу ҳикояда ҳеч нарса тўқилмаган. У афсонанинг қандай туғилишига намуна бўлиши мумкин.



Балиқчи

(Эртак)

Қадим-қадим замонларда, бундан бир аср илгари Иссиққўл денгизи қирғоқ бўйлари кимсасиз бўлган. Ўша даврларда айнан қирғиз денгизи бўйларига рус солдати Михаил Иванович Бачев келиб қолган. У кўп вақт қирғиз ўлкасида аскар бўлиб хизмат қилган, унинг хизмати тугаганидан кейин бу ердан кетишга кўнмайди.

У ўзига кичкина уй қуради, ерни ҳайдаб, деҳқончилик билан машғул бўлади. Бироқ уни ҳаммадан кўп жалб этган нарса кўл эди. Ўзи ясаган қайиқда Иссиққўлнинг ўртасига эртаклаб сузиб бориб осмонда юлдузлар пайдо бўлганда қайтар эди. Бачев катта ов билан қайтарди. Тез орада унинг номи бутун ўлкага танилди.

Унинг олдига оқсоқоллар меҳмон бўлиб келишиб унинг ҳайдаган ери, овлаган балиқларини кўрадилар. Кўп ўтмай Бачев атрофида катта қишлоқ пайдо бўлади. Кўпгина кўчманчи қирғизлар рус дўстининг олдига яқинроқ жойлашишга ҳаракат қилганлар.

Шу тарзда улар кўп йиллар катта оила бўлиб яшаганлар. Кузнинг совуқ куни келади. Кекса балиқчи маҳзун бўлиб ҳаяжонли денгизга узоқ тикилиб қолади.

Ўша кузда Бачев вафот этади. Бироқ уни ҳеч ким унутмайди. Ўша жойни Балиқчи Бачевнинг номи билан аташади: Рибачье ёки Балиқчи.



Чўлпон-Ота

Чўлпон-Ота – курорт шаҳар. У унчалик катта эмас, бироқ донғи давлатимиздан олисдаги мамлакатларга ҳам машҳур. Ҳозир унда ўн мингдан кўп аҳоли яшайди. Шаҳарда ва унинг атрофларида катталар ва болалар учун кўплаган саломатлик жойлари бор.





Чўлпон-Отада йилқи заводи жойлашган бўлиб, унда 1954-йили қирғиз йилқиларининг янги зотлари етиштирила бошлаган. Бу ерда от мусобақаларида миллий спорт турларини ҳам кўrsa бўлади.

Қадимдан аҳолиси, кўлнинг келиб чиқишини изоҳлаш учун у ҳақда афсоналар айтган.





Иссиқкўл

(Афсона)

Қачонлардир Чўлпон исмли соҳибжамол яшаган экан. Унинг қўлини сўраб иккита бой тортишган экан. Терскей ва Кунгай. Бироқ қиз уларни севмас эди. Қиз энг кучлисини танлаб олиши учун, улар кучлари билан синашмоқчи бўлишибди. Улар аскарларини бир-бирларига қарши қилиб тизиб қўйибдилар. Қадим одатга кўра, биринчи бўлиб лашкарбошилар олишишлари керак эди.

Бу гап қулоғига етган қиз баланд қояга чиқиб ўзини ташлабди. Қиз ўзини ташлаган жойда улкан Иссиқкўл денгизи пайдо бўлибди. Жангчилар бу ҳолатдан ларзага келганлар. Улар Терскей ва Кунгай тоғларига айланиб қолганлар. Қиз яшаган жой отасининг номига Чўлпон-Ота деб қўйилган. Кейинчалик шу ердаги шаҳарни ҳам Чўлпон-Ота дейишган экан.





Қорақұл

Қорақұл шаҳри – Иссиққұл вилоятининг энг катта саноат ва маданият маркази. Бу ерда 63 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Қорақұл ҳарбий-маъмурий жой, карвон йўлининг савдо маркази сифатида асосланган.

Шаҳар вилоятнинг шарқий қисмида Терскей Олатоғнинг этагида, Қорақұл дарёсининг куйи оқимида, Иссиққұл денгизининг қирғоғидан 12 км узоқликдаги ерларда жойлашган. Бу ноёб шаҳар бегона кўзлардан Марказий Тянь-Шань тоғининг орасида Ғалаба чўққиси (7439 м) ва Хон тангри (6995 м) каби улугвор чўққилар орасида яшириниб олган. Қорақұл шаҳридан Марказий Тянь-Шань бўйлаб тоғли туристик маршрутлар бошланади.

Қорақўлдан Марказий Тянь-Шань бўйлаб тоғ туристик маршрутлари бошланади. Бу ердан кўпгина гўзал тоғ тизмаларидан бўлган шимолий Терскей Ола-Тоғ тизмасига чиқиш мумкин:



Хон-Тангри чўққиси (6995 м)



Ғалаба чўққиси (7439 м)



Н. М. Пржевальский
(1839–1888)



Н. М. Пржевальский музейи

Олтин Арашан, Жетти-Огуз, Жергалан, Оқсув, Катта Қизил Сув, Керег Таш ва бошқалар. Деярли ҳар бирида соғлик учун фойдали бўлган иссиқ минерал сув чашмасини топса бўлади. Қорақўл дарёси водийси бўйлаб, Ола-Кел музлик кўлига кўтарилиш мумкин.

Шаҳарнинг кўркам жойлари бу-музей ва буюк рус саёҳатчиси Н. М. Пржевальский ёдгорлиги ва мазори жойлашган кўриқхона ҳисобланади.

Н. М. Пржевальский 33 минг километр уловда ва пиёда Ўрта Осиёнинг номаълум ҳудудларини босиб ўтган. Саёҳатлар пайтида кўплаган ҳайвонлар ва ўсимликлар коллекциясини йиғиб, шунингдек Ўрта Осиё халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ёзиб борган.

Қирғизистон тоғлари баланд, улардан ҳам юқорида бургутлар учди. Кунлардан бир кун тоғ тизмасида навқирон

ва кучли бургут пайдо бўлади. У ваҳшийларча отардаги қўзиларга ташланарди, уларга ундан омонлик йўқ эди. Чўпонлар кўп марта ваҳший қушни ўлдирмоқчи бўлишган, бироқ барибир уддалай олишмаган.

Шу пайтларда бу ерларда рус сайёҳи Николай Михайлович Пржевальский бўлган. Чўпонлар унга ўз ҳасратларини айтишади. Николай Михайлович касал бўлиб ўз чодир уйида ётар эди. Унга эшитилдими ёки ҳақиқатанми у улкан бургутнинг чодир устида айланаётганини сезди. Пржевальский бошини кўтарди ва чодирдан чиқиб уни кўриб қолади. Илгари бургут одам яшаган жойда бунчалик паст учмаган, ҳозир эса ботиниб учяпти, худди касал одам ҳимоясиз бўлишини билгандек. У эркин учар, катта қанотларини кенг ёйиб, ўзининг ўқтамлиги ва абжирлигини намойиш қилгандек.

Шунда Пржевальский кучини йиғиб, қийинчилик билан милтиғини кўтариб бургутни





Н. М. Пржевальскийга
ўрнатилган ёдгорлик

нишонга олади, бироқ унга ўқ отмайди. Кушнинг улуғворлиги ва гўзаллиги уни лол қолдиради. Бургут яна озгина айланадида, сўнг учиб кетади.

Пржевальский вафотидан кейин унинг қабри олдида бургутнинг тош ёдгорлигини қўядилар. У ҳозир ҳам шу ерда турибди. Фақат ҳозир бургут зайтун шохини – тинчлик ва одамларнинг бахт-саодати тимсоли сифатида ушлаб туради.



1. Иссиқкўл вилояти шаҳарлари ҳақида гапириб беринг.
2. Шаҳарлар фаолиятининг фарқли белгиларига тавсиф беринг.
3. Н. М. Пржевальский ёдгорлиги Қирғизистоннинг қайси шаҳрида?
4. Тушунтиринг, нима учун Иссиқкўл вилоятидаги шаҳарларда йирик саноат корхоналари йўқ?
5. Курорт зоналарида ишлаб чиқаришнинг қайси тармоғини ривожлантириш мумкин?
- ✳ 6. Ўйлаб кўринг, Иссиқкўл вилоятида қайси соҳани энг яхши ривожлантириш маъқул?



Сиз Қирғизистон Республикасининг катта шаҳарлари билан танишдингиз, ўз мамлакатингиздаги ҳудудлар бўйлаб саёҳат қилиб чиқдингиз. Ўз ўлкангиз ҳақида нималарни билиб олганлигингизни эслаб кўринг. Жадвални тўлдиринг.

Шаҳар, қишлоқнинг номи	Қаерда жойлашган	Ўлканинг ўзига хос табиати	Одамларнинг асосий машгу- лотлари	Диққатга сазовар жойлари	Машҳур одамлар номлари



Биз танлаган касб. Менинг шахрим. Менинг қишлоғим



Инсон турмуш тарзи у қаерда яшашига, қандай маълумот олганлигига, иш фаолиятининг қандай тури билан шуғулланишига кўпдан-кўп боғлиқ.

Қандай касбни танлайсиз? Ўз ҳаётингиз қизиқарли ва чиройли бўлиши учун нима қилиш керак?

Бугун сиз ўлкангизнинг қизиқарли жойларига экскурсияга борасиз сиз шаҳарда ва қишлоқда керак бўладиган касблар билан танишасиз.





1. Расмларга қаранг. Касблар ҳақида сўзлаб беринг, шаҳар ва қишлоқда яшаш учун қайси бири зарур.
2. Аниқланг: сизнинг қишлоғингизда (шаҳрингизда) афзал бўлиб келган асосий меҳнат қайси?
3. Қандай асосий касблар сизнинг шаҳрингизда (қишлоғингизда) зарур?
4. Келажақда сиз қайси касб эгаси бўлишни хоҳлардингиз?
5. Тушунтиринг, у касб сизни нимаси билан ўзига жалб қилади?







Бизнинг мамлакатимизга ўз касбининг усталари зарур!
Чуқур ўйлаб касб танланг, ўқинг, меҳнат қилинг ва кейинги
авлод сиздан миннатдор бўлади.





- ?** * 1. Агар сиз шаҳарлик бўлсангиз – «Шаҳарликнинг бир куни» деган ҳикоя тузинг.
- * 2. Агар сиз қишлоқлик бўлсангиз – «Қишлоқ ҳаётидан бир лавҳа» деган мавзуда ҳикоя тузинг. Расмларга қаранг, улар сизга ёрдам беради.

ТАРИХ ҚАЪРИГА



Давр тасмаси


Давр тасмасини ўтмишдан келажакка қараб чўзилган тасма каби йўл кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Бу тасма бўйича давр бўлақларини белгилаш мумкин, 100 йиллик – бу асрлар¹.

Бизнинг ер сайёрамиз миллиард йилдан бери мавжуд ва одамлар унда миллион йиллардан буён яшамоқда. Ердagi мавжуд бўлишни шартли равишда иккита даврга бўлганлар: Бизнинг эрагача ва бизнинг эра. Бу нима билан боғлиқ? Турли халқлар ўз тақвимларини қандайдир машҳур ҳодисалардан бошлаб юритишган. Масалан, қадимги мисрликларда янги йилни янги фиравнларнинг ҳокимиятга келишидан бошлаб санаганлар. Қадимги ҳинд календари биринчи ойни март, йилни эса 22-март деб аташган. Рим империясида – Рим шаҳрининг ташкил этилишидан деб ҳисоблашади.



Давр тасмаси

¹ Аср рим рақами ердамида белгиланиши қабул қилинган.



Рим рақами

Йил ҳисоби бошланган йиллар «бизнинг эра». «Бизнинг эра» 2000 йилдан буён мавжуд. У Исо пайғамбарнинг, насронийлик – янги диннинг асосчиси туғилган кундан бошланади.

Масалан, XX аср – 1-январь 1901 йилдан то 31-декабрь 2000-йилгача бўлган давр.

Ёдда тутинг!

- Йил – оддий йиллар учун тақвим ҳисобида 365 кунни, кабиса йилида 366 кунни ташкил этади.
- Аср – 100 йилликка тенг бўлган давр оралиғи.
- Эра – йил ҳисоби тизимининг бошланиш вақти, шунингдек йил ҳисобининг ўзи.

Мусулмон санаси ҳижрий йил ҳисобини Муҳаммаднинг Маккадан Мадинага кўчиб ўтган йили – 622-йилдан бошлаб санашади.

Бизнинг эрагача бўлган давр тескари тартибда ҳисобланади.



1. Давр тасмасидан биз яшаётган йилни топинг, қайси асрлигини аниқланг.
2. «Аср», «минг йиллик», «йил ҳисоби», «бизнинг эра», «бизнинг эрагача» сўзлари нимани англатди?
3. Сиз қайси асрда туғилгансиз?
4. Қайси йил илгари бўлган: бизнинг эрагача 10 йилликми ёки бизнинг эрагача 20 йилликми?
5. Қирғизистон ҳудудида тарихий ёдгорликлардан бири бизнинг эрагача 1-асрда қўйилган. У ҳозир ҳам сақланади. Бу ёдгорликка қанча аср бўлди?

Бизнинг эрагача яшаган ибтидоий одамларнинг ҳаётлари ҳақида биз қояларга чизилган суратлардан билиб олишимиз мумкин.



Саймали-Тош петроглифлари¹

Ибтидоий одам бизнинг ҳаётимизни расмлар кўринишида қандай чизиши мумкинлигини тасаввур қилинг.

¹ Саймали-Тош – эрамыздан аввалги II минг йил аввал чизилган қадимги петроглиф.

§ 13. Харитадаги тарих

Бизни қизиқтирган даврга тўғри тушиш учун, биз аниқ тарихий даврдан ташқари, қайси даврга йўл олаётган жойни ҳам яхши билишимиз лозим. Бунда бизга тарихий хариталар ёрдам беради.

Хариталар турли хилда бўлади: географик ва тарихий.



Географик харита

? Географик хариталар бизга нималар ҳақида маълумот беришини тушунтириб беринг.


Шартли белгилар ёрдамида тарихий хариталар бизга давлатларнинг ҳудудлари, уруш жойлари, савдо йўналишлари, одам сонининг ўсиши ва ҳоказолар тўғрисида айтиб беради. Тарихнинг ривожланиши билан бирга, тарихий хариталар, улардаги белгилар ҳам ўзгаради.



Тарихий харита

Тарихий харитани ўқишни билиш керак. Бунинг учун нима билиш зарур:

- харитада ҳар доим давлат ҳудудлари қатъий маълум тарихий даврда кўрсатилган, шу тарзда чегаралар ҳам (урушлар, сиёсий келишимлар натижасида) ўзгариб турган;
- ранг давлат чегаралари ва қўшилган ҳудудларни белгилашда ишлатилади;
- қуйи бурчақда унга киритилган ҳамма белгилар кўрсатилган жойда ҳар доимгидек хаританинг «легендаси» берилади; харитада шимол ҳар доим юқорида, қуйида жануб, ўнгда шарқ, чапда ғарб берилади;
- шаҳар ва давлатлар номлари харитада тасвирланган даврга мувофиқ берилади.



Қирғизистон XVI–XVII аа.

Ўтмишни ўрганишда бизга тарихий хариталарни аниқлаш ёрдам беради.

1. Тушунтириб беринг, қандай хариталар мавжуд?
2. Тарихий хариталар географик хариталардан нимаси билан ажралиб туради?
3. Сиз қандай ўйлайсиз, давлат чегаралари қандай ҳодисалар оқибатида ўзгариши мумкин?

Тарихий географик хариталарни ўқиш учун қандай қоидаларни би-лиш керак?

§ 14. Буюк Ипак йўли бўйлаб



Буюк Ипак йўли йўллари

Қирғизистон тарихида Буюк Ипак йўли катта аҳамиятга эга бўлган. Бу халқаро қуруқлик йўлидаги савдо магистралнинг¹ шартли номланиши бўлиб, у шарқдан ғарбга қараб деярли бутун Осиёни кесиб ўтган. Етти минг километрни – Ўрта Ер денгизидан тортиб, то Буюк Хитой деворларигача савдогарлар карвони билан уч йилда босиб ўтишган.

Хитойдан ипак, бронза кўзгулар, фаянс ва чинни идишларни олиб келишган. Византиядан – ярқирама² тошлар билан безатилган тилла тақинчоқлар, ўймакор шиша косалар ва буюмлар, кумуш идишлар олиб ўтишган.

Карвон йўллари Буюк Ипак йўлидаги ўз маршрутларини ўзгартирган, аввалгидек фақат асосий йўналишдагилар қолган: шарқдан ғарбга ва ғарбдан шарққа.

Ҳозирги Қирғизистон ҳудудидан Буюк Ипак йўлининг учта тармоғи ўтган.

¹ Магистраль – асосий йул.

² Ярқирама – қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо.



Биринчи тармоғи Термиздан Самарқанд орқали, Қизилсув дарёсининг қуйилиб келиши бўйларидан Олайгача ва ундан Қашқарга олиб чиққан.

Фарғона тармоғи Самарқанддан Ўш шаҳрига олиб келган. Ўш оралиқдаги бош савдо пункти бўлган, шу ердан карвон Қашқарга Торугарт орқали йўлини давом эттирган.



Учинчи тармоқ Замини-Работдан Тошкентга, Нузкет (Қора-Болта) ва Боласоғун (Бурана) га қараб кетган. Шу ердан карвон Боом дараси орқали Иссиққўл ва ундан Хитойга Сон-Тош доवони орқали ўтган.

Буюк Ипак йўлининг яна бир тармоғи қирғизларнинг кўчиш жойларига олиб борган. Қирғизлар эрамиздан аввалги VI ва XII асрларда Энасой (Енисей) дарёси бўйларида яшашган. Савдогарлар қирғизлардан чиройли отлар, мўйна¹, мушк², мамонтнинг қозик тишлари, қимматбаҳо ёғоч навларини сотиб олишган. Айниқса, олтин, кумуш идишлар ва жуда ҳам учли қуроллар юқори баҳоланган.

Савдо йўли шаҳобчаларида шаҳарлар пайдо бўлган. Бу Норин вилоятидаги От-боши масжиди, Ширдакбек шаҳарчаси, Олабуқа қалъаси, Чолдевор карвон саройи, Тош-Работ, Кошой Коргон ва бошқалар.



Олабуқа қалъаси (XI–XII аср)

¹ Мўйна – йиртқич ҳайвонларнинг қимматбаҳо териси.

² Мушк – хушбўй мой тайёрлаш учун зарур бўлган модда.



Таш-Робот карвон саройи (XV а.)




«Кўшой-Кўргон» музейи



Кўшой-Кўргон

Буюк Ипак йўли 2000 йил давомида асосий савдо йўли бўлган. XVI – асрда савдогарлик Буюк Ипак йўлида тушкунликка юз тутди. Тез юрар кемалар туялар карвонини сиқиб чиқарди. Бироқ Буюк Ипак йўли кўплаган давлатларнинг иқтисодий ва маданий ривожланишида, турли тилдаги халқларнинг ўзаро алоқасини мустаҳкамлашда ўзининг тарихий вазифасини бажарди.

 Нима учун Буюк Ипак йўли Қирғизистон учун катта аҳамиятга эга бўлган?

§ 15. Тарихий шахслар

Юсуф Боласоғуний (Юсуф Хос Ҳожиб)



Юсуф Боласоғуний
(1019–1085)

Қадимги турк халқларининг тилларида XI асрда биринчи поэма ёзилган. Уни Боласоғунлик¹ – ўз даврининг таниқли шоири, олими, ўз даврининг мутаффакири Юсуф Боласоғуний ёзган.

Юсуф Боласоғуний ўзининг асарини «Қутадғу билиг» («Саодатга элтувчи билим») деб номлади ва уни қорахонийлар ҳоқонига² совға қилади. Подшоҳ унга «Хос Ҳожиб» унвонини³ инъом қилади⁴. Юсуф Боласоғуний ўзининг асари ҳақида бундай деди:

Саботли хоҳиш билан билим олишга интилдим,
Сўзни сўзга нақшли ҳижо билан боғладим.

Бу асардаги шеърлар жуда ҳам машҳур бўлган. Кўпгина сатрлари халқнинг мақол ва маталлар хазинасига киритилган ва ҳалигача кўчирмалар келтирилади. Мана улардан бир нечтаси:

- Инсонлардаги икки жасорат чегара билмайди:
Яхши сўз ва эзгу ишлар.
- Қаҳр ва жаҳл билан иш қилма:
Ҳовлиқиб бажарилган иш – қалбни ўлдиради.
- Ҳамма нарсани билгин, ёзувда уқувли бўл,
Барча билимларингни иш билан оқла.
- Ярамас қилиқдан яширган нарса – виждон.
Барча олижанобликнинг асоси – виждон.
- Юмшоқ сўз бўл, нима сўрасалар бергин.
Ҳадя-ҳадя қилувчига наф келтиради.

¹ Боласоғунлик – Боласоғунда туғилган.

² Ҳоқон ҳукмдор.

³ Хос Ҳожиб – саройдаги мансаб.

⁴ Инъом қилмоқ – совға қилмоқ.

- 1. Юсуф Боласоғун ким?
- 2. У нимаси билан машхур?
- 3. Унинг асарларидан олинган насихатларни шархланг.

Бизнинг вақтда Юсуф Боласоғун таълимотидан фойдаланса бўладими?

Маҳмуд Қошғарий

Маҳмуд Қошғарий (1029–1101) юқори мансабдаги оқсуяк қорахонийлар авлодидан бўлган ва бевосита шу сулоланинг вакили бўлган. У кўп саёҳат қилган, туркларнинг аҳолиси яшайдиган деярли ҳамма вилоятларда бўлган. Боғдодда у пайтда селжуқийларга тегишли бўлган, Қошғарийда китоб яратиш – унда турк халқларининг кўп қиррали ҳаёти, урф-одатлари, географик жойлашиши ва энг аввало тили ҳақида тушунча бериш фикри туғилади.



Маҳмуд Қошғарий
(1029–1101)

Бизгача унинг «Девону луғоти турк» («Туркий сўзлар луғати») асари етиб келган. Асар луғат кўринишида тузилган. Унинг ичига мақоллар, маталлар, шеърлар ва қўшиқлардан парчалар кирган.

Шунингдек, у дунё харитасини тузган. Ер маркази Марказий Тянь-Шань ва Иссиққўл денгизи деб кўрсатилган.

- 1. Маҳмуд Қошғарий нима учун дунё харитасини яратди?
- 2. Ўйлаб кўринг, нима учун Маҳмуд Қошғарий Ернинг марказини Иссиққўл денгизи ва Марказий Тянь-Шань деб атади?

Бизнинг ҳаётимизни акс эттирадиган замонавий мақол ва маталларни Маҳмуд Қошғарий китобидан топинг.

§ 16. Қирғизистоннинг тадқиқотчи олимлари.
Қирғизистоннинг маданий ёдгорликлари

Пётр Петрович Семёнов-Тян-Шанский



П. П. Семёнов-Тян-Шанский
(1827–1914)

П. П. Семёнов-Тян-Шанский (1827–1914) Тангри Тоғни, ундан ташқари Иссиқ-кўл ҳавзасини ўрганишда ўз ҳиссасини қўшган. Ўзининг экспедициясида у шуни исботладики, Тангри-Тоғ вулкандан келиб чиқмаган ва Иссиқкўлдан ҳеч қандай дарё оқиб чиқмаслигини айтган. Семёнов Чуй дарёси кўлдан эмас балки, унинг ғарб томонидаги тоғли водийдан оқиб тушишини аниқлади. У Иссиқкўлга етиб келмасдан, қарама-қарши томонга кескин бурилиб, Боом дарасига киради.



Балиқчи шаҳрида П. П. Семёнов-Тян-Шанскийга ўрнатилган ҳайкал

Семёнов-Тян-Шанский тадқиқотлари изланишлари Тангри-Тоғ тизимини ўрганишда муҳим манба сифатида қўлланилди. Кейинроқ тадқиқотчи бизнинг ўлкамизни ўрганишда яна бир қанча экспедицияларни уюштирди. У ҳайвонлар ва ўсимликларини ўрганди.

? Қирғизистон ҳудудида саёҳат пайтида Семёнов-Тян-Шанский қандай кашфиётлар қилишга муваффақ бўлган?

Эмил Жапарович Шукуров

Ҳозирги кундаги Қирғизистон табиатини ўрганган эколог олим ва файласуф, география фанлари доктори, Қирғизистондаги «Алейна» экологик ҳаракати раиси Эмил Шукуров 1938 йил 19-январда Фрунзе (ҳозирги Бишкек) шаҳрида туғилган.

Фрунзедаги эрлар мактабини тамомлагандан сўнг Қирғизистон Давлат университетининг биология – тупроқшунослик факультетига ўқишга кириб, 1960 йили имтиёзли диплом билан тамомлаган.

Шу йили Москва Давлат университетининг биология¹ – тупроқшунослик факультетининг зоология² кафедраси аспирантурасига киради.

Ўша вақтда унинг зоология ва экология фанига бўлган қизиқиши тўлалигича шаклланиб, Марказий Осиёдаги қушларнинг миграция³ сини (кўчиши) ўргана бошлайди. У бош



Э. Ж. Шукуров

¹ Биология – органик нарсаларнинг жонли яратилиши ҳақидаги фан.

² Зоология – ҳайвонлар ҳақидаги фан.

³ Миграция – кўчиш.

муҳаррир сифатида, Қирғизистондаги Қизил китобнинг тузилишига фаол иштирок этади. 1993 йили Эмил Жапарович биринчилардан бўлиб Қирғизистондаги «Алейна» экологик ҳаракати – экология жамоатчилиги ташкилотини тузган.

Экология, биология ва табиий экосистемалар Э. Ж. Шукуров кашфиётларидан ўрин олган бўлиб, у Қирғизистон табиатини муҳофаза қилишда ўзига хос аҳамиятга эга. Илмий мақола ва китоблардан ташқари шеърлар ҳам ёзади.

Бу ҳаммаси эмас! Эмил Шукуров олимгина бўлмасдан, у талантли rassom, зўр карикатурачи! У чизган расмлар талабалик давридан бошлаб босмаҳоналарда босилиб чиққан. Москвада, Бишкекда ва Кембрижда унинг экология мавзусига бағишлаб чизган расмлари скетчей тури бўлиб ёруққа чиққан. Карикатура расмлари Москва ва Новосибирскда кўргазмаларга қўйилган. Бундан ташқари табиат тасвирланган пейзажлари кўргазмалари Москва, Киев, Ленинградда намоиш этилган.

Э. Ж. Шукуров ўз тадқиқот ишларини ва ривожланаётган фанлар қаторидаги экология фанидаги ишларини ўз умри давомидаги асосий иш деб ҳисоблайди: «Мен нафақат Қирғизистонда, балки МДХ доирасида, қисман дунёвий доирадаги ноформал экологик ҳаракатларда қатнашдим... ўйлайманки бу жуда муҳим. Жамоатчилиги нуқтаи назаридан буни энг муҳим деб ҳисоблайман».



Э. Ж. Шукуров. Ўрмонли дара



Э. Ж. Шукуров. Тоғларда момақалдирик



Валиханов Чўқан (Шўқон) Чингисович (1835–1865) – қозоқ халқининг машхур олими ва зиёлиси. Марказий Осиё, Қозоғистон, Шарқий Туркистон тадқиқотчиси, шунингдек Тангри-Тоғ географияси ва табиий шароитини ўрганган тадқиқотчи.



Чўқан Валиханов
(1835–1865)

У деярли ўрганилмаган ҳудудни дунё илм-фани қизиқишлари доирасига жалб қилган. Ҳарбий-текширув экспедицияси таркибида Ч.Ч. Валиханов Иссиқкўл атрофларига келган. Қирғиз қабилалари буғу, сарибағиш ва солто қабилаларининг этнографиясини тадқиқ этган.

? Чўқан Валиханов қирғиз халқи тарихини ўрганишда қандай ҳисса қўшган?



Омскадаги (Россия) Чўқан Валиханов ҳайкали

Маданият ёдгорликлари

Инсон ўтмиши ҳақидаги кўп нарса, халқ анъаналари ҳақида қадимий архитектура ёдгорликлари айтиб бериши мумкин. Қирғизистон ҳудудида аллақачон ўтиб кетган даврлар ва халқларнинг кўплаган тарихий ва маданий ёдгорликлари бор. Ёдгорликларнинг бузилишига урушлар, zilzilалар ва давр асосий сабаб бўла олади. Сақланиб қолган ёдгорликларга Бурана минораси ва Ўзганнинг архитектура комплекси мисол бўлади.

Бурана минораси Тўқмоқ шаҳридан унча узоқ бўлмаган жойда жойлашган. У XI – асрда қурилган экан. У қурилганидан бери кўп йиллар ўтди, одамлар уни нимага асосланиб қурилганини эсидан чиқаришди. Унинг олдида турган масжид бузилди. Буранани соқчи минораси деб қабул қилишди, чунки қалъанинг бир қисмида, қачонлардир қудратли бир хон ўзининг яккаю ягона қизини шу қизга совчи қўйган йигитларнинг назаридан узоқ қилиб яшириб қўйган.

Миноранинг баландлиги 22 метр. У баландлиги 4 метр бўлган саккиз қиррали пойдеворда туради. Минора пишиқ ғиштдан



Бурана минораси (XI а.)

қурилган бўлиб, тепага кўтарилгани сари торайиб боради. Миноранинг жанубий томонидан ергача 5 метр пастликда чиқиш йўли бор. Ичида бурама зина бўлиб, зиналар усти ёғочдан қилинган. Зинадан кириш жуда ҳам тор, унинг эни 70 сантиметр. XVI-асрда Қирғизистон ҳудудида қаттиқ ер силкинди. Минора ўзининг ярим узунлигини сақлаб қолди. Ёдгорликнинг умумий баландлиги 46 метр бўлган.

Архитектор – олимлар «Бурана» тарихий архитектура комплекси¹ атрофидан ноёб тарихий буюмлар: дон экинларини майдалаб берадиган тегирмон тошлари, кўчманчилар сиғинадиган балбалларни йиғишган.



Тегирмон тошлари



Балбаллар

¹ Комплекс – бир бутунликни жамлаган предметлар ёки кўриниш мажмуаси.



Ўзган минораси (XI–XII чи аср)

Ўзган минораси бундан тахминан 100 йил олдин қурилди. Унинг баландлиги 45 метр, ер силкинишидан кейин – 27 ярим метр қолди.

Миноранинг зинасидаги ғишлар қиррали қилиб қўйилган. Ўзган минорасининг терилиши нақшинкордир. У худди Бурана минораси каби пишиқ ғишдан қурилган. Иккала минора ҳам Қорахонийлар даврига¹ мансуб.

Карвон – Сарой² Тош-Работ ўрта аср ёдгорликлари орасида энг яхши сақланган миноралар. У денгиз сатҳидан 3000 м баландликда Отбошидан 60 км узоқликда

да ва Норин шахридан 90 км узоқликда бўлган кўркам Қора-Қуюнда жойлашган.

Тош-Работ XV – асрда Ўрта Осиёдан Хитойга кетадиган қадимий савдо йўлида қурилган ва у савдогарлар, элчилар, сайёҳлар ва бошқа мусофирлар учун доимий сарой бўлган. Бу ўша даврда Ўрта Осиё меъморчилигининг тошдан қурилган энг йирик иншооти бўлган. У нафақат ўзининг ўлчамлари, қурилиш материаллари билан фарқ қилади, балки ўзига хос бўлган аниқ симметрияга асосланган режалаштириши билан ҳам ажралиб туради. Дастлаб табиат орасида унутилиб кетган, аҳоли пунктларидан олисда бўлган карвон сарой четдан қараганда қаҳрли, ҳашаматли ва яқинлашиб бўлмайдигандек туюлади.

¹ Қорахонийлар даври – X–XII чи асрларда ҳозирги Қирғизистон ҳудудида Қорахонийлар давлати бўлган.

² Карвон – Сарой-Шарқдаги катта қурилиш: шаҳар, аҳоли йўқ бўлган жойлардаги йўл буйларида саёҳатчилар учун тўхташ жойи.

1. Қирғизистон тадқиқотчи олимлари томонидан очилган Қирғизистоннинг маданий ёдгорликлари бўйича нималарни билиб олдингиз?
2. Матндан Бурана минораси билан Ўзган минорасининг умумийлиги ва фарқли томонларини топинг.

- * 1. Ўтилган материаллар бўйича олинган маълумот асосида кластер тузинг.



2. Катталардан ёки дарслиқдан қандай тарихий ёдгорликлар сизнинг шаҳрингиз (қишлоғингизда) бор эканлигини ўрганинг.
3. Татил вақтида қаерга боришни хоҳлар эдингиз? Ўз саёҳатингиз режасини тузинг.



§ 17. «Сеҳрли қиш»

Қишда қуёш унчалик юқори кўтарилмайди. Кунлар қисқариб, тезда қоронғу тушади. Ташқари совуқ, айниқса тунлари жуда совуқ бўлади. Кундузлари бироз кун исиганда қорлар эриб, нам бўлади. Кечга яқин эса эриган қор музлайди. Йўллар сирпанчиқ бўлади. Бу пайтда йўловчи ва ҳайдовчилар ниҳоятда эҳтиёт бўлишлари керак. **Қор** – бу ёгин, ҳарорат пасайганда қор парчалари кўринишида ёғади.

Қор учқуни – бу табиатнинг энг гўзал мўъжизаси. Инсон қор учқуни шаклидай шаклни ясаш учун озмунча ҳаракат қилишига тўғри келади. Паға-паға қор ёққан пайтда миллионлаб қор учқунлари ерга тушиб, уларнинг ичида иккита бир хил қор учқунини учратмайсиз. Қор парчасининг катталиги ташқаридаги ҳароратга боғлиқ бўлади. Ҳаво ҳарорати қанчалик паст бўлса, қор учқунлари шунчалик кичик бўлади.

Қор ёғишини кузатиш жуда мароқли. Шамолсиз кунларда қор ерга аста-секинлик билан ёғиб, ерни текис, бир хил



қатламда қоплайди. Кучли шамол билан қорнинг ёғиши бўрон ёки изғирин дейилади.

Кўпинча қишда олашовут бўлганда, дарахт ва электр симларидан паҳмоқ қор уюмлари музлаб қолади. Шунда атроф ажиб гўзал тусга киради.

Эски дарахтнинг юқори шохларида олмахон сакраб юрибди. Бу дарахтда унинг ини – коваги бор. Олмахон инига югуриб кириб кетди. Олмахоннинг уйи мох ва қуруқ барглар билан тўшалган. У ер олмахон учун шинам ва иссиқ. Алоҳида бир жойда олмахоннинг озиқ-овқатлари туради. Олмахон ёз бўйи кўпгина озиқ-овқат ғамлаб тўплаган, дарахтлар остидаги «омборхоналарга» жуда кўп ёнғоқларни кўмиб қўйган. Улар шу даражада кўпки, қиш тугагунча уларни еб тугата олмайди. Унинг заҳиралари билан бошқа ўрмон жониворлари ҳам озиқланади.

Баъзи йиртқич ҳайвонлар қишда узоқ уйқуга кетадилар. Қалин қорда қуён бир бутадан иккинчи бутага сакраб ўтади. Қишда у оппоқ бўлиб қолади. Унинг юнги иссиқ, қалин. Унинг ўз уйи йўқ. Қуён қор устида ухлайди, душманларидан ҳам қорга беркинади. Қуён қишга озиқ-овқат заҳирасини тўпламайди. Ёш олма дарахтлари танасининг пўстлоғини, новда шохларини ейди. Ўрмонда қуруқ шох қарсиллади. Қуён узун қулоқларини динг қилиб эшитади ва тезда дарахтлар орасига ғойиб бўлади. Қорда унинг фақат ғаройиб изларигина қолди.



Ёдда тутинг!

- Қор эриши, ер музлаши, қор ёғиши, изғирин (бўрон), олашовут – табиатдаги қишки ҳодисалар мисоли.
- Қушлар қишда, асосан очликдан кўп ўлади.
- Қушлар донхўрақларига макарон, апельсин пўстлоғини, конфет қўйманг.
- Бундай озиқани қушлар емайди. Уларга кунгабоқар пистаси, тарвуз, қовун, ошқовоқ уруғлари, нон ушоқлари керак.

- ?** 1. Нима учун қор устида излар қолади? Расмга қараб изларни аниқлашга ҳаракат қилинг.
2. Қайси табиат ҳодисаси фақат қишда содир бўлади? Нима учун?
3. Нима учун бўридан кўра қора тўнғизга қишда озиқланиш осонроқ?
4. Қуёнга тери ости ёғи нима учун керак?

- 🏠** * 1. Қиш фаслида далада, боғда, қишлоқларда ва шаҳар кўчаларида қандай ишлар олиб борилишини ёзинг.
2. Экскурсия натижаларига қараб жадвални тўлдилинг.

Ҳайвонлар	Нима қилишади?	Нима билан озиқланишади?





§ 18. Қирғизистон – тоғлар ўлкаси

Қирғизистон табиати гўзал ва бетакрор. Қирғизистон ҳудуди 88 та баланд тоғ тизмаларига эга! Уларнинг 87 таси – «осмонўпар тоғлар» ва гуллаган водийлар макони Тянь-Шань. Юртимизнинг жанубида Чўнг-Олой тоғ тизмалари чўзилиб жойлашган. У Помир тоғ тизмаси таркибига киради.

Тянь-Шань номи «осмонўпар тоғлар» маъносини билдиради. Уларни гўзаллиги ва улуғворлиги учун шундай деб аташган. Тоғлар – бу ер юзидан катта баландликка юксалган нотекис майдон ҳисобланади.

Баландлигига қараб паст, ўрта ва баланд тоғларга бўлинади. Тянь-Шань баланд тоғлар сирасига киради. Бу тоғларнинг энг баланд чўққиси – Победа (Ғалаба) чўққисидир. Энг узун чўзилган тоғ тизмаси – Кокшаал-Тоо. Табиатда якка тоғлар камдан-кам учрайди. Кўпинча улар қатор-қатор бўлиб – **тоғ тизмаларини** шакллантириб жойлашган. Баланд ва паст

тоғлар, тепалик ва чўққилар бир хил қисмларга; яъни тоғ этаги, ёнбағри, чўққига эга.

Тоғ этаклари – бу тоғ бошланадиган жойлар. **Чўққи** – бу тоғнинг энг юқори қисми. Чўққи ва тоғ этаги ўртасида тоғ ёнбағирлари жойлашган. Улар тик ва қия бўлади. **Тоғ чўққилари** йил бўйи музликлар юксак қалпоғи билан ўралган. Баъзида, булут ва қушлар тоғлар оёқ остида учгандай, дарёлар эса бош устида шовиллаб оққандай туюлади. Баланд тоғлар тепалигида сиртлар жойлашган. **Сирт** – совуқ яримсахро текислик. **Сиртлардаги** қорлар, асосан, ёзда тушади ва иссиқ қуёш нурлари таъсирида эрийди. Қишда **сиртлар** бутунлай қорсиз. Бу гўзал қишки яйловлар. Чўпонлар у ерда қўй-подарини боқадилар.

Тоғ этакларида терак, тол, эман, чинор ва оқ қайинлар ўсади. Тоғларнинг ёнбағирлари игнабаргли ўрмонлар билан қопланган. Игнабаргли ўрмонзорларнинг юқорисида Альп ўтлоқлари жойлашган. Қорли чўққилар жуда совуқ бўлганидан, у ерларда ўсимликлар ўсмайди.



Тепаликка кўтарилган сари, қаттиқ совуқ бўлиб нафас олиш қийинлашади. Қуёш чарақлаб нур сочиб турибди, унинг нурлари қорли чўққилардан қайтади. Уларга қуёшдан ҳимоя қилувчи кўз ойнакларсиз қараб бўлмайди.

Ёдда тутинг!

- Қирғизистон тоғларининг энг баланд чўққиси – Победа (Ғалаба) чўққиси.
- Чўққилар доим абадий қор билан қопланган.
- Тоғ тизмалар «чипор тоғлар» маъносини англатувчи Ала-Тоо (Ола-Тоғ) номини олган.

- ?
1. Нима учун Қирғизистон тоғ чўққилари доимо қор билан қопланган?
 2. Нима учун сиртлар энг яхши қишки яйловлар ҳисобланади?
 3. Қирғизистон тоғли ўлка, унда нима учун аҳолининг кўп қисми текисликда – водийда яшайди?

- 🏠
1. Ўзингизни тоғ инструктори деб тасаввур қилинг. Тоғларимизнинг қайси обрў-эътиборли жойларини меҳмонларга кўрсатган бўлардингиз? Нима учун?
 - * 2. «Тоғларда ёз» мавзусида аппликация ясанг.



§ 19. Қирғизистон текисликлари

Харитада қуруқликнинг баландлиги турли рангда кўрсатилганини сиз яхши биласиз. Тоғлар қўнғир тусда белгиланади. Зангори ва сариқ рангда водийлар кўрсатилади.

Бизнинг Ватанимиз харитасида қўнғир тусда белгиланган жойлар жуда кўп. Бироқ, оч ранглар ҳам мавжуд. Бу ҳудудимиз юзаси бир текисда эмаслигини билдиради. Қуруқликнинг барча нотекис жойлари **рельеф** деб аталади. Рельеф иккита асосий шаклга ажратилади: тоғлар ва текисликлар. **Текисликлар** – бу ер юзининг текис ёки деярли текис майдонидан иборат. Агар текисликда баланд ва пастликлар бўлмаса, уни **ясси** деб аташади. Лекин кўпинча текисликларнинг у ер, бу ерида тепалик қирлар учраб туради. Бундай текисликлар **қир-адирлар** деб аталади. Тоғ тизмалари оралиғидаги узун чўзилган (текислик) майдон **водийлар** деб аталади. Тоғлар орасидаги катта Тянь-Шань – Фарғона водийсидир. Уни Қирғизистоннинг «марвариди» деб ҳам аташади. Бу водий Қирғизистоннинг энг иссиқ жойи ҳисобланиб, бу водийда анжир, анор, пахта ва бошқа иссиқсевар ўсимликлар ўсади.






Норин водийси

Қирғизистоннинг энг қадимги шаҳарларидан бири – Ўш шаҳри – Фарғона водийсида жойлашган. Бишкек шаҳри Чуй водийсида жойлашган. Талас – Талас водийсида жойлашган. Баланд тоғларда Олай ва Оқсой водийлари жойлашган. Оқсой водийси энг совуқ водийдир. Ҳаттоки ёзда ҳам у ерда кўпинча совуқ бўлади.

Иссиқкўл кўли гуллаб яшнаган Иссиқкўл водийсида жойлашган. Текисликларда одамлар шаҳар ва қишлоқлар қуради. Улар сабзавот, мева ва буғдой етиштиради. Қирғизистон аҳолисининг кўп қисми текисликларда яшайди. Текисликлар инсонлар томонидан жуда ўзгартирилган.

Ёдда тутинг!

Доимо ва ҳар ерда ўз ерининг гўзаллигини ҳимоя қилиш: ахлатлардан тозалашда қатнашиш, дарахт ва буталарни ўтқозишда иштирок этиш керак. Сув ва ҳаво, ўсимлик ва жониворларни қандай муҳофаза қилсак, жонажон ўлкамиз атрофини ҳам шундай кўриқлашимиз керак.

1. Нима учун азалдан одамлар текисликларда яшашга интилишган?
 2. Энг совуқ тоғ водийси бизнинг мамлакатимизнинг қайси ерида жойлашган? Ўз ўлкаси табиатини муҳофаза қилиш нима? Инсонларнинг табиатга ўйламай муносабатда бўлишига мисол келтиринг.
 3. Қирғизистондаги қайси водий «марварид» дейилади?
 4. Инсон текисликларни қандай ўзгартирди?
 5. «Ўз ўлка табиатини муҳофаза қилиш» иборасини қандай тушунаси?
-  * Худудингизнинг табиатини чизинг (пластилиндан худудимизнинг бирон-бир ерининг моделини яшаш мумкин).

§ 20. Қирғизистоннинг фойдали қазилмалари

Фойдали қазилмалар – юртимизнинг бебаҳо бойлигидир. Инсон хўжалик ишларида фойдаланадиган гранит, кум, гил, кўмир, ош тузи ва бошқа тоғ жинслари бу *фойдали қазилмалардир*. Фойдали қазилмаларнинг кўпчилиги қаттиқ Маса-лан, суюқ ва газсимон қазилмалар ҳам бор. Нефть – суюқ, фойдали қазилма, табиий газ сиз ўйлагандек – газсимон.

Ер ости чуқур жойларини кон деб аташади. Геологлар фойдали қазилмаларни ўрганишади ва уларни излаб топишади. Геологлар харита ва компас билан ишлашни яхши билишлари керак. Бошқа мутахассислар фойдали қазилмаларни ер остидан қазиб олишлари учун, геологлар излаб топган конларни харитада белгилаб қўйишади. Геолог – машаққатли, лекин муҳим касб.


Фойдали қазилмаларни турли йўллар билан қазиб олинади. Кўмир шахта ва карьерлардан қазиб олинади. Ер остидан



Геологлар дам олишда




Сурма




Қалай



Ош тузи



Құмир



Оҳақтош



Гранит



Қолбадаги симоб



Бұр

нефть ва табиий газни қазиб олиш учун одамлар пармалаш қурилмаларини ўрнатиб, чуқур қудуқ қазишади.

Қирғизистонда энг биринчи кўмир шахтаси Сулукта шахрида очилган. Кўмир Жалолобод вилоятининг (Тошкўмир), Боткен вилоятининг (Қизилқия), Норин вилоятидан (Қоракеча конларида) Иссиқкўл вилоятининг (Жергалон) қазиб олинади. Асосий кўмир конлари Ўш вилоятида жойлашган. Энг катта кўмир захиралари Ўзган кони ҳисобланади, лекин бу жой баланд тоғли бўлганлиги сабабли, бу ерда кўмир қазиб олиш ишлари олиб борилмаяпти.



Шахтада кўмир қазиб олиш

Нефтни – Майли-Суу шахрида (Жалолобод вилояти) чиқаришади. Олтин – Қумтор (Иссиқкўл вилояти) конидан олинади. Жалолобод вилоятида Макмал олтин конлари ишлаб чиқилмоқда. Катта захиралар Талас вилоятидаги Жеруй конларида мавжуд. Ҳайдарконда (Боткен вилояти) ноёб ҳисобланган сурма фойдали қазилмаси тиббиёт ва ҳарбий ишлар учун қазиб олинади. Қирғизистон сурмаси сифатини яхшилиги билан ажралиб туради.

Бизнинг мамлакатимиз турли хил фойдали қазилмаларга бой. Бироқ мураккаб тоғли рельеф уларни қазиб олишни қийинлаштиради.



Қумтордаги карьер

Ёдда тутинг!

- Инсонларнинг хўжалик фаолиятини фойдали қазилмаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.
- Фойдали қазилмалар – бу қайта тикланмайдиган бойликлардир.
- Табиий газ инсоннинг энг катта ёрдамчиси. Лекин газ плитасида газнинг очилиб қолиши жуда ҳавфли.

- ?** 1. Инсон фаолияти учун нефтдан қандай маҳсулотлар олинади?
 2. Нима учун кўмирни «Қора олтин» деб аташади?
 3. Қурилиш ишларидан ташқари кум ва тупроқ яна қаерда ишлатилади?
- 🏠** 1. Ўйланиб кўринг-чи, сизнинг уйингизда қандай фойдали қазилмалар атрофингизни ўраб турибди?
 2. Уй хўжалигида қандай фойдали қазилмалардан фойдаланилади?
 * 3. Фойдали қазилмалар ҳақида сўзлаб беринг, уларнинг қандай қазиб олинishi, қаерларда қўлланилиши ҳақида маълумот тўпланг.



Тоғлар нима учун емирилади

Тоғ ва тоғ жинслари, ҳатто энг мустаҳкамлари ҳам, секин-аста, бироқ доимий равишда емирилиб боради. Кундузи қуёш қоялар ва тоғ жинсларини кучли қиздиради, натижада қоялардан иборат қоя жинслари кенгаяди. Тунлари тоғ





қоя жинслари совийди ва тораяди. Майда чуқур ва ёриқ жойларга сув киради. Паст ҳароратда сув музлайди, кенгайиб музга айланади. Муз ёриқлар деворларини сиқади. Ёриқлар кенгаяди, силжийди. Шамол ўсимликлар уруғларини учиради, бу уруғлар қояларнинг ёриқларига кириб қолади. Қояларда ўт-ўланлар, буталар ҳатто дарахтлар ўсиб чиқади.







Ўсимликларнинг илдизлари ўсиб тошларни ёриб чиқади. Тошлар бўлиниб-бўлиниб парчаланиб пастга қулайди. Йиллар, юз ва минг йиллар ўтади ва буюк тоғлар этагида уларнинг емирилган қолдиқ парчалари: катта ва кичик тошлар тўпланади. Сув оқимлари тошларни оқизади, у ердан бу ерга думалатади, бир-бирига ишқалантиради. Шу тарзда тошлар қум ва гилга айланади.

Ёдда тутинг!

- Табиатда аста-секин, бироқ доимий равишда тоғларнинг емирилиши содир бўлиб туради.
- Тоғлар, қуёш, сув, ўсимликлар таъсирида емирилади.
- Тоғларнинг емирилиши натижасида ҳосил бўлган қум, шағалдан инсон қурулишда фойдаланади.

- ?
1. Шамол тоғ жинсларининг емирилишида қандай роль ўйнайди.
 2. Тоғ жинсларининг емирилиши инсоннинг хўжалик фаолиятида қандай аҳамиятга эга?
 3. Агар тоғлар емирилмаса, инсон ҳаётида нима ўзгаради?
 4. Қирғизистоннинг ғаройиб қоялари тасвирланган откритка ва расмларни топинг. Уларнинг қандай ҳосил бўлганлигини тушунтириб беринг.

§ 21. Тупроқнинг ҳосил бўлиши ва таркиби


Сиз биласиз, қаттиқ қоя ва тоғ тошлари табиатда тинимсиз парчаланади. Шу билан бирга тош, қум ва гилдан иборат бўлган бўш қатлам ҳосил бўлади. Бу қатламда ўсимликлар учун озиқ сифатида ҳеч қандай фойдали модда бўлмайди. Бактерия ва бошқа микроорганизмлар, ўсимлик ва турли ҳайвонлар, чувалчанглар, қурт-қумурсқалар, юмронқозиқ ва дала сичқонлари ўзларига уй қурадилар. Улар тупроққа кирувчи ҳаво ва сув йўлларини очиб беришади. Ёмғир ерга сингиб, ер қатлами бузилади, қишда музлаб, ёзда эса эрийди. Ўсимлик қолдиқлари ва барглар чирийди. Шундай қилиб, секин-аста тош, қум ва гил тупроққа айланади. **Тупроқ** – бу ўсимликлар ҳаёти учун муҳим бўлган, ернинг унумдор (ҳосилдор) устки қатлами. Унинг асосий хусусияти – ҳосилдорлик. Унумдор тупроқ бўлиши унинг таркибига боғлиқ. Энг унумдор тупроқ – қора тупроқ. Унумдор тупроқ қалинлиги бир ёки икки метр чуқурликда бўлади.



Тупроқ қатламлари

Ёдда тутинг!

- Тупроқ аста-секин ҳосил бўлади.
- Тупроқнинг ҳосилдорлиги унинг таркибидаги чириндиларга боғлиқ.
- Ҳайвон ва ўсимликлар тупроқнинг унумдорлигини оширади.

1. Тупроқ деб нимага айтилади?
 2. Тупроқнинг ҳосилдорлиги нимага боғлиқ?
 3. Тупроқ таркибига нималар киради?
 4. Нима учун биз гулхоналарга гул экиб, тупроқнинг ҳосилдорлигини ошираемиз?
-  * Нима учун боғлардаги тўкилган баргларни ёқиш мумкин эмас?



Тундра тупроғи



Кулранг тупроқ



Қайир тупроғи




Кулранг ўрмон тупроғи



Тоғ-ўтлоқ тупроғи



Қора тупроқ



Қирғизистоннинг туپроқ харитаси

§ 22. Қирғизистон тупроқлари. Тупроқлар аҳамияти

Ўлкамизнинг асосий тупроғи – **бўз тупроқ**. Чуй ва Талас водийларида уларни шимолий **бўз тупроқлар** деб аташади. Фарғона водийсида эса – **турон бўз тупроғидир**. Бўз тупроқ таркибида чиринди оз, лекин у минерал тузларга жуда бой. Бу тупроқдан тўғри фойдаланилса, сабзавот ва бугдой яхши ҳосил беради. Турли тоғларнинг ён бағирларида тупроқлар ҳам турлича. Уларнинг турлари тоғ баландлиги ва тоғ ён бағрларининг шароитига боғлиқ. Тупроқлар ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

Ўсимлик илдизлари тупроқнинг таркибидаги ҳаво билан нафас олади. Сув ва сув таркибида эриган тузларни ўзига сингдиради. Тузлар ўсимликлар учун керак бўлган озуқа ҳисобланади. Тупроқ таркибидаги тузлар миқдори чириндилар ҳисобига доим тўлдирилиб турилади.

Тупроқ жуда секин, юз ва минглаб йиллар давомида ҳосил бўлади. Лекин ернинг ҳосилдор қатламини жуда тез орада



Тупроқнинг емирилиши

нобуд қилиши мумкин. Тупроқ меъёридан ортиқ солинган заҳарли химикат моддалар ва ўғитлардан «қўрқади». Улар тупроқда тўпланиб, уни булғаши мумкин. Чувалчанглар, ҳашарот ва бактериялар личинкалари нобуд бўлади. Тупроқни керагидан ортиқ суғориб бўлмайди, чунки унда тузлар меъёрдан ортиб кетиши мумкин. Дарахт ва буталар кесилиб ташланган жойларда тупроқни сув ювиб, шамол пуркаб ташлайди. Тоғ адирлардаги ерларни тўғри ҳайдаш керак, яъни тепаликлар бўйлаб эмас, кўндалангига ҳайдаш муҳим аҳамиятга эга. Тупроқни шамолдан сақлаш учун, дала атрофларига дарахт ва буталар экилади.

Ёдда тутинг!

- Бизнинг мамлакатимиз тупроғи – бўз тупроқ.
- Ўсимликлар ўз илдизлари билан тупроқни мустаҳкамлайди, уларни ювилиб кетиш ва шамолдан сақлайди.
- Тупроқлар табиатда жуда секин ҳосил бўлади ва муҳофазага муҳтож.



Ўсимликлар тупроқни емирилишдан сақлайди



1. Кўрсичқон
2. Ёмғир чувалчанги
3. Микроорганизмлар

Тупроқ организмлари

1. Тупроқдан ўсимликлар нималарни олади?
 2. Қандай тупроқлар энг ҳосилдор ҳисобланади?
 3. Бизнинг текисликларда қандай тупроқ энг кўп тарқалган?
1. «Тоғда дарахтни кессанг, водийда ерни йўқотасан» – деган ма-талнинг маъносини тушунтириб беринг.
 - * 2. Ер-боқувчи ҳақида икки ёки учта мақол ёки топашмоқ топинг.



§ 23. Сув ва унинг хусусиятлари. Табиатда сувнинг айланиши

Сув сайёраимизнинг энг катта қисмини эгаллайди. Табиатда сув билан океан, денгиз, кўл, ботқоқлик, дарёлар тўлдирилган. Инсон томонидан яратилган сунъий сув ҳавзалари – ҳовузлар, сув омборлари, каналлар мавжуд. Сув ернинг тубида ва ҳаттоки ҳавода ҳам мавжуд. Ердаги ҳаёт сув туйфайли пайдо бўлган ва у орқали сақланиб келади. Сув ҳар бир тирик организм таркибида бўлади. У ўсимликларнинг барча қисмида ҳам мавжуд.







Меваларнинг шарбати – бу таркибида ҳар хил моддалар эритилган сувдир. Бизнинг организм асосан сувдан ташкил топган. Ҳар куни организмни сув билан тўлдириш учун катта ёшдаги инсон учун икки литр сув керак бўлади. Сув ёрдамида организмдан заҳарли моддалар ювилиб чиқиб кетади. Сувсиз на ҳайвонлар, на ўсимликлар яшай олади. Хўжалик ишларида электростанцияларда сувдан фойдаланилади.

Сув – Ер юзидаги асосий бойликлардан биридир. Унинг кўп хоссаларга эга бўлиб: тиниқ, шаффоф, оқова, ҳар хил моддаларни эритиш хусусиятига эга. Сув уч ҳолатда бўлади: суюқ, қаттиқ, газсимон (буғ).

Ёдда тутинг!


- Филтрлаш ёки тозалаш – бу сувни эрмайдиган модда аралашмаларидан тозалаш.
- Сув – шаффоф, тиниқ, рангсиз, суюқ, ҳидсиз ҳолатда бўлади. Иситганда сувнинг ҳажми кенгайди, совитганда эса тораяди. Сув кўп моддаларни эритади.

1. Табиатда сув қандай ҳолатда учрайди?
2. Кундалик хўжалик ҳаётимизда сувнинг ҳар хил моддаларни эритиш хоссаси қаерда фойдаланилиши ҳақида сўзлаб беринг.
3. Қўл ва идиш юваётганда сувнинг қандай хусусиятидан фойдаланасиз?
4. Нима учун совуқ кунда қорни боссангиз оёгингиз остида овоз чиқади?

Сув чексиз айланиш ҳолатида бўлади. Қуёш нурлари сайёрамиз юзини иситиб туради. Сув бугга айланиб, денгиз, дарё, кўллар устидан ҳамда тупроқдан ҳавога кўтарилади. Сув йилнинг хоҳлаган фаслида, ҳатто қишда ҳам қаҳратон совуқда ҳам бугга айланади.

Сиз хўл латта билан синф доскасини артдингиз, бир неча дақиқадан сўнг у қуриб қолди. Ундаги сув бугланиб учиб кетди, яъни бугга айланди – рангсиз газга айланди.

Сув буғи – бу сувнинг **газсимон ҳолати**. Юқорида совиб, сув буғ томчиларига айланади. Бу томчилардан булутлар пайдо бўлади. Баъзида шамол уларни узоқ масофаларга учириб кетади. Аста-секин сув томчилари булутда кўпаяди, оғирлашади ва ерга ёмғир ёки қор бўлиб ёғади. **Табиатда сувнинг айланиши** мана шундай содир бўлади. 0°C ва ундан паст ҳароратда сув музга айланади.



Табиатда сувнинг айланиши



Майда музчалар баландликдаги булутларда ҳосил бўлади. Бир-бири билан бирикиб, улар қор парчаларига (учқунларига) айланади ва ерга тушади. Муз ва қор – бу сувнинг қаттиқ ҳолатидир. Биз юқорида айтиб ўтгандек сув совиганда қисилади. Аммо, музга айлангач у кенгаяди. Шу сабабли, қишда сув қувурлари ёрилади, иссиқлик тармоқлари ишдан чиқади. Қувурлардаги сув музлагач кенгаяди ва қувур деворларига босим билан эзади ва ёриб ташлайди.

Ёдда тутинг!

- Сув табиатда уч ҳолатда бўлади: суюқ, қаттиқ ва газсимон.
- Сув доимо айланиб туради: ер юзидан бугланади, булутларни ҳосил қилади, ёмғир ва қор бўлиб ерга қайтади.




1. Қачон ёмғирдан кейин кўлмак тез қуриydi: ёздами ёки куздами?
2. Табиатда сувнинг айланиши қандай аҳамиятга эга?
3. Чойнақда сув қайнаганда, нима сабабдан бугга айланади?



1. Ўйлаб кўринг, Ер юзида чучук сув заҳиралари йўқолиб кетса нима бўлади? Қандай қилиб бунинг олдини олиш мумкин?

- * 2. «Сув томчисининг саёҳати» ҳақида эртақ тўқинг.



§ 24. Қирғизистон ҳавзалари

Сув ҳавзалари табиий ва сунъий бўлади. **Табиий сув ҳавзалари** – дарё, кўл, ботқоқлик, сой (жилға), булоқ. Бу сувларни табиат яратган. **Сунъий ҳавзалари** – ховуз, канал, сув омборлари. Улар инсон томонидан қурилган.

Бизнинг мамлакат сувга бой. Қирғизистонни минерал манбалари кўплигидан, уни «тирик сув» ўлкаси деб аташади. Тоғ чўққилари музлар билан қопланган, уларнинг кўпчилигидан жўшқин дарёлар бошланишига сабаб бўлади. Энг катта музлик Энилчек бўлиб, у мамлакатимизнинг жанубида жойлашган. Қирғизистоннинг асосий дарёси – бу Норин. Бу дарё ҳам музликлардан бошланади. Бу қудратли, кучли дарё. Норин дарёсида электростанция қурилган. Электростанцияларнинг энг каттаси (йириги) – Тўқтағул. Қирғизистон халқ ёзувчиси Қ. Маликов ўзининг «Жануб» номли шеърида ёзган:

Олисларда музлар қоплаган тоғнинг чўққиси,
Гўё отдек Оқбурага интилади у,
Тоғлар оралаб Қора-сув дарёси,
Водий бўйлаб Норин жўш урмоқда,
Ер юзига чексиз яхшилик олиб келмоқда.





Дарё ва кўл схемаси

Ҳар бир дарёнинг бошланиш жойи бор. Дарёнинг кўлга, денгизга ёки дарёга оқиб тушиши – **дарёнинг қуйилиш жойи** дейилади. Дарё оқимининг чуқурлиги (туби) – **ўзан** деб аталади. Дарёнинг ўнг ва чап қирғоқлари бор. Дарё оқими бўйлаб қараганда, ўнг томонда ўнг қирғоқ, чап томонда чап қирғоқ жойлашган.

Қирғизистонда кўллар кўп. Улар **оқар ва оқмас** кўлларга бўлинади. **Оқар кўллар** – бу кўлга дарёлар қуйилади ва оқиб чиқиб кетади. Бундай кўл суви – чучук. **Оқмас кўлга** – дарё



Иссиқкўл кўли



Сўнкўл кўли

қуйилади, лекин оқиб чиқиб кетмайди. Бу кўлнинг суви бироз тузлироқ бўлади. Иссиқкўл – оқмас кўл. Унга 80 та дарё қуйилади, лекин ҳеч бири оқиб чиқмайди.

Сўнкўл – энг катта чучук сув ҳавзаси. Унга 18 та дарё қуйилади, фақат ундан – Қажирти дарёси оқиб чиқиб кетади.

Чатиркўл катталиги бўйича учинчи ўринда туради. Бу оқмас кўл бўлиб, тоғлар орасида, Оқсой водийсининг ғарб томонида жойлашган.



Чатиркўл кўли



Ботқоқлик

Ботқоқлик – табиатнинг сув ҳавзаси. Шу билан бирга ботқоқлик улкан филтър бўлиб, сувни тозалайди. Қалин ботқоқ ўсимликлари ва ботқоқ чириндилари (торф) оралаб бориб, ботқоқликлардаги сув чанг, заҳарли модда, касаллик таратувчи бактериялардан тозаланаяди. Ботқоқ – бу кўп ҳайвонлар ва ўсимликларнинг яшаш жойлари. Қирғизистонда ботқоқликлар жуда оз. Бизда уни **соз** деб аташади.

Сув ҳавзаларининг табиат ва инсон ҳаётидаги аҳамияти жуда катта. Дарё қирғоқларида инсонлар дам олишади, чўмилишади. Офтобда тобланишади. Сув омборларидаги сувларни далаларни суғоришда фойдаланишади. Ҳовузларда балиқларни боқиб кўпайтиришади.


Ҳавзалар тоза бўлиши керак! Уларга зарарли химиявий дорилар, бензин, машина ёғлари, корхоналардан чиққан ифлос сувларни, ахлатларни туширмаслик керак.



Ёдда тутинг!

- Оддий тоза сув – табиат бойлиги, у сиз ҳаёт йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.
- Ҳеч қачон ўзингизга нотаниш бўлган сувда чўмилманг. Сувнинг тубида шиша парчалари ва бошқа ҳаёт учун хавfli бўлган зарарли моддалар бўлиши мумкин.
- Дарё, кўл, ҳовузлардан сув ичманг. Унда зарарли моддалар ва касаллик тарқатувчи микроблар бўлиши мумкин.

1. Ўлкамизнинг қандай сув ҳавзаларини биласиз?
2. Табиий ва сунъий сув ҳавзаларининг фарқи нимада?
3. Қирғизистоннинг қандай сунъий ҳавзаларини биласиз?
4. Канал билан дарёнинг фарқи нимада? Кўл билан сув омборининг-чи?
5. Бузуқ кран жўмрагидан сув оқаётганини кўрсангиз қандай йўл тутган бўлардингиз?

-  * «Сувни асранг!» номли плакат чизинг. Плакатнинг тақдимотига ўз гуруҳингизга синфдошларингизни чақиринг.



Ер ости салтанати сирлари

Республикамиз жанубининг Аравон билан Оқбура дарёлари оралиғидаги серқуёш тоғ этакларида эртақлардагидай ер ости ўлкаси – Чилустун жойлашган.

Унинг уч бўлмали кенг зали бўлиб, 370 метр узунликка чўзилган. Учинчи бўлма ўзгача хусусияти билан ўзига тортади. Унинг узунлиги 100 метр, айрим жойлари энига 50 метр, баландлиги – 20 метр.

Бўлмани бир қанча ялтироқ устунлар ушлаб туради. Атайлаб кристалл ва тош нақшлар билан безатилганга ўхшаб туради. Кристаллар овоз чиқармайди. Улар қадимги

давринг сеҳрли мусиқасини сақлаб тургандай, озгина ҳаво кирса овоз чиқара бошлайди. Ғор ичидаги сувнинг бўлиши, бу ажойиб табиий мўъжизага ҳайрон қолиш мумкин. Сув ер остидан оққанда ўз йўлида туз, оҳақтош, гипс каби тоғ жинсларини эритиб, эгри-бугри йўлларни ҳосил қилади.

Эриган сув томчилари оқиб бораётиб, ғор томида томчи қолади. У томчилар бир вақтда узилиб тушганда кўзга кўринмас кўпикчаларга айланади. Шундай қилиб, бу томчилар уст-ма-уст тушавериб, узоқ вақтлар давомида осилган тош муз *сталактит* пайдо бўлади.

Сталактитдан бугланмай қолган сув ғорнинг остига бир жойга тушавериб, у жойда оҳақтош конуси – *сталагмит* ўсиб чиқади.

Сталактит ва сталагмит бир-бирига қўшилиб, ғор шипини тираб турган оҳақтош мраммарини ҳосил қилади. Ғордаги тоғ жинсларининг сувдаги қоришмаси оҳақ, қизил, яшил ва бошқа рангларда бўлади.

Ёдда тутинг!

- Ғорга махсус тайёргарлиги бор одам тушиши мумкин.
- Ҳар бир ғорда ўзига хос ер ости олами бор.
- Табиат яратганларини бузиш мумкин эмас.



Чилустун ғори



- ❓ 1. Ер ости ғорлари пайдо бўлишида қандай сув хоссалари пайдо бўлади?
2. Ғорларни ўрганувчи инсонлар ким деб аталади?
- * 3. «Ер ости салтанати сирлари» мавзусида жажжи китобча ясанг.
- * 4. Ғор ҳақида тақдимот тайёрланг.



Йиртқич ҳам, қуш ҳам эмас

Кунлардан бир кун қор қоплони барча йиртқичлардан солиқ йиға бошлабди. У бир ғорга кирса, эгаси қоплонга: «Мен учаман, шунинг учун мен йиртқич эмасман. Солиқ тўламайман» дебди.

Қушлар подшоси бургут ҳам барча қушлардан солиқ йиға бошлабди. У ҳам ўша ғорга кирса, эгаси: «Мен учганим билан қуш эмасман, йиртқичман, солиқ тўламайман», – дебди.

- ❓ Ғор хўжайини ким эканини айтинг?

§ 25. Қирғизистон ўрмонлари



Саричелак қўриқхонаси

Ўсимликлар ёлғизликни ёқтирмайди. Улар камдан-кам ҳолатда бир-биридан олисда ўсади. Улар тўп-тўп бўлиб, катта гуруҳларда **жамоа** бўлиб ўсади.

Бундай ўзига хос кўринишни инсонлар кўпдан бери белгилаб келишган ва нима учун улар биргаликда ўсишини аниқлашган. Бунинг асосий шarti – қуёш нури ва намликнинг таралиши бўлади. Иссиқ ва намлик, қайси **ўсимлик жамоаси** қаерда бўлишини бўлиштирар экан. Бундай ўсимлик жамоасининг ҳар бирига алоҳида ном берилган, бу: ботқоқ, чўл, дашт, кўкаламзор, ўрмон.

Ўрмон – сайёраамизнинг яшил ўлкалари. Улар тирик организмга кислород етказиб беради. Ҳавони заҳарли газ ва чангдан тозалайди. Асосан дарахт барглари ўзгача модда ажратиб чиқаради, ундан касаллик тарқатувчи микроблар нобуд бўлади.

Ўрмон – сув ҳавзалари ҳимоячиси. У намликни сақлайди. Қирғоқлардаги дарахтлари кесиб ташланган дарёлар аста-секин қурий бошлайди.



Қирғизистон ўсимликлари харитаси

Ўрмон – тупроқ ҳимоячиси. Ўрмон кесиб ташланган жойларда тупроқни шамол ва сув оқими тез ювиб кетади. У тоғ ёнбағирларини бузилишдан сақлайди.

Ўрмон – баъзи ҳайвонларнинг қадрдон уйи ва инсон дам олувчи жой. Ўрмон соғлиқни мустаҳкамлаб, кайфиятни кўтарди. Инсонга доривор ўтларни, меваларни, кўзиқоринларни, китоб ва дафтар учун ёғоч берувчи бойлик.

Қирғизистон – тоғлар мамлакати. Бизнинг ўрмонлар бир ерда тўпланмаган, балки турли тоғ тизмалари бўйлаб сочилган. Кўпинча игнабаргли, қорақарағай, пихта ва арча ўрмонлари учрайди. Энг катта майдонни арчазор ўрмонлар эгаллаган.



Қирғизистоннинг арча ўрмонлари



Кегети дараси

Арча дарахтидан авваллари бешиклар яшашган. Арча ҳиди ҳашаротларни ҳайдаган, хавони тозалаган.

Тянь-Шань қорақарағайининг ўзгачалиги шундаки, улар чақмоқ олдида ўзидан электромагнит майдонини чиқаради. Бундай пайтларда қорақарағай улкан шамни эслатади.

Заранг ўрмонлари Фарғона водийси ва Чотқол тизмаларида ўсади.

Норин, От-Боши, Талас, Суусамир дарё водийларида тўқай (ўрмонзор) сақланиб қолган. Қирғизистонда дарё ён



бағирларида ўсадиган ўрмонларни шундай аташади. Тўқай жуда чиройли ўрмон. Терак, мажнунтол баргларида ва гуллаётган юлғун буталаридан ўрмонзор (тўқай) кулранг-пушти бўлиб туюлади.

Юртимизнинг жанубида ёнғоқ ўрмонлари бор – улар жуда камёб ва жуда қадимий дарахтлар. Уларда ёввойи олма, олча, гилос, писта учрайди. Бу ўрмоннинг қироли – ёнғоқ. Баъзи



Ёнғоқ ўрмонлари



дарахтларнинг ёши 2000 йилга тенг. Бу ноёб ўрмонлар табиатнинг бошқа жойида учрамайди. Ёнғоқ Европанинг иссиқ мамлакат плантацияларида ўстирилади. Игнабаргли ўрмонлар – тўқ яшил баргли, ўрмонлари – оч яшил, тўқай эса пуштикулранг.

Инсонлар ёввойи табиатнинг «меҳнатини» қадрлашлари, меҳрибон бўлишлари керак ва доимо ҳимоя қилишлари зарур. Ўрмонда ахлат, синиқ шиша, консерва банкаларини қолдирмаслик керак. Зарурият бўлмаса, гулхан ёқиш мумкин эмас.

Ёдда тутинг!

- Ўсимликларга ғамхўрлик билан муомала қилиш – бу бутун тирик жонзотлар ҳақида ташвишланиш демакдир.
- Ҳавонинг тозалиги ўрмоннинг соғлигига боғлиқ.

- ?
1. Сиз Қирғизистоннинг ўрмонлари ҳақида нималарни билдингиз?
 2. Ўрмон саломатлиги ҳаво тозалигига боғлиқ бўлиши мумкинми?
 3. Ватанимиз ўрмонларини тоза ва соғлом сақлаш учун нималар қилиш керак?

- 🏠
1. Ўрмон ҳимояга муҳтожлигини исботланг.
- * 2. Яхши кўрган ўсимлигиниз ҳақида ҳикоя тузинг.



§ 26. Инсон ва ўсимликлар

Дунёнинг барча ўсимликлари ёввойи ва маданий гуруҳга бўлинади. Қачонлардир Ер юзида маданий ўсимликлар бўлмаган. Фақат ёввойи ўсимликлар мавжуд эди.

Инсон айримларини ўз уйи олдида ўстира бошлаган. Энг яхши сабзавот, мева томирларини саралаб олиб, уларни уруғликка қолдирган. Вақт ўтиши билан инсон маданий ўсимликнинг энг яхши турларини чиқаришга муваффақ бўлди.

Маданий ўсимликларни ўстириш учун у тупроқни қайта ишлаган ва бойитган. Дала ташкил қилган ва унда буғдой, арпа, сабзавот ва озуқа сифатида бошқа экинларни етиштирган. Шундай қилиб, **ўсимликшунослик-маданий ўсимликларни етиштириш пайдо бўлган.**





Маданий ўсимликлар дон экинлари, техника экинлари, ем-ҳашак, сабзавот ва боғдорчилик турларига бўлинади. Буғдой, арпа, сули, шоли-дон ўсимликлари. Буғдой Чуй, Иссиққўл, Фарғона водийларида ўстирилади.

Буғдойнинг кузги ва қайроқи (баҳорги) турлари бор.

Кузги буғдойни куз фаслида, қайроқи буғдойни эса баҳор фаслида сепишади. Буғдой донидан ун тайёрланади, нон пиширилади.

Арпа – Норин вилояти, Арпа дарёси водийсида ўстирилади. Бу ўсимлик совуққа ўта чидамли ва баланд тоғларда ҳам ўстириш мумкин.

Шоли – Фарғона водийси далаларида ўстирилади.

Дон ўсимликларидан кейинги муҳим ўринда картошка туради. Энг яхши картошка Қўчқор, Норин, Иссиққўл водийларида ўстирилади.

Инсоннинг озиқланишида мева ва сабзавотлар муҳим ўрин эгаллайди. Энг кўп тарвуз, қовун Чуйда ва юртимизнинг жанубида ўстирилади.



Пахта ва қанд лавлаги – техника ўсимликлари. Пахта Фарғона водийсида ўстирилади. Пахта толасидан мато тўкилади. Қанд лавлагидан шакар олинади.

Қанд лавлаги – Чуй водийсида яхши ўсади. Уй ҳайвонларини ем-хашак билан таъминлаш учун **озуқа экинлари** ўстирилади. Бу сули, беда ва йўнғичқа. Турли касб эгалари ўсимликшунослик билан банд: нонвойлар, сабзавот етиштирувчилар, боғбонлар, пахтакорлар. Энг муҳим одам – агроном¹. Ҳосилнинг унумлилиги унинг ишига боғлиқ. Дам олишга унинг вақти зиқ, у ҳар доим далада. Лекин инсонлар ширин нон, булочка ва ширинликлар учун агрономдан доим миннатдор бўлади-лар. Ахир буларнинг ҳаммасида унинг хизматлари бор.

Агроном

Агроном деган инсон,
Ернинг дўсти бўлади.
Ернинг кайфиятини,
У ҳар доим билади.

Ҳозир еримиз яхши деб,
Маслаҳатлар беради.
Ва яна ҳар хил хавфдан,
Бизни огоҳ қилади.

Г. Шалаева

Ёдда тутинг!

Ўсимликшунослик – бу маданий ўсимликларни ўстириш. Уларни озиқ-овқат, ҳайвонларга озуқа ва саноатга материаллар олиш учун ўстиришади.

1. Қандай ўсимлик ёки ўсимлик қисмларини биз овқатга ишлатамиз?
2. Нима учун шоли ва пахта Фарғона водийсида ўстирилади?
3. Сизнинг яшаш жойингизда қандай маданий ўсимликлар ўстирилади?

1. Ўзингизни ишбилармон деб тасаввур қилинг. Чуй водийсида қандай корхона қурган бўлардингиз? Фарғона водийсида-чи?
- * 2. Мевалардан ширин шарбат ва мураббо тайёрлашади. Мевалардан яна нима тайёрлаш мумкин? Муҳокама учун оғзаки ҳикоя тузинг.

¹ Агроном – бу қишлоқ хўжалиги мутахассиси. У дала ва боғ экинларининг янги навларини яратади ва ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини кузатиб боради.

§ 27. Ҳайвонлар инсонга нима беради?

Чорвачилик – қишлоқ хўжалигининг бир соҳаси бўлиб, ҳайвонлар ва гўшт маҳсулотларини етиштириб беради. Уй ҳайвонларидан ташқари йиртқичлар, қушлар, балиқлар, ҳашаротлар бор.

Қадимда инсонлар ўзларига озиқ-овқат, кийим-кечак топиш мақсадида ҳайвонларни овлашган. Гоҳида овчилик яхши бўлмаса инсонлар оч қолишарди.

Инсонда доим озиқ-овқат ва кийим-кечак бўлиши учун йиртқич, ёввойи ҳайвонларни инсонлар хонакилаштирган. Ҳозирда биз улардан гўшт, сут, ёғ, тери оламиз. Қайта ишлаб чиқариш натижасида – творог, қаймоқ, қатиқ, пишлоқ, колбаса олинади.

Мўйна, тери, чарм – бу хомашё. Мўйна, тери ва чармдан – уст ва оёқ кийим тайёрланади.

Қўйчилик – Қирғизистон чорвачилигининг асосий йўналиши. Қўйлар – уй ҳайвони. Қўй зотлари ичида майин юнгли қўй жуни қимматбаҳо ҳисобланади. Уларнинг жунларидан энг сифатли матолар тайёрланади. Майин юнгли қўйлар ўлкамизнинг шимолида кўпайтирилади. Олай водийсида эса дағал жунли қўйлар боқилади. Уларнинг жунларидан сифатли гилам тўқилади. Қўй подасини – отар деб аташади. Катта отарлар¹ сиртлар ва ўтлоқларда ўтлашади. Қишда қўйларни қўйхоналарда сақлашади.



¹ Отар – қўй подаси.

Чуй ва Талас водийларида йирик шохли қорамоллар-сигир, новвослар кўпайтирилади. Норин водийсида новвосларни ўстириш қулай. Мамлакатимизнинг барча баланд тоғли вилоятларида Тўпос (Қўтос) боқиш билан шуғулланишади.

Тўпос – энг қимматбаҳо ҳайвон. Улар жун, гўшт, тери ва сигирнинг сутидан 2 баробар кўп ёғли сут маҳсулотларини беради.

Тўпос тоғли ва қорли, кўйлар ва йилқилар ета олмаган ўтлоқларда ўтлашади. Ўзининг кучли туёқлари билан қор орасидан ўтни топиб ейди. Совуқ ва бўрондан қўрқмайди.

Қирғиз халқининг бебаҳо ёрдамчиси ва ишончли дўсти от ҳисобланади. Замонавий техника отни кўп ишлардан озод қилган, лекин ҳамма ишда эмас. Аввалгидек, у чўпон ва чегарачиларга зарур. Қишлоқларда ферма ва кўйхоналарга хашак, сули ва бошқа озуқалар отларда етказилади. Қимиз ўзининг шифобахш хусусияти билан машҳур. Ҳозирги кунда дам олиш жойларида қимиз шифохоналари очилмоқда.





Чорвадорларнинг меҳнати қийин, лекин керакли. Ёз ва кузда ем-хашак тайёрлашади. Ем-хашакларни ўриб, уларни қури-тиб қишга тайёрлашади. Яшил ўтлар, барглар ва маккажўхори ўзаклари ўрилиб махсус чуқурларга туширилади, ундан фойдали ва тўйимли силос ҳосил бўлади. Ҳайвонлар уларни жуда хуш кўради.

Паррандачилик, қуёнчилик ва балиқчилик – бу ҳам чорвачилик ҳисобланади. Парранда боқувчи фермаларни кўпинча катта шаҳар яқинига қуришади, негаки йил бўйи шаҳар аҳолисини тухум ва товуқ гўшти билан таъминлаш керак.

Балиқ парвариши билан махсус балиқ кўпайтирувчи хўжаликлар шугулланади. Бундай хўжаликлар Иссиқкўл водийсида бор. Йирик шаҳарлар атрофида эса балиқларни ҳовузда боқишади.

Одам хатто ҳашаротларнинг баъзи фойдали хусусиятларидан фойдаланишни ўрганиб олди. Ипак қуртининг капалаги ипак беради, ундан ипак газламалари тўқилади. Ипак куртлари Фарғона водийсида етиштирилади.

Асаларини кўпайтириш – бу асаларичилиқдир. Уларни ҳамма жойда парвариш қилиш мумкин. Асаларилардан асал, мум, асалари захари, қимматбаҳо дорилар тайёрланади. Қирғизистон халқ шоир А.Тоқомбаев ўз шеърларидан бирини «Асалари» деб атаган:

Боғларда турли гуллар оппоқ қордай очилди,
Хушбўй ҳидлари эса ҳар томонга сочилди.
Олтинсимон арилар олма гулига кўнди,
Гулларла ўйнаб-ўйнаб, гуллар билан дам олди.
Саҳарда аричалар шудрингларга бурканиб,
Учмоққа тайёрланди қанотларини қоқиб,
Ҳаммадан энг биринчи куёш бошин кўтарди
То кечгача гулларни эркалатди, ўйнатди.

Ёдда тутинг!

- Чорвачилиқ – бу уй ҳайвонларини боқиш. Улар орасида йиртқич, паррандалар, балиқлар, ҳашаротлар бор.
- Ҳар бир ҳудуднинг чорвачилиги табиий шароитга боғлиқ бўлади.

1. Ўсимликшунослик ва чорвачилиқ ўзаро бир-бири билан қандай боғланган?
2. Қирғизистонда асаларичилиқнинг ривожланишига нима ёрдам беради?
3. Сиз уй ҳайвонларини кўпайтириш билан боғлиқ қандай касбларни биласиз?
4. Сизнинг ўлкангизда чорвачилиқнинг қайси соҳалари ривожланган?



- * Уй ҳайвонлари ҳақида сизни қизиқтирган қўшимча материални танланг.



Ўлкамизнинг қайси бурчагига боқмайлик, янгиликлар ихтиро қилаверамиз. Қирғизистонга бир мартагина келган одам унинг табиатига маҳлиё бўлади.

Машҳур саёҳатчи Семёнов-Тян-Шанский сиртларни шундай тасвирлаб берган: «Саёҳатчилар олдида кенг тоғ текислиги – сирт ёйилган, унда тоғлар орасида ярми музлаган кўллар, тоғнинг чўққисида эса абадий қор турарди, ён бағирлари альп ўтлоқлари билан қопланган».



Сиртлар



1. Сиртлар ҳақида нималар биласиз? Сўзлаб беринг.
2. А.Тоқомбаев шеъридан парчани ўқинг. Бу мисраларда Нориннинг қандай ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган? Улардан инсон қандай фойдаланади?

Қадимдан бир дарё бор,
Сувларидир беғубор,
Оқиб ўтар дарадан,
Раҳмат олиб ҳаммадан.
У ишонар кучига,

Чиқар тоғнинг учига,
Суви сакрар қирғоққа,
Худди ўхшар тойчоққа.
Халқ дейди уни Норин,
Багишлар бизга борин.

3. Ч. Айтматовнинг «Оқ кема» қиссасидан парча ўқинг. Ч. Айтматов йилнинг қайси фаслини тасвирлаган?

«Булутлар қизганиб, кур-курлаб ёлғиз уча бошлашди. Дарёдаги сув секин шовқин чиқарарди. Ўтлар илдизидан сўлиб, ўсмай қолди. Япроқлар бутуқларда туришдан чарчашди ва баъзи жойларда тўкила бошлади. Энг баланд чўққиларда эса, тун ичида ёш кумушдек қор тушди. Лекин ҳали кун ёруғ ва ҳаво қуруқ эди».

4. М. Жонғозиевнинг «Долон чўққисига» шеърида мана бундай сўзлар бор. Қирғизистон харитасидан Долон доvonини топинг. Шеърда баланд тоғли доvonнинг қандай табиий хусусиятлари белгиланган?

Долоннинг чўққисига дўстлар билан йўл олдик,
Чўққилар сари юриб, қийин йўлларда қолдик.
Қорли бўрон турарди биз чиқаётган пайтда,
Дўстларим сўрар эди: бу нима деб ҳайратда?
Бўрон тиниб, тоғларни булутлар ўраб олди
Бироз вақтдан сўнгра кўм-кўк осмон кўринди.
Ҳар тарафдан бўроннинг шовқинлари эшитилди,
Ҳеч қанча вақт ўтмасдан, сув куйгандек тинчиди.

5. Жойнинг рельефи одамларнинг ҳаёти ва хўжалик фаолияти учун қандай аҳамиятга эга? Одамлар сигирларини қаерда боқишади, кўйларини-чи?
6. Нима учун тоғлардаги даралар ҳар доим тош парчаларига тўлган?
7. Одамлар янги замонавий шаҳар қуришни исташади. Улар яшаши қулай бўлиши учун табиатга тузатиб бўлмайдиган зарар етказмайдиган нимани кўзда тутишлари керак?

§ 28. Табиат муҳофазаси

Қизил китоб

Табиат тенгсиз бойлик,
Келинг уни асрайлик.
Экинлар бўлмасин хор,
Жониворлар бўлсин бор.
Қизил китоб асрайди,

Барча ноёб гулларни,
Ўз бағрига олади,
Ҳатто кобра, илонни.
«Қизил китоб – Қизилдир
Демак табиат хавф остидадир!»

Б. Дубровин



«Қизил китоб» нималигини сиз қандай тушунасиз?



«Қирғизистон ССРнинг Қизил китоби»
(Фрунзе, 1985-й.) – биринчи нашр.
«Қирғизистон Республикасининг
Қизил китоби» (Бишкек, 2007-й) –
иккинчи нашр.

Одамнинг Ердаги фаолияти шунга олиб келдики, ўсимлик ва ҳайвонларнинг кўп турлари ҳалок бўлишди, ҳайвонот оламининг баъзи вакиллари шунчалик оз қолдики, уларни табиатда учратиш деярли мумкин эмас. Дунё олимлари ҳисоблаб чиқишди, ҳар куни Ердан ҳайвонларнинг ёки ўсимликларнинг бир тури йўқолмоқда. Табиатнинг ноёб оламини сақлаб қолиш учун, бугуноқ ҳамма нарса қилиш зарурлигини одамлар тушунишди. Шунинг учун «Қизил китоб» тузилган. Унга бизнинг сайёрамизда йўқолиб бораётган фауна¹ ва флоралар², одамнинг гуноҳи орқали йўқолиш чегарасига бориб қолган ҳайвон ва ўсимликларнинг турлари

¹ Ердаги фауна – сайёрадаги ҳайвонот дунёси.

² Ердаги флора – сайёрадаги ўсимлик дунёси.

Қирғизистоннинг «Қизил китоби» га
киритилган ҳайвон ва судралувчилар



Қор қоплони



Манул



Қизил бўри



Бўз эчкемар



Мензбир сугури



Тоғ эчкиси, архар



Ўрта Осиё тошбақаси



Оддий силовсин

Қирғизистоннинг «Қизил китоби»га киритилган ўсимликлар



Оддий махаон



Семёнов пихтаси



Корольков ялпизи



Грейг лоласи



Ойгул



Апполон капалаги



Эдельвейс



Корольков аронниги

Қирғизистоннинг «Қизил китоби» га киритилган қушлар



Оқ лайлак



Тўхтатувалоқ (катта чўл қуши)



Қулранг калхат



Турна



Шаллақи оққуш



Қузғун


киритилган. Китоб муқовасининг қизил ранги тасодифий эмас. Қизил – ҳавф ранги!


«Қизил китоб» – бу фақат фалокат сигнали эмас, балки йўқолиш ҳавфи остида қолиб нодир бўлган турларни сақлаш бўйича ҳаракатларнинг дастуридир. «Қизил китоб»га кирган турларни сақлаш учун масъулиятни биринчи навбатда улар яшаётган ҳудуд давлатлари олади.

Қирғизистоннинг «Қизил китоби»га ҳайвонлар, ўсимликлар, қўзиқоринларнинг 210 дан ортиқ тури киритилган. Улар давлатнинг махсус муҳофазаси остида.

Ёдда тутинг!

«Қизил китоб» – бу сийрак ва йўқолиб кетиш ҳавфи остида турган ҳайвонларнинг, ўсимликларнинг ва қўзиқоринларнинг рўйхати.

 «Қизил китоб» дегани нима? Нима учун бундай деб аталади? «Қизил китоб» нима учун тузилган?

 * Қирғизистоннинг «Қизил китоби»га киритилган бир ҳайвон ёки ўсимлик ҳақида хабар тайёрланг. Унинг қандай кўриниши, қаерда яшаши (ўсиши), нима учун «Қизил китоб»га киритилганлиги ҳақида айтиб беринг. Бунинг учун қўшимча адабиётдан фойдаланинг.

Қирғизистон қўриқхоналари

Қирғизистоннинг табиати бой. Лекин унинг бойликлари чексиз эмас. Табиатни муҳофаза қилиш – инсониятнинг муҳим вазифаларидан бири.

Табиатни сақлаш учун одамлар махсус қўриқланадиган худудларни – қўриқхоналар ва табиий паркларини тузишган. Бу ерда ноёб ҳайвон ва ўсимликлар тинчгина қўшничлик қилишади. Қўриқхоналарда овчилик ва балиқ овлаш, дарахтларни кесиш ман этилган. Бу ерда ўсимликларни юлиш, қўзиқоринларни териш, гулхан ёқиш мумкин эмас. Қўриқхоналарда қурилиш, автотранспортнинг ҳаракати ва йўл қуриш ман этилган. Одамлар қўриқхонага кириши мумкин, аммо тартиб қоидаларига риоя қилишлари керак.

Қўриқхонада ҳайвонларни ўрганишади, йилнинг қиш фаслида қўшимча озиқлантиришади, уларнинг миқдорини

кузатишади. Қўриқхона ходимлари янги дарахтларни ўтқа-
зишади. Бунинг ҳаммаси ҳайвонот ва ўсимликларнинг ноёб
дунёсини сақлаш учун бажарилади.

Бугун Қирғизистон худудида 100 га яқин махсус муҳофа-
за остига олинган ҳудудлар бор. Улардан 10 таси қўриқхона-
лар ва 9 таси миллий парклардир.

Ёдда тутинг!

- Қўриқхона – бу ўсимликлар ва ҳайвонлар сақланади-
ган махсус қўриқланадиган ҳудудлар.
- Табиий парклар ва қўриқхоналар бутун дунёда мав-
жуд. Улар туфайли кўп ҳайвонлар ва ўсимликлар қи-
рилиб кетишдан сақланади.



1. Иссиқкўл
2. Сари-Чепак
3. Норин
4. Беш-Орол

5. Жапирик-Қоратол
6. Саричат-Эртош
(а, б – қўриқхона
участкалари)
7. Подшоҳ-ота
8. Қулун-ота
9. Қорабура
10. Сурматош

Қирғизистон қўриқхоналари




1. Харитани қаранг. Қирғизистоннинг қайси вилоятларида қўриқхоналар жойлашган?

- * 2. Бу белгиларни қаранг. Белгиларда табиат дўстларининг қоидалари шифрлаб қўйилган. Бу қоидаларни айтинг.



- 3. Инсон табиатда тартиб-интизомнинг яна қандай қоидаларига риоя қилишлари керак. Ўйлаб кўринг.

-  1. Табиатнинг қўриқланиши заруриятига сиз маъқулмисиз? Ўз жавобингизни тушунтиринг.
- 2. Қўриқхонада ноёб ўсимликлар ва ҳайвонлар қандай ҳимоя қилинишини айтиб беринг.
- 3. Қўриқхоналарга мактаб ўқувчилари қандай ёрдам кўрсатиши мумкин? Ўйлаб кўринг. Ўз таклифларингизни дафтарга ёзинг.



Экология нима?

Барча жонли мавжудотлар ва жонсиз табиатнинг компонентлари орасида жуда кўп кўринадиган кўринмайдиган боғланишлар мавжуд.

Экология – бу тирик жонзотлар, уларнинг атрофидаги барча нарсалар билан қандай алоқада бўлганини тадқиқот қилувчи фан. **Экология бу тирик жонзотлар ва уларни ўраб турган атроф – муҳит ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги фан.** Масалан, ҳайвонлар қандай сувга боғланган, Қуёш, ўсимликлар, бошқа ҳайвонлар ва одам билан қандай алоқада бўлади. Экология ўсимликлар сув, ҳаво, бошқа ўсимликлар ва одам билан қандай алоқада бўлганини ўрганади. Одам ўзининг атрофидаги табиат билан қандай муносабатда бўлади ва у табиатга қандай таъсир кўрсата олади.



Жонли ва жонсиз табиат алоқалари схемаси

Муҳит – организмларни ўраб турган жамики табиий экологик омиллардир.

«Экология» сўзи юнонларнинг: «экос» – уй ва «логос» – фан деган икки сўздан тузилган. Экология – Ердаги барча тирик организмлар яшаётган уй, табиий уй, ҳақидаги фандир.

Тирик организмларнинг ўзаро муносабатлари ва атроф-муҳитга бўлган муносабатларини ўрганувчи олимларни экологлар дейишади. Экологлар одамларга хўжаликни қандай олиб боришни ва муҳитга ҳамда ўзига зарар етказмасликни айтиб беришлари мумкин.

- ❓ 1. Расмларга қаранг. Бу жойда жонли ва жонсиз табиатнинг қандай ўзаро боғланишлари акс эттирилган?
2. Бундай боғланишларга ўз мисолларингизни келтиринг.
3. Экология нима?
4. Экология – энг муҳим фан эканлигини исботланг.
- * 5. Дафтарга қорақарагай расмини чизинг, уни ўраб турган муҳит қандай аҳамиятга эга, бу объектларнинг расмини чизинг.







Тонг отишин, кун ботишин кутсақда ҳамон
Ҳайвонот дунёси Ерда омондир-омон
Дарёнинг сувлари шилдираб оқар оппоқ
Бурчимиз уларни асрлар оша сақламоқ
Ер-бешиқ, у ҳаммага онадир меҳрибон
Уни авлодларга етказишдир асрабон

М. Костригина

Инсон – табиатнинг бир бўлаги. Инсон табиатга зарар етказса, – ифлосланган сув, захарланган ҳаво, ёмон озуқа сифатида ўзига қайтади. Одамлар табиат қоидаларига риоя қилмай қўй-мол боқади, дарахтларни кесиб ташлайди. Бунинг натижасида Қирғизистонда игнабаргли ўрмонлар озайиб бормоқда. Қирғизистоннинг жанубида ёнғоқ – мевали ўрмонлар ҳавф остида қолмоқда. Иссиққўл атрофидаги бутазорлар

камайиб кетмоқда. Бу ўсимлик ва ўрмон кўп ҳайвон ва қушлар уйи эди. Натижада ҳайвонларга яшаш, боқиш ва овлаш жойлари озайиб кетиши, ҳайвонларнинг ўлимга олиб келиши мумкин. Дарахтлар барча жонли организмлар нафас олиши учун муҳим бўлган кислородни ишлаб чиқаради. Дарахтлар оз бўлса – кислород ҳам оз бўлади.

Ҳайвонларнинг ўлдирилиши натижасида уларнинг кўп турлари йўқолиб кетмоқда. Автомобиллар газлари, завод ва фабрикаларнинг қувурларидан, чиққан чиқиндилар, ТЭЦнинг ҳаво ташлаган газли (карбон оксиди) ва зарарли моддалар ҳавони ифлослантirmoқда.

Булганган ҳаво инсон соғлигига акс таъсир кўрсатади. Ҳайвон ва ўсимликлар учун зарар келтиради. Ишлаб чиқарувчи корхона-





ларнинг оқин сувлари, далалардаги ўғитлар ҳавзаларга қуйилади ва у ерда яшовчи жониворлар ҳаётини издан чиқаради.

Дам олиш кунлари одамлар дарё ёки тоғ ён бағрларида дам олишни ёқтиришади. У ернинг ҳавоси тоза ва табиати жуда гўзал. Кўпинча дам олган жойларда кўп ахлат ва чиқиндилар қолиб кетади. Қирғизистоннинг энг гўзал жойлари тез орада ахлатхонага айланиб қолмоқда. Ҳар қандай ахлат зарарли ва ҳавфли!

Инсонлар табиатни сақлаш учун нима қилиши мумкин?

- Сув ҳавзаларига ифлосланган сув қуйиш мумкин эмас! Тозаловчи анжомлар қуриш зарур.
- Фабрика ва завод қувурларига махсус филътр ва зарарли моддаларни ушлаб қолувчи механизм ўрнатиш керак.
- Ҳавони ифлослантормайдиган машиналарнинг янги двигателларини ихтиро қилиш зарур.
- Ахлат ман қилинади. Чиқиндини тозалаб юринг!
- Бир дарахтни кессангиз – иккитасини ўтқазинг!
- Жонли табиатга зарар етказманг!

Сув, электроэнергияни тежанг, уйингизда иссиқликни сақланг. Электростанцияларда қанча кам ёқилғи ёқилса, ҳавога шунча кам зарарли моддалар чиқади.

1. Чап ва ўнг устундаги сўзларни бириктиринг – ва сиз табиатга эҳтиёткорлик билан муомала қилишни билиб оласиз. Уларни ёдда тутинг.


1. Қоғозга тежамли муносабатда бўлиш, ўсимликларни муҳофаза қилиб	тоза сувни сақлаб қоласиз.
2. Светни ўчириб,	уни ҳимоя қилишни ўрганасиз.
3. Ахлатни ажратиб,	ўрмонни сақлаб қоласиз.
4. Оқаётган кранни тузатиб,	тоза ҳавони сақлайсиз.
5. Табиатни ўрганиб,	электр ёруғлигини тежайсиз ва сақлайсиз.

2. Тупроқ ифлосланишига нима сабаб бўлади?
3. Ҳавони ифлосланишдан сақлаш учун нималар қилиш керак?
4. Қандай қилиб сув ҳавзаларини ифлосланишдан сақлаш мумкин?
5. Дўстларингиз ва қариндошларингиз билан табиатда бўлганмисиз?
6. Қандай қилиб сув, электр энергияси, иссиқликни сақлаш мумкинми?
7. Овқат, гулхан ва ахлат қолдиқларини нима қиласиз? Сўзлаб беринг.
- * 8. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича оилангиз маслаҳатлар рўйхатини тузинг.



ИНСОН ВА САЛОМАТЛИК

§ 29. Одам организми



Инсон ўсимлик ва ҳайвонлар сингари жонли табиатнинг бир қисми ҳисобланади. Жонли табиатнинг объекти сингари у туғилади, ўсади, ўз наслини давом эттиради, ўлади.

Инсон ҳайвонлардан фикрлаш қобилияти, меҳнат қилиши, нутқи орқали гаплашиши билан фарқланади. Инсонларга барча тирик мавжудотлар сингари озиқ-овқат, ҳаво, сув керак.

Инсон танаси бошқа тирик организмларга нисбатан мураккаб тузилишга эга. Ҳар бир орган ўз тузилиши ва ўз (вазифасига) фаолиятига эга.

1. Расмни кўриб чиқинг. Инсоннинг ички органларини айтинг.
2. Улар қандай ишни бажаради? Ўйлаб кўринг.
3. Ўз танангизда ички органларни кўрсатинг. Қаерда жойлашганини аниқланг.

Ўпка орқали биз нафас оламиз. **Ўпка** – нафас олиш органи. **Ошқозон, жигар ва ичак** овқат ҳазм қилишда ва уларнинг фойдали маҳсулотларга айланишига жавоб беради. Бу моддалар қон орқали барча органларга етиб боради.

Юрак қонни организм бўйлаб айланишига ёрдам беради. У насос сингари, уни қон томирлари бўйлаб доим ҳайдайди.

Буйрақлар муҳим вазифани бажаради. Қон улар орқали ўтиб, зарарли моддалардан тозаланади ва улар (зарарли моддалар) организмдан чиқиб кетади.

Мия – барча органлар фаолиятини бошқаради. Мия – бу организмнинг команда берувчи пункти. У кучли компьютерга ўхшайди. У турли сигналларни қабул қилади: – товушлар, ҳидлар, тасвирларни аниқлайди, уларни ишлаб чиқади ва бир онда қолган органларга етказиб беради. Инсоннинг мияси унинг ҳаёти мобайнида ҳеч қачон ўчмайди. Мияга сигнал нерв орқали берилади.

Анатомия – инсоннинг тана тузилишини ўрганадиган фандир.

Одам физиологияси барча органлар фаолиятини ўрганади. **Гигиена** – бу инсон саломатлигини мустаҳкамлайдиган ва ҳимоя қиладиган фан.

Ҳар бир инсон ўз организмнинг фаолияти ва тузилишини билиши шарт. Бу соғлиқни сақлаш учун муҳим.



1. Инсон жонли табиатнинг бир бўлаги эканлигини исботланг.
2. Инсоннинг баъзи органларини айтиб беринг. Улар қандай вазифани бажаради?
3. Тушунтиринг, нима учун инсон ўз организмнинг тузилишини билиши шарт.



- * 1. Одам организмни айтиб беринг, жавобларга режа тузинг.
2. Ўз дафтарингизга анатомия, физиология, гигиена сўзларининг маъносини ёзинг. Шу сўзларни ёдда тутинг.

§ 30. Сизги органлари

Сизнинг миянгиз сезги органлари ёрдамида доимо бизни ўраб турган муҳит ҳақида маълумот олади. Улар бешта: эшитиш, кўриш, ҳид билиш, таъм ва сезги органлари. Ҳар бир сезимнинг махсус органи мавжуд.

Кўз – бу кўриш органи. Кўриш орқали одам ёруғликни, буюмлар рангини, ҳажмини, шаклини фарқлайди. Кўриш буюмнинг қандай масофада туришини аниқлашда ёрдам беради. Кўриш туфайли биз китоблар ўқиймиз, мультфильмлар томоша қиламиз, табиат гўзалликларидан завқланамиз.

Эшитиш органи – бу қулоқ. Эшитиш – бу организмнинг овоз тўлқинларини қабул қилиш қобилияти. Қулоқлар орқали одам ҳар хил товушларни эшитади. Табиат оханглари, мусиқа, инсон нутқлари. Бу органнинг шикастланиши натижасида одам ёмон эшитадиган ёки кар бўлиб қолиши мумкин. Баланд товуш ва шовқин – сурон қулоқ органига жуда зарарли.

Таъм билиш органи – тил. Унинг устида ўзгача таъм сўргичлари жойлашган. Улар ширин, аччиқ, нордон ва туз таъмларини аниқлаб, мияга хабар етказди.



Таъм билиш жойлари.

- 1) аччиқ; 2) нордон;
- 3) тузли; 4) ширин.



Бурун – *хид билиш органи*. Хид билиш – бу хид сезиш қобилияти. Хид бизга қувонч олиб келади ва иштаҳани очади. Баъзи бир хидлар ҳавфдан сақлайди. Мисол учун, тутун хиди ёки айниган овқат.



Тери – *сезги органи*. Сезиш – бу бирон нарса тегишини сезиш. Тери бизга барча ушлаётган нарсаларимиз ҳақида «хабар беради». Тери орқали биз юмшоқ ёки дағал нарса сезамиз, буюм шаклини аниқлаймиз, иссиқ-совуқ, оғриқни ҳис қиламиз.

Барча сезги органлари бир-галикда ҳаракат қилади ва бир-бирини тўлдиради. Улар хотирага эга. Мандарин ҳидини биз ҳеч қачон пиёз ҳиди билан адаштирмаймиз. Кунлардан бир кун биз муз суварагини ушлаб кўрдик, муз совуқ эканлигини эслаб қолдик.

Сезги органи – организмнинг энг яхши аниқловчиси. Улар ҳақидаги барча маълумот мияга келиб тушади. Мия бошқа органларга буйруқ беради.


Ўз сезги органларингизни сақланг!

Шифокор маслаҳати

- Кўзингизни қўл билан артманг.
- Шифокор ёзган бўлса, кўзойнак тақишдан уялманг.
- Компьютер олдида узоқ ишлаш ёки телевизор томоша қилиш зарарли.
- Дафтар ва китоб кўздан 30–35 см узоқликда жойлашган бўлсин.
- Транспортда ўқиманг, чунки бунда китобни кўздан тўғри масофада ушлаш қийин.
- Қуёш нуридан ҳимояловчи кўзойнаксиз қуёш ва ёрқин нурларга тик қараманг.
- Қаттиқ шовқин, кескин товуш, баланд мусиқа тинглаш эшитиш қобилиятини бузади.
- Мунтазам равишда қулоқларни совун билан ювиб тулинг.
- Агар қулоғингизда оғриқ сезсангиз, шифокорга мурожаат қилинг.
- Қулоқни гугурт чўпи, тўғнағич ва бошқа учли нарсалар билан ковламанг.
- Инсон тумов бўлиб қолганда ҳидни ёмон сезади. Ўзингизни шамоллашдан сақланг.
- Бурунга ўзга буюм тушса, шифокорга мурожаат қилинг.
- Терингизни тоза сақланг.
- Лат ейиш, куйиш, музлашдан эҳтиёт бўлинг.
- Ўта қайноқ овқатни истеъмол қилманг.



1. Кўз, қулоқ, бурун ва тери соғлом бўлиши учун қандай қоидаларга амал қилиш керак?
2. Инсонни қандай сезги органлари ҳимоя қилади, ўйланиб кўринг. Ўз жавобингизни тушунтиринг.

 Схемани дафтарингизга чизинг ва тўлдиринг. Ҳар бир қисмни сақлаш ҳақидаги гаплар билан тўлдиринг.



Тери – организмнинг ишончли ҳимоячиси

1. Қўлингиз терисини кўриб чиқинг. Ушлаб кўринг. У ҳақида нима дея оласиз? У қандай?
2. Терини катталаштириб кўрсатадиган ойнада кўринг. Сиз нимани сездингиз?
3. Панжаларингизни пешонангиздан юргизиб, ойнага босинг. Ойнада нима қолди? Сиз буни қандай тушунтирасиз?

Тери – бу мураккаб орган бўлиб, инсон ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Тери баданни турли шикастланишлардан сақлайди. У сувни ўтказмайди. Тери инсонни иссиқ-совуқдан ҳимоя қилади, организмга тананинг доимий ҳароратини ушлаб туришда ёрдам беради. Бундан ташқари, у организмни мик-


роб ва инфекциялардан ҳимоя қилади.

Тери бир неча қаватдан иборат. Биринчи қават жонсиз тери, эпидермис. Унда тери нафас оладиган тешикчалар мавжуд. Тешикчалар орқали тер ва ёғ ажралиб чиқади.

Иккинчи тери қатлами – терининг ўзи (дерма). Унда ёғ ва тер безлари жойлашган. Ёғ безлари терини юшатадиган ёғ ажратиб чиқаради. Тер безлари эса терини бутун устки қисмида жойлашган. Тер тери устида буғланади ва киши танаси совийди. Терида жуда кўп эластик қатламлар мавжуд, улар туфайли тери чўзилади. Бу ерда қон томирлари, нерв толалари мавжуд. Нерв толалари туфайли биз оғриқ, совуқ ва иссиқни сезамиз. Бу қаватда соч илдизлари бўлиб, улар инсонни бутун танасини қоплаган.

Терининг иккинчи қаватида ёғли қават жойлашган. У терини шикастланишдан сақлайди ва иссиқ тутати.

Соч ва тирноқлар ҳам тери тузилишига киради.



Терининг тузилиши



1. Тери бизнинг организмни қандай ҳимоя қилади?
2. Инсон сочлари ва тирноқлари ҳақида қўшимча маълумотлар топинг.

Тери гигиенаси

Қачон терида жуда кўп тер ва ёғ тўпланса, унга чанг ёпишади. Терининг устки қисми ифлосланиб, унда касалликка олиб келувчи микроблар кўпайиб боради.

Тери ўз вазифаларини сақлаш учун, уни доимо тоза тутиш ва турли шикастланишлардан сақлаш керак.

Шифокор маслаҳати

- Тери тозалигини кузатиш зарур.
- Терини доим тоза тутиш керак.
- Сочик билан яхшилаб артининг. Агар тери ўта қуриб кетса – крем суртинг.
- Тирноқлар остига бактериялар жойлашиб олмаслиги учун уларни калта олиш керак.
- Сочларни ҳафтада бир мартадан кам эмас ювиш керак.



? Схемани кўриб чиқинг. Тери ҳолатига нима яхши таъсир этиши ҳақида гапириб беринг.



Терини шикастланишдан сақланг!

Яралар, лат еган жойлар, кесилган, куйган терилар ва музлаган терилар организмга хавфли микробларнинг кириб қолишига йўл очиб беради. Биринчи ёрдам беришни билиш керак.

Жароҳат – Яра

- Ярани яхшилаб сув билан ювинг (кичкина ярани водород пероксида билан артиш мумкин).
- Яраларнинг четларини йод билан артинг.
- Тоза бинт билан боғланг ёки пластирь қўйинг.



Лат ейиш

Лат еган, урилган жойларга муздек нарса қўйинг. Бу совуқ сув тўлдирилган грелка ёки музлатгичдан олинган пластик шишадаги сув, совуқ сувда ҳўлланган дастрўмол бўлиши мумкин.



Куйиш

- Энг биринчи куйган ерга совуқ сув қуйиб совитиш керак.
- Агар куйган жой ўрнида шиш пайдо бўлган бўлса, инфекция кирмаслиги учун уни тешманг.
- Куйган ерни боғланг.
- Тери жиддий шикаст еган бўлса, шифокорни чақиринг.

Музлаш (музқотиш)

- Музлаган жойда тери оқаради ва сезгини йўқотади.
- Терининг музлаган жойини спирт билан артиш, кейин аста юмшоқ латта ёки қуруқ жун қўлқоп билан айлана ҳаракатда артиш керак.
- Музлаган жойни қор билан артиб бўлмайди. Тери сидирилиб қолади.
- Терининг музлаган жойини тез иситишга йўл қўйманг.
- Агар терида пуфакчалар пайдо бўлган бўлса, шифокорга муурожаат қилинг.


Офтобда куйиш

- Куйган жойнинг устки қисмини совутинг. Муздай компресс қўйинг ва тез-тез уни алмаштириб туринг.
- Кўпроқ суюқлик ичинг!

1. Тери шикастланганда қандай биринчи ёрдам кўрсатиш мумкин (керак, зарур)?
2. Тирноқ ва сочларни парвариш қилиш керакми? Нима учун? Қандай?
3. Терини қандай парвариш қилиш керак? Қуйидаги расмдан терини парвариш қилишда ёрдам берувчи нарсаларни танланг.



§ 31. Скелет ва мускуллар

 Расмни кўриб чиқинг. Инсон скелети қандай суяклардан иборат? Бу қисмларни ўз танангиздан топинг.



Тана шаклини тутиб туришга *скелет* кўмаклашади. Скелет суяклардан иборат. Катта одамнинг танасида 200 та алоҳида суяклар бор. Скелетда бош, бўйин суяклари ва (кўкрак қафаси ва умуртқа) ва қўл-оёқ суякларига ажратилади.

Скелет тана шаклинигина тутиб турмайди. У одамга ҳаракат қилишда ва ички органларни шикастланишдан сақлашда ёрдам беради.

Бош суяк бош мияни ҳимоя қилади. У ўта мустаҳкам суяклардан тузилган. Қовурға юрак ва ўпкани тўсиб турувчи кўкрак қафасини тузади. Умуртқа орқа мияни беркитиб туради.

Суяклар мускулларни ҳаракатга келтиради. Улар скелетни ёпиб, танага маълум бир шакл беради. Мускуллар, тўқилган йўғон ип сингари майда (нозик) толалардан иборат. Мускуллар пайлар ёрдамида суякларга маҳкамланади. Қачон қўл мускуллари қисқарганда, пай чўзилади ва қўл кўтарилади.



Биз кулганимизда – 17 та, қовоқ солганимизда – 43 та, бир қадам кўйсак – 54 та, юрганимизда – 200 та мускул ишлайди. Ўз мускулларингизни бақувват қилиш учун мускулларингизни иш билан машғул қилишингиз зарур.

Агар мускулларга иш қилдирилмаса, улар бўш ва кучсиз бўлиб қолади. Спорт билан шуғулланиш мускулларни машқ қилдиради ва бутун организмнинг соғлигини сақлашда ёрдам беради. Мускулларни жисмоний меҳнат чиниқтиради.

- ?**
1. Скелет қандай қисмлардан ташкил топган? Уларнинг вазифаси қандай?
 2. Инсонга мускуллар нима учун зарур? Улар қандай ишлайди?
 3. Мускулларни қандай қилиб кучли қилса бўлади?
 4. Расмларга қаранг. Мускулларни қандай қилиб машқ қилдириш ҳақида гапириб беринг.

🏠 Мускулларни мустаҳкамлаш бўйича ўз иш режангизни тузинг.





Гавда

Гавда – бу одатий туриш, вертикал туриш, одамнинг вертикал ҳолатдаги танаси. Тўғри гавда – юргангизда, ўтиргангизда ёки спорт билан шуғулланганингизда ўз танангизни тўғри тутиш кўникмаси.

? Расмларни кўриб чиқинг. Қайси болага қараш ёқимли? Нима учун?



Тўғри гавда



Нотўғри гавда

Агар сиз букчайиб юрсангиз, эгилиб ўтирсангиз бу сизнинг умуртқангизнинг қийшайишига олиб келади. Бу фақат хунуккина эмас, балки соғлик учун жуда зарарли! Бундай

хунук гавдада ички органлар ёмон ишлайди ва нафас олиш қийинлашади.

Гавда болалиқда шаклланади. Нотўғри гавдани болалиқда тўғрилаш мумкин, чунки скелет суяклари эгилувчан бўлади. Ўз устида ишлаш кўп меҳнатни талаб қилади, бу осон кечмайди. Лекин натижада, соғлом умуртқа ва чиройли келишган гавда бўлади.

? Расмларни кўриб чиқинг. Стол атрофида қандай тўғри ўтириш керак?



Нотўғри ҳолат



Тўғри ҳолат

Тўғри бурчакда қараш




- 30° | Ўқиш
- 15° | Ёзув
- 5° | Расм чизиш

Шифокор маслаҳати

- Столда тўғри ўтиринг: бошингизни бироз олдинга энгаштириб, гавдангизни тўғри тутинг. Стулга суяниб ўтиринг. Кўкрак ва стол орасидаги масофа кафт кенглигида бўлиши керак. Қўлларингизни столга эркин қўйинг, уларга тиранманг.
- Юрганда букчайманг, гавдани тўғри тутинг.
- Агар сиз оғир юк кўтарсангиз, уни икки қўлингизга тенг бўлиб кўтаринг.
- Китоб ва дафтарларни рюкзак ёки сумкада орқангизга осиб олинг.
- Текис ва ортиқча юмшоқ бўлмаган каравотда ётинг.
- Мускулларингизни машқ қилинг. Улар бош елка ва белни ушлашда ёрдам беради.



1. Нима учун гавдани тўғри тутиш керак?
2. Гавдани тўғри тутиш ҳақидаги маслаҳатларни ёдда тутинг ва уларга риоя қилинг.

-  Қадимги Грецияда айтишган: «Соғлом бўлишни истасангиз – югуринг, чиройли бўлишни хоҳласангиз – югуринг, ақлли бўлишни истасангиз – югуринг» Бу иборага қандай изоҳ берасиз?



§ 32. Овқатланиш

Ишлаш учун барча организмларга озиқ-овқат маҳсулотлари керак. Улар организмга таом билан биргаликда киради. Овқат инсонга энергия беради ва ўсиши учун ёрдам беради. Организмга тушган овқат оқсил, ёғ ва углеводларга ошқозон шарбати ёрдамида парчаланади. Овқатнинг парчаланиши инсон ошқозонида содир бўлади.

Бу жараён ичакда давом этади. Ингичка ичакда овқатдаги барча фойдали моддалар организмга сўрилади. Ичак деворлари орқали озиқ моддалари қон бўлиб барча органларга тарқалади. Овқатнинг қолдиқлари йўғон ичакка тушади ва организмдан ташқарига чиқарилади.

 Топишмоқларни топинг.

Думалоқ, тўпга ўхшайди
Лекин у сакрамайди
Пустининг ичи асал
Гўшти шириндан – шакар.

(*ёлғош*)

Денгиз, дарё, океанда
У ҳовузда ҳам яшайди
Балиқчи қачон хурсанд
Қармоққа илинса тирбанд.

(*илғош*)

Соғлом овқатланиш

Нон, гуруч, картошка, макарон маҳсулотларида углеводлар мавжуд. Улар инсоннинг ўсиши ва ҳаракат қилиши учун керакли энергияни (куч) беради.

Оқсил сут, пишлоқ, гўшт, балиқ в ануҳот таркибида бор. Оқсил – бу тананинг асосий қурилиш материали.

Ёғлар гўшт, қаймоқда ва ўсимлик ёғлари, ёнғоқларда мавжуд.

Таркибида ёғ мавжуд бўлган овқат оғир жисмоний иш қилганда ва ҳаво совуқ бўлганда жуда зарур.

Оқсиллар, ёғлар ва углеводлар бизнинг организмга доимо зарур!

Таом таркибида албатта витаминлар (дармон дори) бўлиши керак. Улар касалликларнинг олдини олишда ва организмнинг ўсишида катта ёрдам беради. Сабзавот ва мевалар витаминларга бой.

БИЗНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТЛАР

ЁҒЛАР



ОҚСИЛ



УГЛЕВОДЛАР




ВИТАМИНЛАР



Тўғри овқатланиш зарур!

Қандай қилиб тўғри овқатланиш керак!

- Овқат турли, янги тайёрланган ва ширин бўлиши зарур.
- Қуруқ, йўл-йўлакай овқатланиш мумкин эмас. Овқатланишга алоҳида вақт ажратинг ва доимо унга амал қилинг.
- Керагидан ортиқ овқатланиш зарар.
- Ширани камроқ истеъмол қилинг. Сабзавот ва меваларни кўпроқ истеъмол қилинг!
- Қовурилган, тузланган, дудланган овқатларни кўп еманг. Бу ширин бўлиши мумкин, аммо умуман фойдасиз.
- Овқат хаддан зиёд иссиқ бўлиши мумкин эмас.
- Овқатни яхши чайнанг, ютишга шошилманг.
- Кечки овқатни ётишдан 2 соат олдин истеъмол қилинг.


-  1. Овқатланиш учун зарур бўлган маҳсулотларни айтинг.
2. Топишмоқни топинг¹.

Олма ва нок ейишни
Ҳаммамиз хуш кўрамиз
Уларни сотиб олсак,
Бирга не деб атаймиз?

(дегөөн)

Карам, сабзи помидор,
Пиёз шолғом унда мўл,
Бодринг, нўхат, кўкат,
Ҳаммаси эгат-эгат.

(ехдоно)

-  * Барча оила аъзоларингиз учун фойдали бўлган бир кунлик таомнома тузинг.

Нонушта	Тушлик	Кечки овқат

¹ Топишмоқлар муаллифи – М. Костригина.

§ 33. Нафас олиш

Нафасингизни ушлаб туришга ҳаракат қилинг. Ичингизда сананг. Нафасингизни қанча узоқ ушлаб тура олдингиз? Нафасни ушлаб туриш пайтида карбонат ангидрид газининг даражаси қонда кўтарилади ва организм нафас чиқаришингизни мажбур қилади.

Ердаги барча тирик мавжудот ҳаёти учун, шу қаторда инсонга кислород керак. Нафас олганда кислород ўпкага ўтади.

Ўпка – бу катта юмшоқ орган бўлиб, у кўкрак қафасининг иккала томонини тўлдириб туради. Ўпка ташқи кўринишидан чиройли лабчани эслатади. Ўпканинг ичида жуда кўп майда найчалар бор. Найчаларнинг охирида кичкина ҳаво қопчалари – **альвеолалар** мавжуд. Улар нозик қон томирлари билан ўралган. Кислород қопчалар орқали қонга ўтади. Қон кислородни тортиб олади ва уни бутун организм бўйлаб ёяди. Ўпка орқали нафас чиқарганда инсон организми учун зарарли бўлган карбонат ангидрид газини чиқариб юборилади.



Ўпка

Сиз тоққа кўтарилганингизда, бир оз вақтдан сўнг сизга ҳаво етишмагандек туюлади. Бу шунинг учунки, баландликка кўтарилган сари сиз нафас оладиган кислороднинг миқдори озайиб боради. Қанча баланд кўтарилган сари, шунча нафас олиш қийинлашади. Шунинг учун, альпинистлар ўзлари билан кислород захирасини олиб юрадилар.

Кислороднинг етишмаслиги организмда ўзгаришлар рўй беришига сабаб бўлади. Шунга қарамасдан, қадим замонлардан буён одамлар баланд тоғли туманларга саёҳат қилишган ва яшашган. Чунки, тоғларда чорвачилик қилиш жуда қулай бўлган. Олимларнинг айтишларича, тоғда яшовчилар у ердаги қийин шароитларга физиологик жиҳатдан мослашиб кетишган.



1. Ўпкада нафас олиш жараёни қандай кечади?
2. Нима учун баланд тоғларда нафас олиш қийин кечади?
3. Расмни кўриб чиқинг. Ўпкага нима фойда, нима зарарлигини аниқланг.





1. Соғлом ўпка чекувчи кишининг ўпкасидан қандай фарқланиши-ни кўринг. Хулоса чиқаринг.

Соғлом ўпка

Чекувчининг ўпкаси



- * 2. Дафтарингизга ўпкани соғлом сақлаш ҳақидаги маслаҳатларингизни ёзинг.

§ 34. Соғлиқ – инсоннинг энг катта бойлиги



1. Сиз ҳеч касал бўлганмисиз? Нималарни бошдан кечирганингизни айтиб беринг.
2. Қандай касалликларни биласиз?
3. Нима учун инсонлар касал бўлишади?


Инсон ўз соғлиги ҳақида қайғурмаганлиги туфайли кўпинча касал бўлади. Оз ухлайди, тоза ҳавода кам бўлади, кам ҳаракатланади, кўп телевизор томоша қилади ёки компьютер олдида ўтиради. Бундай ҳолатларда организм чарчайди ва бўшашади. Нотўғри овқатланиш, тананинг нотўғри тузилиши, ўта совуқ ёки иссиқ ўтиши ҳам инсон организмни касалликка мойил қилиб қўяди.

Юқумли касалликлар бўлади. Уларни микроблар чиқаради. Улар касал одамдан соғлом одамга ҳаво орқали юқади.

Ичак инфекциялари организмга оғизга овқат орқали, сув ёки ифлос қўллар орқали киради. Инфекциянинг булоғи уй ҳайвонлари бўлиши мумкин.

Кун тартибига риоя қилинг!

Инсон организми инфекциялар билан фаол курашади. Сиз бунга бундай ёрдам беришингиз мумкин.

 Уйлаб кўринг, организмни юқумли касалликлардан қандай қилиб сақлаш мумкин?

Агар сиз бир вақтда овқатланиб, ухлаб, ишласангиз, сизнинг организмнинг шундай ҳолатга кўникади, бор имконияти билан ишлайди, кам чарчайди ва кам касал бўлади.

Яхши ухлаб туриш муҳим. Сиз камида бир суткада 10 соат ухлашингиз керак. Уйку вақтида инсон организми тикланади.

Ўз организмнингизни чиниқтиринг!

Чиниққан одам шамолламайди. Чиниқишда сизга Қуёш, сув ва ҳаво ёрдам беради.

- Қуёш тобланиш ва мустаҳкамланишда ёрдам беради. Қуёш нурлари организмни витаминларга тўйдиради. Бироқ хавфли бўлиши ҳам мумкин. Қачон сиз Қуёш иссиғида иш қилсангиз ёки юрсангиз бошингизни рўмол ёки соябонли бош кийими билан тўсишни (беркитишни) унутманг. Эрталабки ва кечки соатларда тобланиш фойдали. Соат 9 дан 11 гача Қуёш нурларидан тобланинг; куннинг иккинчи ярмида эса соат 16 дан сўнг.
- Тоза ҳавода кўпроқ юринг. Спорт билан шуғулланинг, бадантарбия машқларини бажаринг.
- Сиз яшаган хонани тез-тез шамоллатиб туринг. Дераза дарчасини қия очиб ухланг.
- Сув танани аъло даражада чиниқтиради. Сув муолажаларини қабул қилганда, сув ҳароратини пасайтириб туринг. Эрталабки бадантарбия машқларидан сўнг хўл сочиқ билан артининг. Ёзда тоза сув ҳавзаларида чўмилинг.



Ёдда тутинг!

- Инсоннинг энг катта бойлиги – соғлик. Соғлом ва кучли бўлиш учун чиниқиш зарур: тез-тез тоза ҳавода сайр қилиб ва сув билан дўстлашиш керак.
- Агар сиз касал бўлиб қолган бўлсангиз, албатта шифокорга мурожаат қилинг ва унинг кўрсатмаларини бажаринг.



1. Нима учун организмни чиниқтириш керак?
2. Соғлиқни сақлаш маҳорати ҳақида сўзлаб беринг.
3. Қандай қилиб юқумли касалликлардан сақланиш мумкин?



1. Сизги органлари одамни қандай сақлайди? Ўз тажрибангиз ёрдамида тушунтиринг.
- * 2. Соғлиқ ҳақидаги мақол ва маталлардан ёд олинг.
3. Эрталабки машқларни танлаб олинг
4. Ўз кун тартибингизни ишлаб чиқинг. Дафтарингизга ёзинг. Эсда тутинг кун тартиби – бу меҳнат, машғулот ва дам олишнинг тўғри қўлланиши ва тартиби.

6.30 – Уйғониш _____

_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____

21.00 – Ухлаш _____



Узоқ бахтли ҳаёт кечериш учун, инсон ўз соғлиги ҳақида қайғуриши керак. Агар сиз соғлиқни сақлашнинг муҳим қоидаларига амал қилсангиз, сизнинг танангиз мустаҳкам ва соғлом бўлади.

Озодаликка риоя қилинг!



Шуни унутмангки, микроблар покизалиқдан қўрқади. Шахсий гигиена қоидаларига амал қилинг.

Овқатланишдан олдин ва хожатхонага киргандан кейин қўлни яхшилаб ювинг. Тишни кунда икки маҳал ювишни унутманг.



Ҳаракат қилинг!

Сизнинг организмгиз ҳаракатга муҳтож. Ҳаракат қилинг, югуригиз, спорт билан шуғулланигиз. Жисмоний тарбия сизнинг юрагингизни машқ қилдиради, мускулларни кучли қилади, суякларни



мустаҳкамлайди. Жисмоний машқлар қонни организмда тезроқ ҳаракатлантиради. Буларнинг барчаси сизнинг соғлигингизни мустаҳкамлайди.



1. Расмда кўрсатилгандек пульсингизни топинг.
2. Бир дақиқада қанча пульс уришини ҳисобланг (пульсинг ҳар уриши юрак уришига тенг).
3. Кейинги дақиқа ичида жисмоний машқларни бажаринг (ўтириб-туриш, сакраш, жойида югуриш).
4. Пульсингизни қайта аниқланг. Нимани сездингиз?




Ҳаракатда юрак тезроқ уради, нафас олиш тезлашади, қон кислород ва озукаларни органларга тезроқ етказиб беради.

Тўғри овқатланинг!

Ҳаддан ортиқ овқатланиш, ёғли ва ширали овқатларни жуда кўп истеъмол қилиш соғлиқ учун зарарли эканлигини ҳар бир инсон яхши билади. Асосийси, овқат фойдали маҳсулотлардан, яъни оқсил, ёғ ва углеводлардан иборат бўлиши керак. Дармондорилар (витами́нлар) ҳақида унутманг. Мева ва сабзавотларни истеъмол қилинг.

«Инсон ва саломатлик» бўлими бўйича тест

1. Гапни давом эттиринг.
Ўз организмимизни билишимиз керак.
а) соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун
б) инсон ўйланиши, сўзлаши ва меҳнат қилиши учун
в) ўз имкониятларини фаол қўллаш учун
2. Инсон тана тузилишини ўрганадиган фан нима деб аталади?
а) физиология
б) зоология
в) анатомия
3. Қайси қаторда инсоннинг фақат ички органлари кўрсатилган?
а) кўзлар, ўпка, қон, тери
б) юрак, бош мия, буйрак, ичак
в) жигар, талоқ, қулоқ, ўт.
4. Инсоннинг сезги органлари нечта?
а) 7; б) 5; в) 9
5. Инсон скелетининг роли қандай?
а) скелет ички организмларни шикастланишдан ҳимоя қилади;
б) қисқариб ва дам олиб, скелет мускулларини ҳаракатга келтиради;
в) скелет нафас олиш органи ҳисобланади.

6. Инсон ҳаётидаги асосий қимматбаҳо нарса бу:
- бойлик
 - ақл
 - соғлик
7. Соғлом одамни тасвирловчи сўзлар қайси қаторда кўрсатилган:
- букчайган, бақувват, бесўнақай, баланд
 - букри, бўзарган, дармонсиз, паст
 - келишган, кучли, чаққон, хушбичим.
-  * 1. Кичик иншо ёзинг. Уни қуйидаги сўзлар билан бошланг: «Мен ўз соғлигим ҳақида қайғураман. Шунинг учун мен...»
2. Шеърни ўқинг. Уйлаб кўринг, сизнинг бувингиз соғлиги устида нималар қилиши керак?

Нафақадаги бувижонлар

Бувилар фахрий дам олишга чиқди,
Уларнинг бахтли куни бошланди,
Ишлашининг кераги йўқ, барибир
Бувижонлар, соғлигини ўйламайди.

Уйларини қилиб саранжом-саришта,
Дазмол босар, таом пишириб, кир ювади,
Шу боис уй ярқирайди, ялтирайди,
Бувижонлар соғлигини ўйламайди.

Набиралар кўп диққатин тортади,
Кечгача талай ишни елкасига ортади,
Ҳаммасини ухлатиб, тинчлантириб,
Бувижонлар соғлигини ўйламайди.

Набиралар ота-онаси ҳам ишдан келса,
Шуларни ҳам ғамхўрисиз қолдирмайди,
Улар жуда ҳам чарчаган кўринади,
Бувижонлар соғлигини ўйламайди.

Т. Бокова

Олдинда ёз фасли

Олдинда ажойиб ёз таътиллари. Ёзда организм чиниқиши учун катта имкониятлар мавжуд. Тоза ҳавода кўпроқ бўлиш, албатта чўмилиш ва қуёш нурларида чиниқиш керак. Эсланг, чўмилиш учун фақат катталар назоратида ва яхши таниш бўлган ёки махсус чўмилишга мўлжалланган жойларда чўмилиш мумкин. Қуёшда чиниқиш вақтнинг энг яхшиси 9 дан 11 гача, эрталаб ва куннинг иккинчи ярмида соат 16 дан кейин.



Ёзни фойдали ўтказинг

- Жонажон ўлкангиз ҳақида кўп нарсаларни билишга ҳаракат қилинг. Ўсимликлар, жониворларни кузатинг.
- Сув ҳавзаларига боринг. У ерда қандай ўсимликлар ўсади? Қандай ҳайвонларни кузатдингиз?
- Ферма, дала, боғ ва томорқаларга боринг. У ерларда қандай ўсимликлар етиштирилишини билиб олинг. Фермада қандай ҳайвонлар парвариш қилинади?
- Капалакларни кузатинг.
- Ёзда қушлар учун ем тўпланг. Қишда қанотли дўстларингизни боқиш учун уларни сақланг.
- Табиатни асраш учун сиз нима қила оласиз.

ЗАМОНАВИЙ ҚИРҒИЗИСТОН

§ 1. Қирғизистон Республикасининг рамзий белгилари.....	4
📍 <i>Инсон ва жамият</i>	8
§ 2. Қирғизистон халқларининг анъана ва урф-одатлари	12
📍 <i>Байрамлар</i>	16

ПЛАН ВА ХАРИТА

§ 3. Уфқ (Горизонт) Горизонтнинг оралиқ томонлари	20
📍 <i>Табиатда магнит ҳодисаси</i>	25
§ 4. Маҳаллий белгиларга қараб мўлжал олиш. Жой плани.....	27
Маҳаллий белгиларга қараб мўлжал олиш	27
Жой плани	28
📍 <i>Ўқув сафари. Жой планини тузиш</i>	31
§ 5. Харита ва унинг легендаси	33

ҚИРҒИЗИСТОН БЎЙЛАБ САЁҲАТ

§ 6. Бишкек шаҳри – Қирғизистон Республикасининг пойтахти. Чуй вилояти	39
📍 <i>Бишкек (Афсона)</i>	42
§ 7. Ўш-Қирғизистоннинг қадимий шаҳри. Ўш вилояти	43
Ўш шаҳри тарихи	47
📍 <i>Ўзган шаҳри тарихи (Афсона)</i>	49
<i>Аждарҳо ва паҳлавон (Афсона)</i>	49
§ 8. Жалолобод-шаҳри.	
Қирғизистоннинг Жалолобод вилояти	51
📍 <i>Тирик суе (Афсона)</i>	53
<i>Арслонбоб (Афсона)</i>	54
§ 9. Қирғизистоннинг Боткен вилояти	56
📍 <i>Ойгул ва Қози Улан (Афсона)</i>	57
§ 10. Норин шаҳри. Қирғизистоннинг Норин вилояти	59
📍 <i>Кет, қор! (Афсона)</i>	63
§ 11. Талас шаҳри – Манас ватани.	
Қирғизистоннинг Талас вилояти	65
📍 <i>Маъшур манасчилар ва бахшилар</i>	68
Сағимбой Орозбаков.....	68
Саякбай Каралаев.....	69

§ 12. Қирғизистон. Иссиққўл вилояти	70
Иссиққўл вилояти шаҳарлари.....	72
Балиқчи шаҳри.....	72
📍 <i>Балиқчи (Эртак)</i>	73
Чўлпон-Ота	74
📍 <i>Иссиққўл (Афсона)</i>	76
Қорақўл.....	77
📍 <i>Биз танлаган касб. Менинг шаҳрим.</i> <i>Менинг қишлоғим</i>	81

ТАРИХ ҚАЪРИГА

📍 <i>Давр тасмаси</i>	86
§ 13. Харитадаги тарих	89
§ 14. Буюк Ипак йўли бўйлаб.....	92
§ 15. Тарихий шахслар.....	96
Юсуф Боласоғуний (Юсуф Хос Ҳожиб)	96
📍 <i>Маҳмуд Қошғарий</i>	97
§ 16. Қирғизистоннинг тадқиқотчи олимлари. Қирғизистоннинг маданий ёдгорликлари.....	98
Пётр Петрович Семёнов-Тян-Шанский	98
Эмил Жапарович Шукуров.....	99
📍 <i>Чўқан Валиханов</i>	101
Маданият ёдгорликлари.....	102

ҚИРҒИЗИСТОН ТАБИАТИ

§ 17. «Сехрли қиш»	106
§ 18. Қирғизистон – тоғлар ўлкаси	110
§ 19. Қирғизистон текисликлари.....	113
§ 20. Қирғизистоннинг фойдали қазилмалари	115
📍 <i>Тоғлар нима учун емирилади</i>	119
§ 21. Тупроқнинг ҳосил бўлиши ва таркиби	123
§ 22. Қирғизистон тупроқлари. Тупроқлар аҳамияти	126
§ 23. Сув ва унинг хусусиятлари. Табиатда сувнинг айланиши.....	129
§ 24. Қирғизистон ҳавзалари.....	135
📍 <i>Ер ости салтанати сирлари</i>	139
<i>Йиртқич ҳам, қуш ҳам эмас</i>	141
§ 25. Қирғизистон ўрмонлари	142
§ 26. Инсон ва ўсимликлар	147
§ 27. Ҳайвонлар инсонга нима беради?	150
📍 <i>Ўз ўлкангизни билинг ва севинг</i>	154

ТАБИАТНИ АСРАЙМИЗ

§ 28. Табиат муҳофазаси	156
«Қизил китоб»	156
Қирғизистон қўриқхоналари	160
📖 Экология нима?	162
Дунё эколог назарида	166

ИНСОН ВА САЛОМАТЛИК

§ 29. Одам организми	169
§ 30. Сезги органлари	171
📖 Тери – организмнинг ишончли ҳимоячиси	174
Тери гигиенаси	175
§ 31. Скелет ва мускуллар	179
Гавда	181
§ 32. Овқатланиш	184
Соғлом овқатланиш	184
Қандай қилиб тўғри овқатланиш керак!	186
§ 33. Нафас олиш	187
§ 34. Соғлиқ – инсоннинг энг катта бойлиги	189
Кун тартибига риоя қилинг!	190
Ўз организмгингни чиниқтиринг!	190
📖 Соғлом турмуш тарзи	192
«Инсон ва саломатлик» бўлими бўйича тест	194
Олдинда ёз фасли	196
Ёзни фойдали ўтказинг	196

Ўқув қўлланмаси

**Бухова Екатерина Анисимовна,
Солошенко Ольга Владимировна,
Шаповалова Елизавета Павловна**

ВАТАНШУНОСЛИК **3-синф**

Умумтаълим мактаблари учун дарслик

Таржимон С. Набиева

**Муҳаррир А. Ўринбоев
Мусахҳиҳ О. Исманова**

**Техник муҳаррир М. Ахмедов
Муқова дизайни А. С. Борисова
Дизайн ва саҳифалаш: Е. Д. Елфимова,
Х. Қодирова, М. Болтабоева
Фототаъминлаш С. Ю. Калачёв**

Босишга берилди 20.10.2015 й. Ҳажми 70x100 $\frac{1}{16}$, Гарнитурa Arial.

Офсет усулида босилди. Офсет ўлчови. 12,5 босма тобоқ.

Адади 8 000. Буюртма № 108.

Нашриёт ишлари МЧЖ «Аркус нашриёти»
томонидан амалга оширилган
720031, Қирғизистон Республикаси,
Бишкек шаҳри, Кулатов кўчаси, 8/1-уй



МЧЖ «St. art Ltd» босмахонасида босилган
720040, Қирғизистон Республикаси,
Бишкек шаҳри, Тинистанов кўчаси, 199-уй



